



Андре Моруа

Чоршанба учун бинафшалар



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(4Фра)
М – 75

Моруа, Андре

Чоршанба учун бинафшалар/ Андре Моруа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 216 бет.

ISBN 978-9943-27-510-2

Асли исми Эмиль Соломон Вильгельм Эрзог бўлган Андре Моруанинг француз миллий адабиёти соҳасига қўшган ҳиссаси ниҳоятда чексиз. 200 га яқин китоблар, 1000 дан зиёд мақолалар унинг бой адабий меросини ташкил этади.

Ёзувчи фақатгина буюк инсонлар ҳақида автобиографик асарлар ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки романлар, фалсафий эсселар, фантастик новеллалар, психологик ҳикоялар, тарихий ҳамда илмий-оммабоп жанрларда ҳам қалам тебратган.

Моруанинг «Чоршанба учун бинафшалар» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу китоб Моруанинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(4Фра)

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:
профессор
Акмал САЙДОВ

Тўпловчи:
Жавлонбек АБДАЛНИЯЗОВ

ISBN 978-9943-27-510-2

© Андре Моруа, «Чоршанба учун бинафшалар». «Янги аср авлоди», 2015.

*«Кексалик санъати ёшларга тўғаноқ
эмас – суянчиқ, рақиб эмас – муаллим,
бефарқ эмас – ҳамдард
бўлиш демакдир»¹.*

Андре Моруа

АНДРЕ МОРУА – ҲАЁТ МУАЛЛИМИ

Бутун дунё китобхонлари «Андре Моруа» номи билан танийдиган ажойиб француз ёзувчисининг тўлиқ исми – Эмиль Соломон Вильгельм Эрзогъ (Émile-Salomon-Wilhelm Herzog) бўлган. Андре Моруа 1885 йилнинг 26 июль куни Руандан унча узоқ бўлмаган Эльфебеда дунёга келган. Унинг оиласи ўзига тўқ Эльзаслик яҳудийлар бўлиб, 1871 йили Нормандияга кўчиб келиб, насронийлик динининг католик мазҳабини қабул қилган француз фуқаролари бўлган.

Андре Моруанинг дунёга, жамиятга, санъатга қарашини кенгайишида ўз ҳиссасини қўшган одам унинг мактабдаги ўқитувчиси, француз файласуфи, ахлоқшуноси ва ёзувчиси Ален² муҳим роль ўйнаган.

Ёш Андре 1897 йилдан Руан лицейи ўқувчиси, 16 ёшида эса лицензиат даражаси

¹ André Maurois: «L'art de vieillir, c'est d'apparaître aux générations qui suivent comme un appui et non comme un obstacle, comme un confident et non comme un rival».

² Ален (1868 – 1951) – асл исми Эмиль Шартъе, француз файласуфи ва адабий танқидчиси, ахлоқшунос ҳамда ёзувчи.

соҳиби бўлган. Лицейдаги ўқишини тугатиб, Канн университетига ўқишга кирган. Сўнгра ёш Эмиль ўқишини давом эттириш ўрнига ўқитувчисининг маслаҳатига кўра отасининг мовут фабрикасига ишга кириб, 1903 – 1911 йиллар мобайнида иш бошқарувчи бўлиб ишлаган.

Шиддат билан бошланган Биринчи жаҳон урушидаги жанговар ҳаракатларда Андре Моруа алоқа офицери ва Британия экспедиция корпусида ҳарбий таржимон бўлиб иштирок этган. Айнан ўша даврда ўзининг илк китоби учун маълумотлар йиққан, қолаверса, ўзининг урушда олган таассуротлари Моруани адабиёт соҳасида ўзини синая кўришга ҳамда **«Камсухан полковник Брамбл»** («Les Silences du colonel Bramble», 1918) асари яратилишига асос бўлиб хизмат қилган. 1918 йили асар нашр қилинганидан сўнг Моруа ютуқ нима эканлигини англаган, ваҳоланки, бу машҳурлик она ватани Франциядан ҳам четга чиқиб, асар Буюк Британия ҳатто Америкада ҳам кенг китобхонлар томонидан ниҳоятда илиқ кутиб олинган.

Уруш тамом бўлганидан сўнг Андре Моруа **«Круа-де-фё»** («Croix-de-feu») журнали таҳририятида ишга жойлашган. Ўзининг биринчи романи ютуғидан илҳомланган ёш ёзувчи журнал таҳририятида шуҳратга эришишни эмас, балки адабиёт билан мукамал шуғулланишни ният қилган. Моруанинг 1921 йилнинг ўзидаёқ **«Доктор О’Грэдининг нутқи»** («Discours du docteur O’Grady», 1921) номли янги романи дунё юзини кўрган. Моруанинг

отаси вафот этгандан сўнг у отасининг мовут ишлаб чиқарувчи фабрикасини сотиб, 1925 йилдан бошлаб ўзининг бор кучини адабиётга сарфлаган.

Шунингдек, Моруанинг инглиз маданиятига қизиқиши уни инглиз адиблари тўғрисида ёзишга ундаган. 1920 –1930 йиллар оралиғида Моруа инглиз романтизмнинг машҳур вакиллари ҳаёти ҳақида биографик асарлар ёза бошлаган. 1923 йилда «**Ариэль ёки Шелли ҳаёти**» («Ariel ou la Vie de Shelley», 1923), 1927 йилда «**Дизраэлнинг ҳаёти**» («La Vie de Disraeli», 1927) ва 1930 йилда эса «**Байрон**» («Byron», 1930) номли биографик асарлар ёзган. Кейинчалик мазкур асарлар «**Романтик Англия**» номли трилогия остида чоп қилина бошланган.

Бундан ташқари, у бу йилларда бир қатор романлар ҳам ёзган. Шунингдек, 1926 йилда «**Бернар Кенэ**» («Bernard Quesnay», 1926), 1928 йилда «**Севгининг бевафолиги**» («Climats», 1928)¹, 1932 йилда ёзилган «**Оилавий давра**» («Le Cercle de famille», 1932) каби асарлар шулар жумласидандир.

А.Моруанинг фикрича «**Санъат бу – санъаткор томонидан тартибга солинадиган ҳамда ўзида санъаткорнинг жўшқинлигини услубий кетма-кетликда намоён қиладиган ҳақиқатдир**»².

¹ Асарнинг номи француз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда «Иқлим» бўлади. Бироқ ушбу асар ишқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши ҳақида бўлганлиги боис, рус тилига «Превратности любви» дея таржима қилинган.

² Иностранная литература, 1966, № 12. – С. 218.

1929 йилда А.Моруа «**Гўзаллик шайдола-ри мамлакатига саёҳат**» номли асар ёзган. Адиб бу асарда эстетларнинг¹ фантастик оролга қилган саргузаштлари ва у ерда гўзалликнинг жойлашганлигини тасвирлаган. Улар **Марсель Пруст**² сиймосига сажда қилиб, фақат санъат билан шуғулланганлар. Лекин ташвишсиз яшаётган эстетлар ҳақида китоб ёзишнинг ўзи мазмунсиз, чунки улар ҳақиқий ҳаёт билан боғлиқликни йўқотади ва фақат кураш тирик ҳамда жонли ҳисларни уйғотади. Мукаммал санъат асарларининг аксарияти оролдаги ўз ишини фидойиси бўлган ва масъулиятли вазифаларни ўзига олган эстетлар томонидан яратилади³.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб А.Моруанинг асарлари ғарб мамлакати олимларининг ўрганиш манбаига айланган. 1934 йилдан бошлаб М.Руайя⁴, А.Филлон⁵, Р.Вио⁶, Орианларнинг⁷ монографик асарлари чиқа бошлаган. Шунингдек, А.Моруанинг ижоди-

¹ Эстет – гўзалликка, нафис санъатга берилган киши, гўзаллик шайдоси.

² Валентиен Луи Жорж Эжен Марсель Пруст – (1871–1922) француз ёзувчиси, новелланавис, танқидчи, адабиётда модернизм тарафдори, машҳур етти томлик «Йўқотилган вақтни излаб» («À la recherche du temps perdu») эпопеяси муаллифи.

³ Л.Г.Андреев, Н.П.Козлова, Г.К.Косиков. История французской литературы.: Учеб. для филол. спец. вузов. – М.: Высш. шк., 1987. – С. 470-471.

⁴ Royat M. [Maurice Toesca] André Maurois. Paris. 1934. 128 p.

⁵ Fillon A. André Maurois romancier. Paris. 1937. 259 p.

⁶ Vio R. Le tourment d'Odile de «Climats». Paris. 1937. 48 p.

⁷ Auriant Un écrivain original André Maurois. Paris. 1941.

га бағишланган асарлар М.Вокс¹, Л.Китинг² томонидан Нью-Йоркда, Д.Лерг³ ва Ж.Леметр⁴ томонидан Лондонда, Ж.Совонье⁵ томонидан Брюсселда, С.Гери⁶ томонидан Касабланкада нашр этилган.

Хорижий танқидчилар ва адабиётшунослар Моруанинг табиати ва ҳаётини ўрганиш орқали унинг ижодини ёритиб, тушунтириб беришга ҳаракат қилишган⁷.

Ўша пайтларда А.Моруанинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган асарлари тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган. Шу ўринда, **Виктор Дюпюи⁸, Мишел-Друа⁹** ҳамда **Жак Сюффелнинг «Андре Моруа. Андре Моруанинг изоҳлари билан¹⁰»** номли монографиясида танқидчи ва ёзувчи ўртасидаги суҳбат ифодаланган. Эътиборли жиҳати шундаки, юқорида номлари зикр этилган асарларнинг ҳаммаси А.Моруанинг ҳаётлиги даврида нашр қилинган.

1938 йил 23 июнь – Андре Моруанинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган кун, яъни адиб бу қуни Француз академиясининг аъзолигига қабул қилинган.

¹ Vox M. André Maurois and his books. New York. 1927. 15 p.

² Keating L-C. André Maurois. New York. 1969.

³ Larg David-Glass. André Maurois. London. 1931. 239 p.

⁴ Lemaitre G. André Maurois. London. Oxford. 1939. 247 p.

⁵ Sauvenier J. André Maurois. Brux. 1932.

⁶ Guery S. La pensee d'André Maurois. Casablanca. 1941.

⁷ Michel-Droit. A Maurois (Classiques du XX siècle). - Paris. 1953. P. 15.

⁸ Dupuis V. Un écrivain tonique. Lausanne, 1945. 63 p.

⁹ Michel-Droit. Op. cit.

¹⁰ Suffel J. A. Maurois avec des remarques par A. Maurois. - Paris. 963 -202 p.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг 54 ёшли Моруа ўз ихтиёри билан ҳарбий хизматга кетган. Немис кучлари Францияни эгаллай бошлагандан сўнг А.Моруа АҚШга кетиб, Канзасс университетига дарс бера бошлаган. Ёзувчи ўз она Ватанига 1946 йилда қайтган.

Андре Моруа ҳам учувчи, ҳам ёзувчи бўлган Антуан де Сент-Экзюпери билан қалин дўст бўлган. 1939 йилнинг кузида уларнинг ҳар иккаласи ҳам армияда хизмат қилиш учун Алоқа вазирлигидан ишдан кетишган. Тақдир уларни яна АҚШга кетишга мажбур қилган. Сўнгра эса А.Моруа немислардан озод бўлган Алжирга келган.

Бу йиллар мобайнида А.Моруа «**Марсель Пруст изидан**» («A la recherche de Marcel Proust», 1949) номли китобини ҳамда новеллалар тўпламини нашр қилган.

А.Моруанинг тарихий асарлари ва фалсафий эсселари сирасига 1934 йилда ёзилган «**Ҳис-туйғу ва урф-одатлар**» («Sentiments et coutumes», 1934), «**Поль Верлен. Ариэл бўлган Калибан**» («Paul Verlaine: un caliban qui fut un Ariel»), илмий-оммабоп изланишлари эса 1937 йилда ёзган «**Англия тарихи**» («Histoire d'Angleterre», 1937) ва 1947 йилда ёзган «**Франция тарихи**» («Histoire de la France», 1947) асарларида акс этган.

XX асрнинг 50-йиллари бошида Андре Моруанинг 16 жилдлик асарлар тўплами чиққан.

Андре Моруа 1963 йилда «**Прустан Камюгача**», 1964 йилда «**Лабрюйердан Прустгача**», 1965 йилда «**Жиддан Сартргача**», 1967

йилда эса «**Арагондан Монтерлангача**» деб номланган тўртта китобни француз ёзувчиларига бағишлаб ёзган. Бу асарлар ҳар хил вақтларда ва танқидий мақолалар, маърузалар, сўзбоши ва тақризлар сингари турли жанрларда ёзилган бўлишига қарамай, уларни севимли китоблар дунёсида яшовчи ягона муаллиф нуқтаи назари бирлаштирган¹.

А.Моруа шундай деб ёзган: «**Мен ўзимнинг биографик асарларимда ҳеч қачон беллетрист² асарлар ёзмаганман, ҳеч қандай ҳолат ва суҳбатларни тўқимайман. Мактуб, газета, ҳужжатлардаги расмий фактларга таянаман, шунингдек, университет диссертацияларидаги ҳақиқатга асосланаман**»³.

Бироқ А.Моруа аввало биографик асарлар ёзиш устасидир. Аниқ фактларга асосланган ҳолда буюк одамларнинг табиий образини яратган. А.Моруа бутун дунё машҳурлигига «**Байрон**» (1930), «**Тургенев**» («Tourgueniev», 1931), «**Лелия ёки Жорж Санд ҳаёти**» («Lelia ou la Vie de George Sand», 1952), «**Олимпиа ёки Виктор Гюгонинг ҳаёти**» («Olympic ou la Vie de Victor Hugo», 1955), «**Уч Дюма**» («Les Trois Dumas», 1957), «**Александр Флемингнинг ҳаёти**» («La Vie de sir Alexander Fleming», 1959) асарлари орқали эришган.

¹ Андре Моруа. От Монтеня до Арагона. Пер. с фр. – М.: Радуга, 1983. – С. 11.

² Беллетризм – тавсифчилик, яъни адабиётда социал-тарихий анализдан қочиб, соф тавсифчиликка берилиш.

³ Моруа А. Шестьдесят лет моей литературной жизни. – М.: 1977. – С. 46-47.

Фақатгина ҳақиқатни излаган А.Моруа «янги танқидчилар»дан фарқли равишда, тарихийлик тамойилидан воз кечмаган ҳолда қуйидагича генетик сабабий боғланишни илгари сурган: **«Ёзувчининг ижодий йўлини яратаётган бўлсак, ёзувчига таъсир ўтказган шахсни излашни ёддан чиқармаслик керак. Ален ўзининг устози Ланьосиз Ален бўла олмас, мен эса Аленсиз Моруа бўлолмасдим. Байрон эса Вольтер билан тўқнаш келмаса, балким Байрон бўла олмас, худди шунингдек, Пруст ҳам Рескина, Джорж Элиот, Диккенс ва Томасларсиз бошқача бўлган бўларди»¹.**

1956 йилда Париждаги «Ля Жен Парк» нашриётида А.Моруанинг «**Нотанишга мактуб**» («Lettres à l'inconnue», 1956) деган проза жанрида ёзилган асари нашр қилинган бўлиб, бу асарнинг рус тилидаги қисқартирилган шакли 1974 йилда «Иностранная литература» журналида чоп этилган.

А.Моруанинг «Нотанишга мактуб» асари ёзувчи ижодининг энг чўққисидир. Асар инсондаги жамики нозик психологияни ўз ичига қамраб олган бўлиб, бу асар ҳали-ҳанузгача ўзига хос «жанрнинг тамали» ҳисобланади.

А.Моруа ўз асарларида Шекспир, Бальзак ва Толстойларнинг ижоди ҳақида: **«Шекспир, Бальзак ва Толстойларнинг буюк асарлари инсоният томонидан башарият учун тикланган уч улуг ҳайкалдир»²**, дея

¹ Ўша жойда. 44-бет.

² Ўша жойда. 185-бет.

таърифлаган. Бальзакни эса «**Француз адабиётининг чўққиси**» деб ҳисоблаган¹.

Ёзувчи ҳаттоки кексалик пайтида ҳам асарлар ёзишдан тўхтамаган. 1965 йилда А.Моруа 80 ёшга тўлганида у ўз ижодидаги охирги китоб – «**Прометей ёки Бальзакнинг ҳаёти**» («Prométhée ou la Vie de Balzac», 1965) номли галдаги биографик асарини ёзиб тугатган.

Оноре де Бальзак – XIX асрнинг улуғ ёзувчиларидан бири. Ҳаётлиги давридаёқ шуҳрат чўққисига етган. Унга тан бериб, тасаннолар айтишган, у бой ва машҳур бўлган. Балки шунинг учунми, унга ҳасад қилишган. Бальзакнинг ҳаёти ўзи учун текис ва равон бўлганми? Бальзак ҳар бир зўр маҳорат ила ёзилган асарлари учун нималарни тўлашга мажбур бўлган? Буларнинг ҳаммасига жавобни биз А.Моруанинг «Прометей ёки Бальзакнинг ҳаёти» номли асарини ўқиш орқалигина билиб олишимиз мумкин. Бальзакда ҳаёт ўти ва ижод гулхани шундай ёрқин ловуллаб ёнганки, фақатгина Андре Моруанинг истеъдоди бизга буларни аслича етказиб бера олган.

Дарҳақиқат, Андре Моруанинг француз миллий адабиётига қўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқли – 200 га яқин китоблар, шунингдек, 1000 дан зиёд мақолалар шулар жумласидандир. Моруа турли жанрларда ижод қилган. У фақатгина улуғ инсонлар биографиясини ёзиш билан чекланиб қолмай, балки фантастик новеллалар, психологик эртак-

¹ Андре Моруа. От Монтеня до Арагона. Пер. с фр. – М.: Радуга, 1983. – С. 11.

лар, романлар, фалсафий эсселар, тарихий ва илмий-оммабоп асарлар ҳам ёзган.

1962 йили Моруа **Луи Арагон**¹ билан бирга ҳаммуаллифликда «**АҚШ ва СССРнинг параллел тарихи**» номли тарихий асарини нашр қилдирган. Бу асарнинг АҚШга тегишли бўлган қисмини Моруа, собиқ Иттифоққа тегишли қисмини эса Арагон ёзган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб А.Моруа ҳамда совет адабиётчилари ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилди бошлангандан сўнг, совет нашрларида унинг мақолалари чиқа бошлаган.

1967 йил 9 октябрь куни 82 ёшли Андре Моруа Париж яқинидаги Нёйи-сюр-Сен шаҳарчасидаги ўз уйида оламдан ўтган.

Андре Моруа вафот этгандан сўнг 1970 йилда Францияда адибнинг «**Ёдномалар**» («Memoires», 1970) номли китоби нашр қилинган. А.Моруа бу китобда жонажон Париж шаҳрини шоирона нафис ва гўзал қилиб таърифлаб ёзган. А.Моруа «Ёдномалар» асарида Париж ҳақида ёзар экан, шаҳардаги ёдгорликларнинг меъморий-бадий жиҳатларига кам урғу бериб, асосан тарихий ва адабий фактларга кўпроқ тўхтаган. Шунингдек, ёзувчи бу китобда **Рузвельт** ва **Черчилль**, **де Голль** ва **Клемансо**, **Киплинг** ва **Сент-Экзюпер** каби ўз замонасининг буюк инсонлари билан бўлган учрашувлари тўғрисидаги тафсилотлар ҳам ўрин олган.

¹ Луи Арагон (1897–1982) – француз шоири ва насрnavиси.

Андре Моруа биринчи хотини Янини де Сзимкиевик оламдан ўтганидан сўнг иккинчи марта Марсель Прустинг жияни Симоно де Кайвега уйланган.

Моруа бир қатор жамоат ташкилотларига аъзо бўлган, демократик нашрлар билан ҳамкорлик қилган. Мексикалик рассом **Давид Сикейрос**, грек шоири **Яннис Рицос**ларнинг ҳибсга олинганлигига қарши шикоятлар ёзган.

Унинг асарларини ўқиётиб, А.Моруа одамларнинг руҳиятини яхши тушунадиган ижодкор деган тўхтамга келишимиз мумкин. Чиндан ҳам унинг асарларини ўқир эканмиз, эркаклар ва аёлларнинг руҳиятини қанчалик тўғри билишидан киши ҳайратланади. Хусусан, адиб ўз асарларида аёл ва эркакни нима ҳаракатлантиришига алоҳида тўхталган. Асарларидаги воқеалар ривожини жуда оддий ва ҳаётдан олинган бўлиб, ишқий учбурчак, хиёнат, севгининг сўниши, бир-биридан зерикиш сингари эр-хотин ўртасидаги муносабатларга тўхталган.

Дарҳақиқат, Андре Моруа ёзган асарлар китобхонларни бахтли инсон қила олади. Чунки Моруанинг китоблари эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатларга, эр-хотин бир-бирига хиёнат қилган тақдирда қандай ҳаракат қилишни, энг оғир вазиятларда эса суҳбатни одоб ва назокат ила олиб боришга ўргатади.

Хусусан, А.Моруанинг «Севгининг бевафолиги» асарига тўхталсак, бу асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири Филипп Марсен ўз хотинини қаттиқ севган. Филипп турмушидан бахтли бўлиб, кейинчалик эса эр-хо-

тин ўртасидаги муҳаббат тенг эмаслигини англаб етади. Хотинининг муносабати кучли эмаслиги Филиппнинг қалбини яра-ларди. Филипп эса хотинининг муҳаббатини қозониш учун ўта рашкчи, талабчан ва қаттиққўл, хуллас, беихтиёр тиранга айлана бошлаган. Унинг хотини Одилия ёш қиз бўлиб, унга жуда ҳам вафодор бўлган. Бироқ эрининг бесабаб тергашию тинимсиз рашки охир-оқибат хотинида бошқа эркакларга нисбатан қизиқиш уйғотишига сабаб бўлган. Ва ниҳоят, Одилияда жазман пайдо бўлиб, кейинчалик у унинг борлигига айланган. Шу билан бу муҳаббат қиссаси Одилиянинг ўлими билан яқунланади.

Орадан йиллар ўтди. Сўнгра Филипп Изабеллани учратади. Энди Изабелла Филиппни эътибор билан қаттиқ севар, Филипп ҳам унинг севгисига жавобан Изабеллани севар, бироқ унда ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўзининг бутун борлигини бошқа бир инсонга бахшида этиш эҳтиёжи йўқ эди. Энди Изабелла учун Филиппнинг унут бўлган ҳисларини тиклаш ва жонлантириш бутун бир синов эди ва у бу синовлардан муваффақиятли ўтишга муяссар бўлган.

Хуллас, ушбу асар юқори буржуазия жамияти аъзоларининг ҳаётига бағишлаб ёзилган бўлиб, психологик романларнинг чинакам дурдонасидир. Бу асарнинг фарқи томони, муҳаббат ва рашкнинг нозик таҳлил қилинганидир.

Ёзувчининг вафотидан сўнг, 1969 йили **Марсель Арлан**¹ Француз академиясининг

¹ Марсель Арлан – (1889–1986) Француз академиясининг академиги, адабий танқидчи ва ёзувчи.

аъзолигига қабул қилинишига бағишлаб ўтказилаётган тантанали маросимдаги маърузасида А.Моруанинг гуманистик ижодига тўхталиб ўтар экан, шундай деган: **«Андре Моруа, биринчи навбатда, инсон билан инсон ҳақида гаплашадиган инсон бўлган»**¹.

Рус адабиётида ҳам Моруа ижодига бағишланган асарларни учратиш мумкин. **Ф.С.Наркирьер², А.Ф.Строев³, С.Б.Жимбинов⁴, К.Андреев⁵, Л.Л.Зонина⁶, Т.Е.Кама- ровская⁷, Т.Е.Елисеева⁸** сингари рус ёзувчилари А.Моруа ижодига бағишланган асар-

¹ Arland M. Discours de reception de M. Arland à l'Académie française, et reponse de J. Mistier. Paris. 1969. – P. 35.

² Наркирьер Ф.С. Андре Моруа жизнеописания Гюго и Бальзака // Наркирьер Ф.С. От Роллана до Моруа – М.: 1990. – С 233-261, Наркирьер Ф.С. Андре Моруа литературные воспоминания // Моруа А. Шестьдесят лет моей литературной жизни. Сб. ст. – М.: 1977 – С. 5-26.

³ Наркирьер Ф. С., Строев А. Ф. Мир рассказов Андре Моруа // Моруа А. Новеллы / Пер. с фр. – Минск: 1987. – С. 3-14; Наркирьер Ф. С., Строев А. Ф. Андре Моруа – публицист // Моруа А. Надежды и воспоминания. Художественная публицистика / Пер. с фр. – М.: 1983. – С. 5-20.

⁴ Джимбинов С. Б. Три Байрона // Моруа А. Дон Жуан или Жизнь Байрона. – М.: 2000. – С. 5-14.

⁵ Андреев К. Три Дюма и Андре Моруа // Моруа А. Три Дюма. Литературные портреты. – Кишинев: Издательство «Картя Молдовеняскэ», 1974. – С. 5-13.

⁶ Зонина Л. Предисловие // Моруа А. Превратности любви. Семейный круг. Романы. – Йошкар-Ола: 1990. – С. 5-12.

⁷ Комаровская Т. Е. Вступительная статья // Моруа А. Байрон. – Минск: 1990. – С. 5-11.

⁸ Елисеева Н. В. Употребление времен в новеллах А. Моруа в связи с их композицией // Ленинградский университет. Ученые записки. Сер. филол. Науки. – Л.: 1982. Вып. 75 (№ 350). – С. 26-30.

лар ёзган. 1972 йили Москвада **М.Я.Левянт-нинг «А.Моруа ижодида биографик жанр» (Ёзувчиларнинг таржимаи ҳоли)**¹ номли номзодлик иши, 1975 йилда эса **А.А.Смирновнинг «Замонавий француз новелласининг жанрга оид ўзига хослиги» (50-60 йилларда)**² номли докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Адабий танқидчилар Моруада, энг аввало, француз адабиётининг буюк анъаналари давомчиси эканлигини кўришган: **«Андре Моруа ҳеч қандай мактабнинг яратувчиси, чуқур ижтимоий зиддиятларнинг ва ҳеч қандай ғоянинг уйғотувчиси бўлмаган. Бироқ у француз адабиётининг буюк анъаналари меросхўридир. Инсонпарварлик, буюк маданият, нозик маҳорат, услубнинг ойдин ва енгил чархланганлиги Моруа китобларининг муваффақиятига сабаб бўлди»**.³

А.Х.САИДОВ,
профессор

¹ Левянт М. Я. Биографический жанр в творчестве А. Моруа (Биографии писателей). Дис. на соиск. уч. ст. канд. филол. наук. – М.: 1972. См. также статьи: Левянт М. Я. Теория биографического романа А. Моруа // Вопросы зарубежной литературы. – М.: 1971. – С. 122-136; Левянт М. Я. Мастерство Моруа-биографа // Эстетические позиции и творческий метод писателя // Сб. ст. – М.: 1972. – С. 92-104.

² Смирнов А. А. Жанровое своеобразие современной французской новеллы (50-60-е гг.) Автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. – Горький: 1975.

³ Зонина Л. Указ. соч. – С. 5.

ҲИКОЯЛАР

ТАРЖИМАИ ҲОЛ¹

Мўлгина емакхонани ёритиб турган чироқларнинг пилиги пастлатиб қўйилган – бу йил Лондонда нимқоронғида ўтириб овқатланиш расм бўлган. Эрве Марсена жойини топиб ўтирганда кўрдик, уни жуда кекса бир хонимнинг – леди Хемптоннинг ёнига ўтқазиптилар. Эрве кекса хоним билан бир столда ўтиришга эътирозини йўқ эди. Ёши ўтинқираб қолган хонимлар, одатда, очиққўнгил бўлишарди. Ва кўпинча фаройиб воқеаларни гапириб беришарди. Кўзларида порлаб турган истеъзо ёлқинларига қараганда эса, леди Хемптон ҳазил-мутойибага мойил аёлга ўхшаб кўринади.

– Қайси тилда сўзлашмоқни маъқул кўрасиз, жаноб Марсена? Французчами ё инглиз тилидами?

– Йўқ демасангиз, леди Хемптон, мен француз тилини афзал кўрардим.

– Лекин ёзганда инглиз мавзуларида ёзасиз-ку! «Жозеф Чемберленнинг ҳаёти» деган китобингизни ўқиганман. Уни ўқиб анча кўнглим ёзилди. Негаки, мен бу одамларнинг ҳаммасини танир эдим. Ҳозир нима устида ишляпсиз?

Француз йигит чуқур тин олди.

– Мен Байрон ҳақида китоб ёзмоқни орзу қиламан. Лекин унинг тўғрисида жуда кўп

¹ Андре Моруа. Таржимаи ҳол. Озод Шарафиддинов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 1998, № 12. 22-66-бетлар.

ёзилган... Рост, янги материаллар топилипти – Мэри Шеллининг мактублари, графиня Гвиччолининг қоғозлари. Аммо буларнинг бари эълон қилиниб бўлди. Мен бирон-бир номаълум ҳужжатларни топсам дердим, аммо ҳеч нарса тополмаяпман.

Кампир жилмайди.

– Байроннинг батамом номаълум бир саргузаштини сизга айтиб берсам, нима дейсиз?..

Эрве Марсена тўсатдан чангалзорда кийикка рўпара келган овчидай ёки биржада қайси акцияларнинг нархи қўтарилишидан хабар топган гумаштадай бирдан сергакланди.

– Байроннинг мутлақо номаълум саргузашти дейсизми? Ақл бовар қилмайди-ку, леди Хемптон? Ахир тоғ-тоғ тадқиқотлар ёзилган бўлса...

– Уни «батамом номаълум» деб жиндай маҳобат қилдим, шекилли. Чунки бу саргузаштга алоқадор хонимнинг номи тадқиқотчиларнинг тилига тушиб бўлган. Мен леди Спенсер-Свифтни назарда тутяпман...

Эрвенинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, лабларини бужмайгирди.

– Э, э, бунақа демайсизми!.. Ҳа, ҳа, эшитганман. Аммо бу воқеанинг тафсилотларини ҳеч ким аниқ билмайди.

– Азизим Марсена, ахир бунақа воқеаларнинг тафсилотларини, умуман, биронта одам аниқ билиши мумкинми?

– Албатта, леди Хемптон. Кўп ҳолларда ихтиёримизда мактублар, ҳужжатлар бўлади. Рост, баъзан мактубларда ҳам ёлғон гаплар

учрайди, айрим гувоҳликларга ҳам ишониб бўлмайди. Лекин тадқиқотчининг танқидий туйғуси бор...

Леди Хемптон суҳбатдошига ўгирилиб, унга қадимий лорнети орқали қаради.

– Агар мен сизга леди Спенсер-Свифтнинг кундалигини берсам, нима дейсиз. Унинг исми Пандора эди. Бу кундалигини Байрон билан мулоқотда бўлиб юрган кезларида ёзган. Пандоранинг ундан олган мактубларини ҳам ихтиёрингизга бераман.

Ёш француз йигит мамнуниятдан яйраб кетди.

– Нима дердим, леди Хемптон? Ҳиндуларга ўхшаб отам ҳам сиз, онам ҳам сиз дердим. Сизнинг шарофатингиз билан китоб ёзилиб қоларди... Сизнинг қўлингизда чиндан ҳам шу ҳужжатлар борми? Шунақа савол берганим учун маъзур тутасиз... Сира ақдим бовар қилмаяпти-да...

– Йўқ, – деб жавоб берди у. – Бу ҳужжатлар менинг қўлимда эмас, лекин уларнинг қаерда эканидан хабарим бор. Улар ҳозирги леди Спенсер-Свифтнинг, яъни менинг пансиондаги дугонам Викториянинг қўлида. Виктория бу ҳужжатларни ҳозирга қадар ҳеч кимга кўрсатгани йўқ.

– Ундоқ бўлса, нега энди менга кўрсатсин?

– Чунки бу тўғрида ундан мен илтимос қиламан... Сиз ҳали бизнинг мамлакатимизни яхши билмайсиз, жаноб Марсена. Бу ерда сиз ҳар қадамда сирлару кутилмаган воқеаларга рўпара бўласиз. Шаҳар ташқарисидаги

қасрларимизнинг ертўлалари ва чорбоғлари-да чинакам хазиналар ётибди. Аммо эгалари уларга заррача қизиқмайдилар. Бирорта одам хонавайрон бўлиб, уйи кимошдида сотилган тақдирдагина архивлар ёруғ дунёга чиқади. Агар тутган жойидан кесадиган тадбиркор америкалик Босвеллнинг машҳур қоғозларини топмаганида улар крокет шарлари солинган қутида умрбод қолиб кетган бўларди.

– Ўйлайсизки, тутган жойидан кесадиган тадбиркор француз йигитнинг ҳам иши ўнгидан келади? Америкалик Босвеллнинг қоғозларини бир неча минг долларга сотиб олганди. Ҳолбуки, француз йигитда бунақа пул йўқ.

– Виктория Спенсер-Свифт долларга учадиганлардан эмас. У менинг тенгдошим, саксондан ошиб қолган. Ўзининг даромадлари унга бемалол етиб ортади. Сиз унинг кўнглини тополсангиз бас, маъқул бўлсангиз, сизга қоғозларини кўрсатади. Ундан ташқари, эрининг катта бувисини китобингизда чиройли қилиб тасвирлайсиз, деб умид қилади...

– Лорд Спенсер-Свифт ўтиб кетганми?

– Лорд эмас, баронет... Сэр Александр Спенсер-Свифт уларнинг уруғида шу унвонга сазовор бўлган сўнги шахс эди. Виктория ҳали ҳам ўша – Байрон меҳмон бўлган уйда яшайди... Бу Глостер графлигидаги Елизавета замоналаридан қолган жуда бежирим қаср... Бахтингизни синаб, бир ўша жойга бормайсизми?

– Бажонидил... Агар мени таклиф қилсалар...

– Буни мен бўйнимга оламан. Бугуноқ Викторияга мактуб ёзаман. У сизни, албатта, таклиф қилади... Агар мактуб кескин оҳангларда ёзилган бўлса, бундан чўчиманг. Виктория қарилигимиз муайян устунлик беради деб ҳисоблайди – хаёлимизга келган гапларни рўйи-рост, очиқчасига айтмасак, қарилигимиз қаёққа боради? Ниманинг ҳам андишасини қилмоқ керак? Зарурати борми?

Бир неча кундан кейин Эрве Марсена ушоққина машинасида Глостер графлигидаги хушманзара қишлоқдан кетиб борарди. Ўтган ёз одатдагидек серёғин бўлди ва бу дарахтлар билан гулларга жуда қўл келди. Энг камсуқум хонадонларнинг деразаларида ҳам чаппар уриб турган гулларни кўриш мумкин эди. Маҳаллий олтин ранг тошлардан қурилган иморатлар Шекспир замонасида қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича турарди. Инглиз манзараларининг нафис гўзалликларини яхши кўрадиган Эрве Виндхерст паркини кўриб қойил қолди. Леди Спенсер-Свифтнинг қўрғони шу ерда жойлашган эди. Қинғир-қийшиқ йўлни қалин ўт-ўлан босган. Майсазорлар ҳафсала билан тарашлаб қўйилган. Уларнинг теварагини бақувват эман дарахтлари ўраб олган. Говлаб кетган қирққулоқлар ва қирқбўғинлар орасида ҳовуз ялтираб кўринади. Ниҳоят Эрве қасрга етиб келди ва ёввойи узум билан қопланган дарвоза олдида машинани тўхтатди. Сўнг юраги ўйнаган кўйи қўнғироқ тугмасини босди. Ичкаридан ҳеч қандай

жавоб бўлмади. Эрве беш дақиқача кутди. Кейин оҳиста эшикни итариб кўрди. Эшик очиқ экан. Даҳлиз нимқоронғи. Ўриндиқларда шарфлар ва пальтоллар уюлиб ётипти. Даҳлизда ҳеч ким йўқ. Аммо қўшни хонадан ёд олинган матнни ғўлдираб айтаётгандай овоз эшитилди. Француз эшик олдига келиб, деворларига катта-катта портретлар осилган чўзинчоқ зални кўрди. Бир гуруҳ сайёҳлар фрак кийган улўсифат эшик оғасининг те-варагини қуршаб олишган. Эшик оғасининг фраки остидан тўқ сиёҳранг жилети ва йўл-йўл шими кўриниб турипти.

– Мана бу, – дейди эшик оғаси суратни кўрсатиб, – сэр Уильям Спенсер-Свифт (1775 – 1835). У Ватерлоо ёнидаги жангда иштирок этган ва Веллингтоннинг шахсан дўсти бўлган. Суратни сэр Томас Лоуренс чизган. У кишининг аёли леди Спенсер-Свифтнинг сурати ҳам сэр Томас Лоуренснинг мўйқаламига мансуб.

Тингловчилар ўртасида пичир-пичир эшитилди.

– Ўша хонимнинг ўзими...

Эшик оғаси юзига сирли тус бериб, сезилар-сезилмас бош ирғаб қаради. У сиполигини қўлдан бермасликка уринаётгани сезилиб турарди.

– Ҳа, – дея илова қилди эшик оғаси шивирлаётгандай паст овозда, – бу ўша хоним. Байроннинг маъшуқаси бўлган. Байрон унга «Пандорага» деган машҳур сонетини бағишлаган.

Иккита турист сонетнинг биринчи мисрасини ёддан айтди. Эшик оғаси сиполик билан бош ирғади.

– Худди шундай, – деб тасдиқлади у. – Бу эса сэр Роберт Спенсер-Свифт. Аввалги Спенсер-Свифтнинг ўғли (1808 – 1872). Портретни сэр Жон Миллес ишлаган.

Кейин тингловчилар томон бир оз эгилиб, сир айтаётгандай оҳангда деди:

– Байрон Виндхерстда меҳмон бўлиб кетгач, тўрт йил ўтгандан сўнг сэр Роберт дунёга келган.

Ёшгина жувон сўради:

– Байрон бу ерга нима учун келган эди?

– У сэр Уильямнинг дўсти эди.

– Э, шунақами? – деди жувон.

Ҳар икки портретни яхшилаб кўриб олмоқ учун Эрве Марсена сайёҳлардан ажралиб қолди. Леди Спенсер-Свифтнинг эри сэр Уильямнинг юзи япалоқроқ, ичавериб шишинқираган, дурустгина шамол еган эди. Унинг юзига қараб сержаҳл ва мутакаббир одам бўлганини тахмин қилиш мумкин эди. Хотинининг нафис ҳуснида эса улугворлик билан бокиралик мужассам эди. Аммо тикилиброқ қараганда ледининг соф нигоҳидаги яширин ҳисчанликни ҳам, бағритошлиқдан ҳоли бўлмаган таманнони ҳам илғаб олиш мумкин эди. Сайёҳлар томошани тугатиб, эшик томон йўл олдилар, йигит эса ҳамон халчанлик билан суратларни томоша қилишда давом этмоқда эди.

Эшик оғаси у томонга энгашиб, андиша билан деди:

– Кечирасиз, сэр, билетингиз борми? Сиз бошқалардан кечикиброқ келдингиз... Ҳамма кириш ҳақини тўлаб бўлганди. Шунинг учун изн берсангиз...

– Мен сайёҳ эмасман. Леди Спенсер мени лутфан таклиф қилиб, шу ерда дам олиб кетишга ундаган. У мени қизиқтирган ҳужжатларни кўрсатишга ваъда берган...

– Афв этасиз, сэр... Бундан чиқадики, леди Хемптон тавсия этган ёш француз сиз экансиз-да? Бир дақиқа, сэр. Мен бу одамларни кузатиб қўяй, шу заҳотиёқ хоним-афандига хабар қиламан... Сизга ажратилган хона мунтазир, сэр. Юкларингиз машинадами?

– Менинг биттагина чемоданим бор.

Сайёҳларнинг келиб туриши леди Спенсер-Свифтни солиқ тўлашдан озод қиларди. Ўз қасрининг эшикларини хорижий туристларга очган кунларда леди Спенсер-Свифтнинг ўзи иккинчи қаватда жойлашган меҳмонхонада истиқомат қиларди. Ёш французни ўша ерга таклиф қилишди. Кекса леди ўзини мағрур тутар, лекин унда мутакаббирлик йўқ эди. Унинг тик қадди-қоматидан ғурур ёғилар, лекин муомаласидаги тўғрилиқ уни анча юмшатиб турарди.

– Миннатдорлигимни қандай изҳор қилишимни ҳам билмайман, – деб гап бошлади Эрве Марсена. – Етти ёт бегона одамни қабул қиляпсиз...

– Номаъқул гапни қўйинг, – деди леди. – Нега бегона бўларкансиз? Сиз энг яхши дугонамнинг тавсияси билан келдингиз. Китобларингизни ўқиганман. Мен бу воқеани одамларга одоб билан баён қилиб бера оладиган одамни кўпдан бери кутаман. Сиз бу ишга ҳар жиҳатдан тўғри келасиз, деб ўйлайман.

– Айтганингиз келсин, миледи. Лекин сира ҳам омад менга кулиб боққанига ишона олаяпман. Наҳотки Байрон ҳаётини тадқиқ этган синчков инглиз олимларидан ҳеч қайсиси қўлингиздаги ҳужжатларни эълон қилган бўлмаса?..

– Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, – деб изоҳ берди леди. – Менинг марҳум эрим катта бувисининг кундаликларини биронта тирик жонга қўрсатишга рухсат бермас эди. Бу масалада у эскича қарашларга қаттиқ риоя қиларди.

– Наҳотки бу қоғозларда тилга олиб бўлмайдиган... гаплар бўлса?

– Билмадим, – деди у. – Мен уларни ўқиган эмасман. Хат жуда ҳам майда, уни ўқийман деб кўздан айрилиш ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, йигирма яшар жувон бировга ошиқ бўлиб қолса, кундалигида нималар ёзиши мумкинлигини ҳаммамиз ҳам яхши биламиз.

– Миледи, мен бу қоғозлар ичида Байрон билан эрингизнинг катта бувиси ўртасида... м-м... яқинлик бўлганини исботловчи далилларга дуч келиб қолмайманми? Шундай бўлиб қолган тақдирда ҳам ҳеч нарсани яширмасликка ҳаққим бор деб ҳисоблайвераманми?

Леди французга таажжуб билан қаради. Унинг нигоҳида жиндай энсаси қотгани сезилиб турарди.

– Албатта-да! Акс ҳолда сизни таклиф қилмоқнинг нима ҳожати бор эди?

– Жуда олийҳиммат экансиз, леди Спенсер-Свифт... Ҳолбуки, кўп оилалар ҳамма нарса аён кўришиб турган бўлса-да, ота-боболарининг номус-орини ўттизинчи бўғингача ҳимоя қилишади.

– Бемаъни гап, – деб такрорлади кампир. – Сэр Уильям тўнғак эди, ёш хотинининг аҳволини тушунмас эди. Бунинг устига унга хиёнат қилиб, теварак-атрофдаги қизлар билан дон олишиб турарди. Леди Спенсер-Свифт лорд Байронни учратганда, у нафақат улғу шоир эди, балки фариштанинг қиёфасига ва иблиснинг ақлига эга бўлган эркак ҳам эди. Леди жуда зўр одамни танлаган эди. Бунинг учун ким ҳам унга дашном берарди?

Эрве бу мавзуни ортиқ муҳокама қилишга ҳожат йўқлигини ҳис қилди.

– Мени афв этасиз-у, леди Спенсер-Свифт, сиз ахир бу кундаликларни ўқимаган бўлсангиз, Байроннинг Виндхерстда фақат уй эгасининг дўсти сифатидагина меҳмон бўлиб кетганини қаёқдан биласиз?

– Оилавий ривоятимизда шундай дейлади, – деб қатъий жавоб берди у. – Менинг эрим буни ўзининг отасидан эшитган, у ҳам отасидан эшитган. Бунга сиз ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин, чунки, яна қайтариб айтаман, ҳужжатлар сизнинг ихти-

ёрингизда, ҳозир мен сизга уларни кўрсатаман. Сиз эса қаерда ишламоқчи эканингизни айтсангиз.

Леди Спенсер-Свифт сервиқор эшик оғасини чақирди.

– Миллер, ертўладаги қизил хонани очиб беринг, у ерга шамлар олиб боринг. Темир сандиқнинг калитини менга беринг. Жаноб Марсенани у ерга ўзим кузатиб қўяман.

Марсена тушиб қолган шароит хаёлот оламини қўзғамаслиги мумкин эмас эди. Иморатнинг пастки қаватида жойлашган, деворларига қизил мато қопланган ертўлада бошқа хоналардан фарқли ўлароқ электр чироқ йўқ эди. Шамлар шуъласи теваракатрофга титроқ соялар ташлаб турипти. Деворлардан бирининг тагига каттагина пўлат сандиқ қўйилган. У ўрта асрлар сандиғига ўхшаб безалган. Унинг рўпарасида кенгина диван турипти. Кекса леди французнинг қўлига таяниб, виқор билан ертўлага тушди, калитларни кўлига олиб, қулфнинг учта тешигига солди-да, тезгина буради. Шундан кейин сандиқнинг залварли эшикларини Миллер очди.

Марсенанинг кўзларига кумуш қошиқ ва санчқилар ялтираб кўринди. Унинг нигоҳидан чармдан ишланган аллақандай филофлар липиллаб ўтди, аммо бека қўлларини муқоваси оппоқ сахтиён теридан ишланган қалин альбомга узатди.

– Мана, Пандоранинг кундалиги, – деди у. – Мана булар мактублар. Уларни Пандора

ўз қўли билан манави пуштиранг тасмаларга ўраб боғлаб қўйган.

Леди Спенсер-Свифт ертўлага кўз югуртириб чиқди.

– Шошманг-чи... Сизни қаерга ўтқазсак экан? Манави катта эман столининг ёнида ўтирсангиз, сизга қулай бўлармикин? Лаббай? Майли, бўлмаса. Жуда яхши... Миллер, жаноб Марсенанинг ўнг ва сўл томонига иккита шамдон қўйиб беринг... Энди сандиқни қулфланг. Биз кетайлик. Меҳмонимиз бемалол ишласин.

– Ярим кечадан ҳам кечроқ қолиб ишласам майлими, миледи? Вақтим унчалик кўп эмас, шунинг учун ҳамма нарсани ўқиб улгурсам дегандим.

– Муҳтарам жаноб Марсена, – деди леди. – Шошилиш яхшиликка олиб келмайди, лекин, майли, билганингизни қилинг. Тушлигингизни шу ерга олиб келишади. Бошқа ҳеч ким сизга халақит бермайди. Эрталаб нонуштани сизнинг хонангизга олиб келишади. Сўнгра яна ишлайверишингиз мумкин. Биз сиз билан кундузи соат бирда тушликда кўришамиз... Шундай қилсак сизга маъқул бўладими?

– Жуда ҳам яхши бўлади-да, леди Спенсер-Свифт. Миннатдорлигимни қай тарзда...

– Қўйинг, керак эмас. Хайрли тун.

Эрве ёлғиз қолди. У портфелидан ўзи ёзар ручкасини олди, қоғоз чиқариб столга ўтирди ва ҳаяжондан юраги ҳаприқиб, сахтиён альбомни очди. Кампирнинг гапи тўғри эди – хат ҳақиқатан ҳам жуда майда ва ажи-бужи

эди. Афтидан, Пандора ёзувларимни ўқиш қийин бўлсин деб атайин шундай қилган кўринади. Альбом эрининг қўлига тушиб қолиши мумкин эди. Эҳтиёт чораларини кўриб қўйган яхши-да. Аммо Марсена ҳар қанақа ажи-бужи хатларни ўқишда ҳам устаси фаранг бўлиб кетганди. У Пандоранинг жим-жималарини ҳам унчалик қийналмай ўқий бошлади. Биринчи сатрларданоқ у ўзини жилмайишдан тўхтата олмади. Баён услубида ёш жувоннинг қўли сезилиб турарди. Пандора қизиққонлигини ёхуд ҳаяжонини ифодалаган сўзларни тез-тез таъкидлаб турарди. Кундаликни ёзиш 1811 йилда – никоҳдан сўнг бир неча ой ўтгач бошланган эди.

«1811 йил 25 октябрь. Бугун жуда толиқдим, бетобман, эгарда ўтиролмаёпман. Уильям овга кетди. Нима билан машғул бўлишимни билмайман. Кундалик тута бошладим. Бу альбомни менга падари бузрукворим совға қилган. Уни юракдан жуда-жуда яхши кўрардим. Уни бир умр йўқотганимга гоятда афсусланаман. Эрим ҳеч қачон менинг аҳволимни тушуна олмайди, деб кўрқаман. Унинг юрагида ёвузлик йўқ, лекин у аёл кишига юмшоқ муомала, эркалатиш кераклигини билмайди. Билмадим, умуман, бирон вақт менинг тўғримда ўйлармикин? У ўзининг хотинидан кўра сиёсат тўғрисида, отлар ва фермерлар ҳақида кўпроқ гапиради. Тўйимиз ўтгандан бери у ҳали бирон марта ҳам «севги» сўзини тилга олмади, шекилли. Йўқ, йўқ, олмади. Яқинда у Бриджитга шун-

дай деди: «Хотиним мени бирам жонидан яхши кўрадики... Мен кўзимни лўқ этиб туравердим».

Эрве шикоятларга ва истехзоларга тўла саҳифаларни бирма-бир кўздан ўтказди. Пандора ҳомиладор эди. У ҳеч қандай шодликсиз боланинг туғилишини кутарди. Эри унинг қалбида жиндай бўлса-да илинж уйғота олгани йўқ. Бола шу одам билан Пандорани яна қаттиқроқ боғламоғи керак эди. Жувоннинг жўнгина қайдларида секин-аста сэр Уильямнинг ўта ёқимсиз қиёфаси шакллана бошлади. Ундан аччиқ алам кўрган хотини эрининг худбинлиги, шуҳратпарастлиги, дағаллиги намоён бўлган жиндай ҳолларни ҳам гўё гувоҳдай қоғозга битиб қўярди. Бу орада кундалик сатрлари замиридан бошқа бир одамнинг – қўшнилари лорд Петерсоннинг сиймоси борган сари яққолроқ кўрина борди. Сэр Уильям қанчалик жирканч бўлса, Петерсон шунчалик марҳаматли кўринарди.

«1811 йил 26 декабрь. Кеча мавлуд байрамида лорд Петерсон менга жуда бежирим кучукча совға қилди. Мен ҳар доимдагидек ёлғиз эдим, лекин лорд Петерсонни қабул қилдим – ахир у мендан анча улуғ-ку! У мен билан адабиёт ва санъат тўғрисида гаплашди, қани энди мен унинг ҳамма ажойиб фикрларини қоғозга тушира олсам! Уни тингласанг, роҳат қиласан. Унинг хотираси жуда ҳам зўр. У менга Вальтер Скотт ва лорд Байроннинг шеърларини ёддан ўқиб берди. Мен уларни эшитиб, ҳаддан зиёд лаззатландим.

Билдимки, мен лорд Петерсондай одамнинг хотини бўлганимда жуда катта муваффақиётларга эришган бўлардим. Аммо у қари, бунинг устига мен умрбод бировнинг хасмидаман. Эвоҳ! Шўринг қурсин, Пандора!»

Бундан кейинги қайдлардан маълум бўладики, Байроннинг «Чайльд Гарольднинг саёҳатлари» достони Пандорага жуда катта таъсир кўрсатган. Пандора бу тўғрида ҳатто эрига ҳам айтган ва эридан бундай жавоб эшитган:

– Байронми? Ҳа, уни яхши танийман. У ҳам менга ўхшаб жаҳонгашта бўлиб юрган кезларда учрашганмиз. Биз Италияда қанчадан-қанча маишатли тунларни бирга ўтказганмиз-у... Қайтганимиздан кейин у мени ўзининг юртига – Ньюстед аббатлигига таклиф қилганди. Бу ерда унинг ихтиёрида бир гуруҳ фаришта қизлар бор. Мен улар ҳақида бири-биридан ўтадиган фаройиб ҳикоялар айтиб беришим мумкин эди – фақат уларни менинг бокира рафиқамга айтиш гуноҳи азим бўлади-да... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!..

Шундан кейин оқ альбомни ўқиётган одамнинг нигоҳи олдида Байронни ўзларининг ҳузурига – Виндхерстга таклиф қилишга эрини мажбур этмоқчи бўлган Пандора бири-биридан маккорроқ баҳоналар тўрини тўқиётгани гавдаланади. Аввалига эри қаршилиқ қилади.

– Бу ерга келиб нима билан шуғулланади у? – дея такрорларди у. – Бу ерда зерикиб қолади. Оқсоқлиги туфайли узоқ сайрларда мен-

га ҳамроҳлик қилолмайди. Бунинг устига, у овчи эмас...

Хотини ўзиникини маъқуллади:

– Ўзим унинг кўнглини олишга ҳаракат қиламан.

Сэр Уильямнинг газаби қўзиди:

– «Ўзим» дейсанми? Бу хотинбознинг кўнглини сен оласанми? Бир камим хотинимни Байронга ўхшаган одам билан ёлғиз қолишига йўл қўйиш қолганди. Бу муттаҳамнинг уйимга келиб олиб, бойликларимга кўз олайтиришини кўришга сира тоқатим йўқ...

Аммо Лондонда Байроннинг шуҳрати қанча юксакка ўрлагани сари бу қишлоқ заминдори шоир билан дўстлигини айтиб мақташни авж олдирди. У бу тўғрида қўни-қўшниларига ҳам оғиз кўпиртириб гапирди. Қизининг туғилиши муносабати билан леди Спенсер-Свифтнинг миясига жуда ажойиб бир фикр келди – чақалоқни чўқинтиришда лорд Байронни вакил ота тарзида иштирок этишга таклиф қилишса қандоқ бўларкин? Кичкина ледининг тарбияси-ю васийлиги шундай машҳур шоирнинг қўлида бўлса, қандоқ яхши! Сэр Уильям таслим бўлди: «Яхши, мен унга ёзиб юбораман, лекин у ҳеч қачон рози бўлмайди. Бусиз ҳам унинг хотинлару шеърлар билан боғлиқ ташвишлари бошидан ошиб ётипти». Бироқ Байрон рози бўлди. У турфа хилликни яхши кўрарди. Ўзидай бир шоир одамни чақалоққа, яна бунинг устига қиз болага вакил ота қилмоқчи бўлганлари унга ғалати туйилди ва розилик берди.

Эрве Марсена шу қадар ўқишга берилиб кетган эдики, на оч қолганини, на ташналикни, на ҳориганини ҳис қилди. Лекин сервиқор Миллер тушлик қўтарган хизматкор билан унинг ёнига келди.

– Леди Спенсер-Свифт сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва сизнинг бирор нарсага муҳтожлигингиз йўқми деб сўрайди, сэр?

– Ҳеч нарса керак эмас. Ледига айтингики, ҳужжатлар шу қадар қизиқарли эканки, мен туни билан ишлашга аҳд қилдим.

Эшик оғасининг нигоҳида бу гапни унча маъқулламагани сезилди.

– Туни билан дейсизми, сэр? Ростданми? Ундай бўлса, сизга яна шам келтириб беришим керак экан.

Эрве олиб келинган овқатдан номигагина тамадди қилгандай бўлди-да, яна альбомни қўлига олди. Байроннинг келиши зўр ҳаяжон билан тасвирланган эди – Пандоранинг ёзуви янада ажи-бужи бўлиб кетипти.

«Бугун эрталаб соат 11 да лорд Б. келди. У нақадар соҳибжамол ва ранги ўчган. Афтидан, у бахтсиз бўлса керак. У ўзининг оқсоқлигидан хижолат чекади. Шунинг учун ҳам у қадамлаб юрмайди, балки оқсашини яшириш учун югуриб юради. Бекор қилади. Оқсоқлиги ўзига бирам ярашганки... Қизиқ... Уильям мени огоҳлантирган эди. Гўё лорд Б. аёлларга жуда беандиша муомала қилармиш. Ҳолбуки, у менга икки оғиз ҳам гап айтгани йўқ. Рост, вақти-вақти билан сездирмай менга қараб қўйяпти, ҳатто бир марта кўзгуда

унинг менга қараб турганини сезиб қолдим. Аммо гаплашганда у фақат Уильямга ва лорд Петерсонга мурожаат қилади, менга эса ҳеч гапирмайди. Сабаби нима экан?»

Туни билан мижжа қоқмай Эрве Марсена Пандора қандай қилиб аста-секин шоирнинг жозибасига асир бўлиб қолганини кузатди. Афтидан, ёш ва тажрибасиз қиз Байроннинг нима сабабдан бунақа нобайронона иш тутганини тушунмаган кўринади. Байрон Виндхерстга ўзини одоб-ахлоқ доирасида тутишга қаттиқ аҳд қилиб келганди, чунки, биринчидан, у бошқа бир жувонга муккасидан ошиқу беқарор бўлиб қолганди, иккинчидан эса, мезбоннинг хотинини йўлдан уришни номуносиб иш деб ҳисобларди. Бунинг устига Пандора унга шу қадар анойи, гўр ва нозик кўриндики, уни изтироблар уммонига чўктиришни истамади. У ҳис-ҳаяжони ловиллаб турган одам эди ва табиий ҳисчанлиги юзига сурбетликни ниқоб қилиб олганди.

Шу сабаблар ҳаммаси бир бўлиб, Байрон Пандора билан севги ҳақида гаплашмади. Лекин аста-аста бўлса-да, машмашанинг тўрлари тўқила бошлади. Сэр Уильям Байронга Ньюстед аббатлигини ва у ерда истиқомат қилувчи гаҳ деса қўлга қўнадиган пари қизларни эслатди. Бир вақтлар улардан бири бу қишлоқи заминдорнинг дидига мос келиб қолганди. Сэр Уильям уни яна бир кўрмоқ истагини билдирди.

– Менга қаранг, Байрон. Мени яна бир бор Ньюстедга таклиф қилсангиз бўлмайдами? Албатта, хотинсиз...

Байрон унга таъна қилди.

– Уялинг-е! Ахир яқиндагина уйланган одамсиз-а! Хотинингиз воқиф бўлиб қолиб, бевафолик билан аламини олса нима қиласиз?

Сэр Уильям хохолаб кулиб юборди:

– Менинг хотиним-а? Ҳа-ҳа-ҳа! Ахир у ба-айни сўфи-ку! Бундан ташқари мени жонидан ортиқ кўради!

Ҳар қадамида ҳушёр тортиб юрган Пандора узоқдан туриб бўлса-да, бу гапларни эшитди ва кундалигига ёзиб қўйди. Яна бунинг кетидан ўзининг шарҳини ҳам илова қилди: «Мени жонидан ортиқ кўради!» эмиш. Вой тентак-ей! Наҳотки қисматимда бутун умр шу тўнгалнинг ёнида яшаш бор бўлса! Нега энди унинг шу қилиғига ўхшаш бир иш қилиб, ундан ўчимни олмай? Шу гапдан кейин шунақа ғазабим қўзидики, агар шу оқшом лорд Байрон паркда мени қучиб, лабла-римдан бўса олса, ҳеч нарса деб қаршилик кўрсатмаган бўлардим».

Вақт ярим кечадан ошиб кетган. Эрве шоша-пиша саҳифа кетидан саҳифаларни қораламоқда. Ним қоронғи ертўлада ёниб тугаётган шамлар шуъласи борган сари хира тортиб боряпти. Эрвенинг назарида унинг теварагини жонли соялар ўраб олаётгандай туйилади. Қизил башарали қаср хўжайинининг жарангдор «ҳа-ҳа-ҳа»си унинг қулоғига чалингандай бўлди. У леди Пандоранинг нафис чеҳрасидаги ифодани кузатди – бу чеҳрада нозик туйғулар тобора кучайиб бормоқда эди. Қоронғи бурчакда эса Байрон

тургандай эди. У юзида истехзоли жилмайиш билан бир-бирига сира мос тушмаган эру хотинни кузатиб турарди.

Француз ёниб битган шамларни алмаштирди. Кейин яна ўқишга тутинди. Энди у бошқа нарсани кузатарди – Пандора ҳарчанд уриниб, Байронни хаёлчанлик оғушидан тортиб олмоқчи бўляпти. У топқирлик билан жуда дадил ҳаракат қиляпти. Бу жувонда шунча ғайрат бор деб ўйлаш ҳам қийин эди. Эрининг бефарқлиги унинг жон-жонидан ўтиб кетган кўринади. Пандора унга қасдма-қасдига иш тутди. Ниҳоят, биллиард ўйнаш баҳонасида у шоир билан ёлғиз қодди.

«Бугун оқшом мен унга шундай дедим: «Лорд Байрон, аёл эркакни яхши кўрса, аммо эркак унга қайрилиб ҳам қарамаса, шўрлик аёл нима қилмоғи керак?» У жавоб берди: «Бундоқ қилмоқ керак». Шундай деди-ю, мени ҳаддан ташқари қаттиқ қучоқлаб олди ва...» Шу ўринда бир сўз ҳафсала билан ўчириб ташланган эди, лекин Эрве кўпда қийналмасдан уни ўқиди: «ўпди».

Эрве Марсена энгил нафас олди. У омади юришганига ишониб-ишонмасди. «Тушимми, ўнгимми? – деб ўйлади у. – Бизнинг энг ардоқли орзуларимиз фақат тушдагина шунақа тўкислик билан рўёбга чиқади-ку!» У ўрнидан туриб, қўли билан пўлат сандиқни, диванни, деворларни ушлаб кўрди – шу йўл билан бўлаётган воқеаларнинг чинлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Шубҳага ўрин йўқ – теварагидаги ҳамма буюмлар чиндан

ҳам мавжуд эди, кундалик ҳам ҳақиқий эди. У яна боши билан ўқишга чўмди.

«Мен қўрқиб кетиб, унга дедим: «Лорд Б., мен сизни севаман, лекин яқинда фарзанд кўрганман. Бу фарзанд мени отаси билан мустаҳкам боғлаб туради. Мен сизга фақат дўст бўлмоғим мумкин. Бироқ сиз менга жуда кераксиз. Менга ёрдам беринг!» У ҳайрон қоладиган даражада меҳрибон ва раҳмдил одам экан. Шу дақиқадан бошлаб мен билан ёлғиз қолганида, юрагидаги дардларнинг ҳаммаси аригандай бўлади. Менга шундай туйиладики, мен унинг қалбига малҳам бўляпман».

Француз йигит табассумини тўхтата олмайди. У Байронни жуда яхши ўрганган, шунинг учун уни ёшгина, ҳимоясизгина жувоннинг ёнида сабр-тоқат билан унга таскин бериб ўтирган қиёфада тасаввур қилолмайди. Унинг қулоқларида шоирнинг овози жаранглагандай бўлади: «Ахир у мени соатлаб қўлларимдан ушлаб ўтириб, фақат шеър ўқиб беришга қобил деб ўйласа, жуда адашади. Биз тугунни ечадиган паллага етиб бордик».

Кейин французнинг хаёлига бир фикр келди – леди Спенсер-Свифтнинг унга берган бир боғлам мактублари ичида Байроннинг ҳақиқий кайфиятидан далолат берувчи ҳужжат бўлиши мумкин. У шоша-пиша мактублар боғламини ечди. Ҳақиқатан ҳам, булар Байроннинг мактублари экан. Эрве дарҳол шоирнинг эҳтиросли дастхатини таниди. Бироқ боғлам ичида Пандоранинг қўли билан ёзилган яна қандайдир бошқа қоғозлар

ҳам бор эди. Эрве тезгина уларга кўз югуртириб чиқди. Булар леди Спенсер-Свифт мактубларининг қораламалари эди. Жувон уларни ҳам сақлаб қўйган эди.

Ёзишмани ўқишга киришиб кетган Эрве мамнуният билан ишонч ҳосил қилдики, унинг тахминлари тўғри экан. Ҳавойи муносабатлар тез фурсатда унинг жонига тегибди. У Пандорадан кечаси – қаср аҳли уйқуга кирган вақтда учрашишни илтимос қилади. Пандора кўнмайди. Аммо унинг астойдил экани сезилмайди. Эрвенинг хаёлидан ўтади: «Қораламасини ҳозиргина ўқиб чиққанам мана шу мактуб Байронга юборилган бўлса, у ғалабанинг яқин эканини ҳис қилмаган бўлиши мумкин эмас». Чиндан ҳам жувон анойилигини намоёиш қилиб, фақат битта қарши далил келтирибди: «Бунинг иложи йўқ, чунки қасрдаги одамларнинг эътиборини жалб қилмаган ҳолда қасрда учрашишимиз мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайман».

Эрве яна альбомни қўлига олди. Пандора Байрон билан мактублар алмашиб турмоқ учун гўё ўз кутубхонасидан унга китоблар бераётгандай бўлганини ёзибди. Шундай қилиб, у ҳатто эрининг ҳузурида ҳам хушторига китоблар берар, уларнинг ичида эса севги мактублари бўлар экан. «Бор-йўғи йигирма ёшда-я!» – деб ўйлади Эрве.

«Бугун Уильям овга кетди. Биз хизматкорларнинг кўз ўнгида бўлса ҳамки, уззукун лорд Б. билан бирга бўлдик. У бағоят жозибадор эди. Кимдир унга қасрдаги ертўла ҳақида га-

прииб берипти. У ертўлани кўрмоқ истагини билдирди. Мен у билан бирга тушмоққа журъат қилмадим, аммо мураббия мистрис Д.дан меҳмонга ертўлани кўрсатишни илтимос қилдим. Қайтиб келиб, у ғалати оҳангда шундай деди: «Гўзал кунларнинг бирида бу ертўла шунақа бир гўшага айланадики, мен бутун умрим давомида зўр мамнуният билан уни эслаб юраман!» Бу гапи билан у нима демоқчи бўлди? Унинг гапларининг маъносини чақишдан кўрқаман ва, айниқса, юрагим зир-зир титраган ҳолда ўйлайманки, унинг мамнунияти мен билан боғлиқ хотиралар туфайли бўлмасин, илойим!»

Мактублар билан альбом француз йигитга саргузаштнинг ечимини тиклашга ёрдам берди. Бир куни кечаси Пандора Байрон билан ертўлада учрашишга рози бўлипти. Бу пайтда унинг эри ўзининг хобхонасида хурракни ванг қўйиб ухлаб ётар, хизматкорлар эса ўзларининг учинчи қаватдаги уйларида эдилар. Байрон оловдай жўшқин, айтганини қилдирмоққа уринарди. Пандора эса шафқат сўраб илтижо қиларди.

– Лорд Байрон, – деди у шоирга. – Мен сизнинг ҳукмингиздаман. Нима истасангиз, шуни қилишингиз мумкин. Ҳамманинг кўзидан яширинганмиз, ҳеч ким овозимизни эшитмайди. Ўзимнинг ҳам қаршилиқ қилишга ҳолим қолмади. Мен курашмоққа уришиб кўрдим, аммо муҳаббат иродамага қарши ўлароқ мени шу ерга бошлаб келди. Менинг халос бўлишим фақат сизгагина боғлиқ. Агар

сиз чорасизлигимни суиистеъмол қилсангиз, гапингизга кўнаман, лекин кейин уят ва аламдан бутунлай нобуд бўламан.

Унинг кўзларида ёши шашқатор бўлди. Жувоннинг илтижоларидан таъсирланган Байрон кўнгли эриб кетганини ҳис қилди:

– Сиз мендан инсон боласининг кучи етмайдиган нарсани талаб қиляпсиз, – деди у.
– Лекин мен сизни шунчалар яхши кўраманки, сиздан воз кечишга ҳам тайёрман.

Улар бир-бирларининг пинжига кириб, диванда яна анча вақт ўтирдилар. Кейин Пандора ўрнидан туриб, ўзининг хобхонасига кетди. Эртаси куни Байрон ношир Мэрей уни Лондонга чақираётганини айтди ва Виндхерстдан жўнаб кетди. Шу куни Пандора кундалигига ёзган гаплар ёш французни чин кўнгиладан завқлантирди.

«О, каллаварам! О, аҳмоқ! – деб ёзади у. – Ҳаммаси тамом бўлди, ҳаммаси қўлдан чиқди! Мен энди бир умр муҳаббат нималигини билмай ўтиб кетаман. Наҳотки у тушунмади? Мен ахир дабдурустдан бўйнига осилиб ололмайман-ку! Менга ўхшаган қатъий ахлоқ-одоб қоидалари асосида тарбия кўрган аёл, бунинг устига, мендай ёш жувон ўзини ҳаёли сатанглардек тута олмайди-ку! У сиз – ҳозиргача шунақа сатангларни кўравериб пишиб кетган. Мен йиғламоғим керак эди. У эса муҳаббат бобида саводи чиққан одам сифатида мени юпатиши, менга таскин бериши ва бутун вужудимни ўртаётган туйғуга ён беришга мени кўндирмоғи керак эди. Би-

роқ у ҳамма умидларимни чиппакка чиқариб жўнаб кетди! Умримда ҳеч қачон унинг бу қилмишини кечирмайман».

Бу воқеадан кейин улар яна иккита мактуб алмашишади. Байроннинг мактуби жуда эҳтиёт бўлиб ёзилган. Шубҳа йўқки, У Пандоранинг эрини ўйлаган – қўлига тушиб қолса, конвертни очиб, хатни ўқиши мумкин. Пандора мактубининг қораламаси жувоннинг нозик туйғуларига тўла, айна чоқда унинг пинҳона ғазаби ҳам сезилади. Кундаликнинг бундан кейинги қайдларида Байроннинг номи яна бир неча марта тилга олинади. Бир гал унинг янги достони муносабати билан, яна бир гал унинг атрофидаги навбатдаги машмаша туфайли Байрон эсланган. Кинояли таъналар бор – уларда теран бир афсус-надомат сезилиб туради. Аммо 1815 йилдан кейин Байрон Пандоранинг хотирасидан бутунлай ўчиб кетган кўринади.

Ертўладаги кичкина дарчадан заиф тонг нурлари шуъла ташлади. Эрве гўё оғир бир дарддан халос бўлгандай теварак-атрофига назар ташлади ва XX асрга қайтди. Ўтган тун давомида у жуда гўзал ва фаройиб саргузаштни бошидан кечирди! Буни у зўр мамнуният билан қоғозга туширади. Ҳозир эса ишни тугатиб, уйқусиз ўтказган тундан сўнг анча ҳориганини ҳис қилди. У керишди, эснади, шамларни пуфлаб ўчирди-да, ўзига ажратилган хонага йўл олди.

Кўнғироқ жаранги тушлик вақти бўлганидан огоҳ қилди. Даҳлизда пурвиқор Миллер кутиб

турарди. У французни меҳмонхонага бошлади. Бу ерда леди Спенсер-Свифт ўтирган экан.

– Яхшимисиз, жаноб Марсена, – деди у эр-какча йўғон овози билан. – Менга айтишди, туни билан ухламабсиз. Ухламаганга яраша, яхшигина ишлагандирсиз?

– Жуда яхши ишладим! Ҳаммасини ўқиб чиқдим. Йигирма саҳифани тўлдириб ёзиб олдим. Бу – беқиёс воқеа! Сизга миннатдор-лигимни айтиб тугатолмайман.

Леди унинг гапини бўлди:

– Сизга айтган эдим-ку! Суратига қараганда Пандора ушоққина бўлса ҳам, менга ҳаммиша севги-муҳаббат учун яратилган аёлдай туйиларди.

– У чиндан ҳам ишқ-муҳаббат учун яратилган экан. Бироқ бутун воқеанинг латофати шундаки, Пандора ҳеч қачон Байроннинг маъшуқаси бўлган эмас.

Леди Спенсер-Свифт бўзариб кетди:

– Нима? – деб сўради у.

Кўчирмаларини ўзи билан олиб келган француз йигит бекага бутун воқеани ҳикоя қилиб берди. Ҳикоя қилар экан, ҳар иккала иштирокчининг феъл-атворини таҳлил қилишга ҳам уринди.

– Мана шу тарзда, – деб тугатди у, – лорд Байрон умрида биринчи ва сўнгги марта раҳмдиллик туйғусига ён берди. Эрингининг катта бувиси эса бутун умри давомида унинг бу саховатини кечирмай ўтди.

Леди Спенсер-Свифт унинг гапларини бўлмай тинглади, аммо шу ерга келганда чидаб туrolмади.

– Бўлмаган гап! – дея хитоб қилди у. – Ё матнни яхши ўқиёлмагансиз, ё бирон нарсани тушунмагансиз... Пандора лорд Байроннинг маъшуқаси бўлмаган эмиш. Унинг лорд Байроннинг маъшуқаси бўлганини бутун олам билади-ку! Бу графликда биронта оила йўқки, бу воқеани гапириб юришмаган бўлсин... Афсуслар бўлсин, жаноб Марсена, бироқ сизнинг узил-кесил хулосангиз шунақа бўладиган бўлса, мен бу ҳужжатларни эълон қилишга рухсат беролмайман... Нима учун, биласизми? Сиз бутун Францияга ва бу ердаги ўлкаларга жар солиб, бу буюк муҳаббат ҳеч қачон бўлган эмас деб хабар қилмоқчимисиз? Шўрлик Пандора гўрида тик туради-ку, афандим!

– Нега бундоқ дейсиз? Ҳақиқатни Пандора ҳаммадан яхши билади-ку! Ахир кундалигига ўз қўли билан ёзиб қўйибди – у билан Байрон ўртасида айбситадиган ҳеч нарса бўлган эмас.

– Бу кундалик, – деб эълон қилди леди Спенсер-Свифт, – пўлат сандиқдаги жойига қайтиб киради-да, у ердан бошқа ҳеч қачон чиқмайди. Уни қаерда қолдирдингиз?

– Ертўладаги стол устида, леди Спенсер-Свифт. Менда калит йўқ эди. Шунинг учун уни пўлат сандиққа солиб қўёлмадим.

– Тушлик тугаши биланоқ иккимиз пастга тушамиз ва ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб чиқамиз. Оилавий архивни сизга кўрсатмаслигим керак эди. Шўрлик Александр бунга қарши бўлган эди. Бу гал у ҳақ бўлиб

чиқди... Сизнинг масалангизга келсак, афандим, сиздан мана шу... нима десак экан... кашфиётингиз тўғрисида лом-мим деб оғиз очмаслигингизни талаб қилишга мажбурман...

– Ҳа, албатта, леди Спенсер-Свифт. Сизнинг ижозатингизсиз бир сатр нарсани ҳам босиб чиқаролмайман. Бундан ташқари, сира-сира сизни норози қиладиган бирон иш қилиш ниятимда йўқ. Лекин сизга айтмоғим керакки, мен тушуна олмаяпман...

– Тушунишингизга ҳожат ҳам йўқ, – деб жавоб берди у. – Мен сиздан фақат битта нарсани ўтинаман – ҳаммасини унутинг.

Француз хўрсинди:

– На илож! Унутаман. Кундаликни ҳам, альбомни ҳам...

– Мана бу гапингиз дуруст. Мен сизга ўхшаган одамдан бошқа нарсани кутмаган ҳам эдим. Энди бошқа бирон нарсани гаплашайлик. Айтинг-чи, жаноб Марсена, инглиз иқлими сизга ёқадими?

Тушлиқдан кейин улар ертўлага тушишди. Миллер улар билан бирга тушди. Эшик оғаси пўлат сандиқнинг залварли эшикларини очди. Кампир ўз қўли билан чарм ғилофлар ва кумуш қошиқлар орасига оқ альбомни ҳамда пушти тасма билан боғланган бир даста мактубни жойлаб қўйди. Миллер яна сандиқни қулфлади.

– Тамом, – деди кампир қувноқлик билан. – Энди улар бу ерда мангу қолади.

Улар юқорига кўтарилганда аллақачон автобусда биринчи гуруҳ сайёҳлар келиб, даҳ-

лизда кириш чипталарини ва қаср тасвири туширилган суратни сотиб олиб улгуришган эди. Миллер суратлар олдида ҳикоясини бошлаш учун ўзини чоғлай бошлади.

– Бир дақиқага кирайлик, – деди Спенсер-Свифт французга.

Улар сайёҳлар гуруҳидан нарироқда тўхташиб, Миллернинг гапларига астойдил қулоқ сола бошлашди.

– Мана бу, – дея тушунтира бошлади Миллер, – сэр Уильям Спенсер-Свифт (1775–1835). У Ватерлоо ёнидаги жангда иштирок этган ва Веллингтоннинг шахсий дўсти бўлган. Суратни сэр Томас Лоуренс чизган. У кишининг аёли леди Спенсер-Свифтнинг сурати ҳам сэр Томас Лоуренснинг мўйқаламига мансуб.

Суратни яхшироқ кўриб олиш мақсадида тўпдан ажралиб олдинроқ чиққан сайёҳ жувон шивирлади:

– Ўша хонимнинг ўзими?

– Ҳа, – деди Миллер овозини пасайтириб. – Бу ўша хоним. Лорд Байроннинг маъшуқаси бўлган.

Кекса леди Спенсер-Свифт французга тантанавор нигоҳ ташлади.

– Ана кўрдингизми? – деди у.

«ТАНАТОС» МЕҲМОНХОНАСИ¹

– «Стил»нинг акциялари қандай кетяпти? – деб сўради Жан Монье.

– Эллик тўққизу чоракдан, – деб жавоб берди ўн иккита машинисткадан биттаси.

Ёзув машинкаларининг чақир-чуқурида жаз оҳанглари эшитиларди. Деразадан Манхеттеннинг бесўнақай қомати кўриниб турибди. Телефонлар хириллайди, қоғоз тасмалар шоша-пиша юқорига ўрлайди. Контора ҳарфлару рақамлар ёзилган энсиз қоғоз лахтақларига тўлиб кетган.

– «Стил» қалай аҳволда? – деб яна сўради Жан Монье.

– Эллик тўққиз, – деб жавоб берди Гертруда Оуэн.

У бир лаҳза ишидан тўхтаб, француз йигитга қаради. Йигит қўллари билан бошини қисганича ўриндиқда қимир этмай ўтирарди. Ўтиришидан бутунлай мағлуб бўлган одамга ўхшарди.

«Куни битганларнинг яна бири, – деб хаёлидан ўтказди жувон. – Баттар бўлсин. Фаннига жабр бўлди-да...»

Холмэн банкининг Нью-Йорк бўлими вакили бўлган Жан Монье икки йил аввал ўзининг котибаси – америкалик Фаннига уйланган эди.

– «Кэнникот»-чи? – деб яна сўради Монье.

– Йигирма саккиз, – деди Гертруда.

¹ Андре Моруа. «Танатос» меҳмонхонаси. Озод Шарафиддинов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 1998, № 12. 32-41-бетлар.

Эшик ортидан кимнингдир баланд овозда гапиргани эшитилди. Гарри Купер кириб келди. Жан Монье ўриндиқдан турди.

– Томоша зўр бўляпти-ку! – деб гўлдиради Гарри Купер. – Акциялар курси 20 фоизга тушиб кетди. Ҳолбуки, бунинг бўҳрон эканини рад этувчи аҳмоқлар ҳамон топилиб турипти.

– Ҳа, бу – бўҳрон! – деди Жан Монье ва ташқарига чиқди.

– Чув тушди-да, шўрлик! – деди Гарри Купер.

– Ҳа, – деб уни маъқуллади Гертруда Оуэн. – У охирги пуллари тиккан эди... Менга Фаннинг ўзи айтди. Шу бугуноқ у эрини ташлаб кетади.

– Нима ҳам иложи бор? – деб хўрсинди Гарри Купер. – Бўҳрон бўҳронлигини қилади-да...

* * *

Лифтнинг бежирим бронза эшиги товушсиз ёпилди.

– Пастга, – деб буюрди Монье.

– «Стил» қалай? – сўради лифтчи бола.

– Эллик тўққиз, – жавоб берди Монье.

У акцияларни 112 доллардан сотиб олган эди. Демак, ҳар бир акцияда 53 доллардан йўқотган. У харид қилган бошқа акцияларнинг аҳволи бирмунча дуруст эди. У Аризонада бироз маблағ йиғишга муваффақ бўлганди. Шу маблағнинг ҳаммасига акция сотиб олди. Фаннида бир чақа ҳам пул йўқ.

Ҳа, тамоm бўлди! Кўчага чиқиб, шитоб билан метрога қараб юрди. Эртанги кунини кўз олдига келтиришга уриниб кўрди. Ҳаммасини бошидан бошлайдими? Фанни бироз мардонаворроқ бўлганда шундай қилса бўларди. У ўзининг қийинчиликда ўтган биринчи қадамларини эслади. Аризона чўлларида мол боққанлари, кейин омади келиб, ишлари юришиб кетганини хотирлади. Нима бўпти? У ҳали ёш – энди ўттизга кирди. Бироқ Фанни уни аяб ўтирмайди. Жан буни яхши билади.

Шундай бўлди ҳам.

Эртасига эрталаб уйқудан турганида Жан Монье ёлғиз, сўспайиб қолганди. У курашмоққа ортиқ мажоли қолмаганини ҳис қилди. Фанни жуда ҳам дийдаси қаттиқ аёл эди. Шунга қарамай, Жан уни яхши кўрарди. Негр хотин унга ҳар кунги нонуштасини – бир тилим қовун билан сули бўтқа олиб келди ва пул сўради.

– Бекангиз қани, мистер?

– Кетди.

У хизматкор аёлга ўн беш доллар берди, кейин қанча пули қолганини ҳисоблаб кўрди. Олти юз долларча қолипти. Бу пулга икки ой, нари борса, уч ой тирикчилик қилса бўлади... Кейин нима бўлади? У деразага қаради. Сўнгги ҳафтада газеталар деярли ҳар куни кимнингдир ўз жонига қасд қилгани ҳақида ёзар эдилар. Синган банкирлар, даллолар, биржадаги олибсотарлар ўлимдан на-

жот излашади. Йигирманчи қаватдан сакраса нима бўларкин? Бирга етгунингча қанча вақт ўтаркин? Уч сониями? Тўрт сониями? Кейин «тарс» этиб асфальтга уриласан. Дабдурустдан жонинг узилмаса нима қиласан? У мажақланган суюкларини, абжақ бўлган гавдасини, бутун вужудини қақшатган даҳшатли оғриқларни кўз олдига келтирди. У чуқур хўрсинди, газетани қўлтиғига қистириб, ресторанга овқатлангани жўнади. У ерда устига сироп солинган қуймоқ еди. Иштаҳаси карнай эканини кўриб, ўзи ҳайрон қолди.

* * *

«Палас-отель «Танатос», Нью-Мексико...»
Ғалати манзил-а! Бу ердан менга ким мактуб йўллаши мумкин?

Эрталаб келган мактублар орасида Жан Монье Гарри Купернинг ҳам хатини учратди ва биринчи бўлиб шуни очди. Хўжайини нима сабабдан идорага келмаётганини сўрабди. У кассага саккиз юз тўқсон уч доллар қайтариб топширмоғи керак. Бу масалани у қандай бартараф қилишни ўйлаяпти?.. Шафқатсиз, жонингни оладиган савол. Гарри Купернинг камчилиги бўлиши мумкин, бироқ у анойи эмас.

Жан Монье бошқа мактубни очди. Мактубнинг юқорисида учта сарвнинг шакли туширилган, ундан қуйироқда эса қуйидаги матн бор.

«Палас-отель «Танатос»

Директор Генри Берстекер
Муҳтарам жаноб Монье!

Бугун сизга муурожаат қилаётганимиз бежиз эмас. Ихтиёримиздаги мавжуд маълумотларга қараб ҳукм юритсак, маълум бўладики, бизнинг хизматларимиз Сизга асқотиб қолиши мумкин.

Сиз, албатта, сезмаган бўлишингиз мумкин эмас – ҳатто энг омадли одамнинг ҳаёти ҳам бирдан чаппага кетиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга қариши курашиб бўлмайди. Шунда ўлим ҳақидаги фикр одам учун нажот йўлини кўрсатувчи бўлиб тўйилади...

Кўзингни юмсангу уйқуга кетсанг, бошқа ҳеч қачон уйгонмасанг, ҳеч қанақа сўроқларни эшитмасанг, ҳеч қанақа таъна-дашномлар юрагингни ўртамасан!.. Бизнинг кўпчилигимиз шундай орзуларни ардоқлаганмиз, шу хоҳишни баён этганмиз... Ҳолбуки, жуда кам ҳолларни мустасно қилганда, одамлар ўзлари чекаётган азоб-уқубатларга чек қўйишни иштамайди. Шундай қилмоқчи бўлганларни изласак, буни тушунса бўлади. Кимдир биров ўзини пешанасидан отмоқчи бўлган-у, отаман деб асабини жароҳатлаб қўйган ва оқибатда кўр бўлиб қолган. Бошқа биров мангу уйқуга кетмоқ мақсадида уйқу дори ичгану, миқдорини тўғри белгилай олмагани учун уч кундан кейин ҳушига келган. Қараса, фалаж бўлиб қолибди, мияси оғир жароҳатланибди, хотираси буткул йўқолибди. Ўз-ўзини ўлдириши ҳам санъатдир. Бу

ишда нодонлик кетмайди, олифтагарчилик ҳам. Шу билан бирга, ўзининг табиатиغا кўра инсон бу ишда керакли тажриба ҳам тўплай олмайди.

Муҳтарам жаноб Монье. Биз айни шу хилдаги тажрибага эгамиз. Бизнинг назаримизда бу муаммо Сизни қизиқтиради, шунинг учун тўплаган тажрибамизни сизнинг ихтиёрингизга беришга тайёрмиз. Бизнинг меҳмонхонамиз Қўшма Штатлар билан Мексика оралигида жойлашган. Бизнинг жойлар анча хилват, кимсасиз. Ҳукумат томонидан ҳам ножоиз назоратлар камроқ бўлади. Шуларнинг барини инобатга олган ҳолда яқин биродарларга кўмаклашмоқ бизнинг биринчи бурчимиздир, деган хулосага келдик. Кимда-ким жуда жиддий кулфатлар ва ўнгарилмас бахтсизликлар таъсирида ҳаёт билан видолашмоқни истаса, биз бундай биродарларимизга ўз истакларини ҳеч қандай изтироблар чекмаган ҳолда ва ҳар қандай хавф-хатарсиз амалга оширмоқларига имкон берамиз.

«Танатос» меҳмонхонасида ҳеч қандай оғриқни сезмасдан ухлаб ётган жойингизда ҳаёт билан видолашасиз. Ўтган йили биз икки мингдан ортиқ миждонинг ҳожатини чиқардик. Бизнинг одамларимиз 15 йил мобайнида бу иш билан узлуксиз шугулланиб, гоят юксак малакаларга эришган. Шунинг учун ўлдирадиган дориларнинг миқдорини тўғри белгилаш масаласида ва уларнинг бир зумда таъсир қилишида кафолат берамиз.

Яна илова қиламизки, мижозларимиздан бирор киши диний характердаги қонуний шак-шубҳаларга бериладиган бўлса, ўзимиз усталик билан ишлаб чиққан усуллар ёрдамида уларни содир бўлган воқеа учун ҳар қандай маънавий масъулиятдан халос этамиз.

Бизга яхши маълумки, мижозларимизнинг кўпчилиги жуда кам миқдорда маблагга эга. Негаки, ўз-ўзини ўлдириш иштиёқи ҳамиша банкдаги жорий ҳисобга тескари мутаносибдир. Шунинг учун меҳмонхонадаги қулайликларга сира дахл қилмаган ҳолда «Танатос»даги нарх-навони энг арзон даражага туширишга ҳаракат қилдик. Бизда истиқомат қилмоқ учун келишингиз билан уч юз доллар миқдорда пул тўласангиз кифоя. Бу тўлов меҳмонхонамизда истиқомат қиладиган вақтингиз мобайнида Сизни ҳар қандай сарф-харажатдан халос қилади. Меҳмонхонада қанча вақт истиқомат қилмогингиз Сизга номаълум бўлиб қолмоғи керак. Тўлаган пулингиз сўнги сафар харажатларига ҳам, дафн маросими ва қабрни саришта тутуш харажатларига ҳам етади. Мутлақо аёнки, тўлаган пулингизга Сизга кўрсатиладиган ҳамма хизматларнинг ҳақи ҳам киради. Шундоқ бўлгач, Сиздан ҳеч қанақа чойчақа талаб қилинмайди.

Яна илова қилиб айтамизки, «Танатос» меҳмонхонаси ҳаддан ташқари хушманзара жойда жойлашган. Тўртта теннис корти, гольф ўйнайдиган майдон ва сузиш учун каттакон бассейн Сизнинг ихтиёрингиз-

да бўлади. Меҳмонхонанинг мижозлари ҳар икки жинсга мансуб одамлардир. Улар жамиятдаги энг асл тоифалар қаторида туради. Мижозларимиз ўртасида баркамол аҳиллик муҳити ҳукм суради. Вазиятнинг гайриоддийлиги бу муҳитга ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайдиган алоҳида жозиба бахш этади. Янги келаётганлардан илтимосимиз: улар Диминг бекатига борсинлар. У ерда меҳмонхонанинг махсус автобуси уларни кутиб туради.

Яна бир илтимос, рози бўлсангиз хат ё телеграмма орқали лоақал келишингиздан икки кун аввал хабар қилиб қўйсангиз. Телеграмма учун адресимиз: «Танатос, Коронадо, Нью-Мексико».

Жан Монье картани олиб чийлади-да, Фанни ўргатганидай фол кўра бошлади.

Сафар жуда чўзилиб кетди – ҳали-берининг кети кўринмасди. Поезд пахта дала-ларининг ёнидан кетиб боради. Далада оқ кўпик ичидаги қора нуқталарга ўхшаб негрлар куймакланиб юрипти. Жан китобни қўйиб уйқуга кетар, ухлаб бўлиб китобга тугинарди. Шу аҳволда икки куну икки кеча ўтди. Ниҳоят, улар тоққа етиб келишди. Теварак-атрофдаги ҳамма нарса баҳайбат, улкан эди. Поезд дара тубида катта-катта қояларни оралаб елиб борар, тоғлар бинафшаранг, сариқ, қизил тасмалардан белбоғ ўраб олгудай эди. Ўрталикда эса булутлар муаллақ турипти – улар ҳам узун оқ белбоққа ўхшайди. Кичкина бекатларда соябони кенг шля-

па кийган, устидаги чарм курткалари гулдор нақшлар билан безалган мексикаликларни кўриш мумкин.

– Кейинги бекат – Диминг, – деб маълум қилди Жан Моньегга негр проводник. – Ботинкангизни тозалаб берайми, мистер?

Француз китобларини йиғди ва чемоданини ёпди. Бу сўнги саёҳатнинг жўнгиналиги уни ҳайрон қолдирди. Тоғ дунёсининг шовиллаши қулоқларига чалинди. Поезд тўхтади.

– «Танатос»гами, сэр? – деб Жанга хитоб қилди вагонлар ёнидан югуриб ўтаётган ҳинду ҳаммол. У аллақачон аравачасига малла сочли иккита хушрўй жувоннинг юкларини ортиб олган эди. Улар ҳаммолнинг ортидан ҳаллослаб келишяпти.

«Наҳотки, – хаёлидан ўтказди Жан Монье, – шу соҳибжамол қизлар ҳам бу ерга ўлгани келган бўлса?»

Иккала малласоч жувон унга маҳзун ва жиддий нигоҳ ташлади, ўзаро бир нималарни пичирлашди. Жан уларнинг гапини эшитмади.

«Танатос» меҳмонхонасининг автобуси тобут ташийдиган машинага ўхшаса керак деб хавотир бўлганди Жан. Йўқ, бундай эмас экан. У ялтироқ кўк рангга бўялган, ўриндиқларига ҳаворанг ва сариқ мато қопланган. Автобус қуёшда ярқ-юрқ қилади. Ҳовлида алмисоқдан қолган турли-туман машиналар турипти – уларнинг орасида меҳмонхонанинг автобуси башанглиги билан ажралади.

Ҳовлида одам кўп – испанча ва ҳиндча сўкишлардан қулоқ қоматга келади. Булар-

нинг бари бирикиб, эски-туски темир-терсак бозорини эслатади. Йўл бўйидаги қояларнинг усти замбуруғлар билан қопланган – уларни оқиш мовий ранг тутун чулғаб олгандай. Юқорироқда қуёш шуъласида тоғ жинслари қатламларидаги маъданлар ярқирайди. Кўзлари қинидан чиқиб кетай деб турган семиз ҳайдовчи кул ранг кийим кийиб олган. Малласоч жувонларни сиқиштириб қўймаслик учун Жан Монье камсуқумлик билан шофёрнинг ёнига ўрнашди. Машина илон-билон йўлнинг бурилишларидан бирин-кетин ўтиб, тоғ юксақлари сари дадил йўл олганда, Монье шофёрни гапга солмоқчи бўлди.

– Сиз кўпдан бери «Танатос»да шофёрлик қиласизми?

– Уч йил бўлди, – деб тунд жавоб берди шофёр.

– Исмингиз кўп ғалати экан-да!

– Ғалати дейсизми? – деб қайтариб сўради шофёр. – Нимаси ғалати? Мен автобус ҳайдайман. Бунинг нима ғалатилиги бор?

– Сиз меҳмонхонага олиб келадиган йўловчилар-чи? Улардан ҳеч қайсиси қайтиб ҳам кетадими?

– Кўп эмас, – бироз хижолат бўлиб унинг гапини маъқуллади шофёр. – Кўп эмас... Лекин ҳар ҳолда бўлиб туради. Мана, масалан, мени олайлик...

– Сизни? Ростданми? Сиз бу ерга... миждоз тарзида келганмидингиз?

– Менга қаранг, мистер, – деди шофёр, – мен шу ишни зиммамга олган пайт ҳеч

ким мендан ҳеч нарсани суриштирмасликни шарт қилиб қўйганман. Бунинг устига, бу ерларнинг бурилишлари хавфли. Сизни ҳам, сиз билан манави ойимқизларни ҳам бирор фалокатга рўпара қилишимни истамассиз, ахир?

– Албатта, истамайман, – деб жавоб берди Жан Монье.

Кейин жавобининг ўта кулгили экани хаёлига келиб жилмайди.

Икки соатдан кейин ҳайдовчи индамай бармоғи билан унга ясси адирлар тепасида савлат тўкиб турган «Танатос»ни кўрсатди.

Меҳмонхонанинг иморати испан-ҳинду услубида қурилган эди – иморат баланд эмас, томи ясси, деворлари қизил рангга бўялган. Хоналар жанубга қараган, ойнаванд айвонга чиқади, қуёш нурлари мўл-кўл. Келганларни италян дарбон қарши олди. Унинг соқоли қиртишлаб тоза олинган эди. Юзининг силиқлиги Жан Моньенинг хотирасида бошқа бир мамлакатни, катта шаҳарнинг суронли кўчаларини, гулларга чўмган хиёбонларни жонлантирди.

– Мен сизни қаерда кўрганман-а? – деб сўради у дарбондан, югурдак бола қўлидан чемоданини олар экан.

– Барселонада, сэр. «Ритц» меҳмонхонасида... Мен – Саркониман. Инқилоб бошланиб қолиб, мен у ердан жўнавордим...

– Барселонадан Нью-Мексикага келиб қолдингизми? Узоқ ҳам демабсиз...

– Нима қилай, сэр. Дарбон лавозими ҳамма жойда ҳам бир хил... Фақат... Ҳозир мен сиз-

лардан бир қоғозни тўлдириб беришни илтимос қиламан. Бу карточка бу ерда одатдагидан бирмунча узунроқ. Хафа бўлмайсизлар...

Портъе мижозларга босмахонада босилган учта бланка узатди. Улар ҳақиқатан ҳам ҳар хил саволларга, изоҳларга тўла эди. Мижозларга туғилган жойи ва вақтини аниқ кўрсатиш таклиф қилинганди. Шунингдек, мижоз бирор бахтсиз ҳодисага дуч келиб қолса, кимларга хабар бериш кераклигини ҳам маълум қилмоғи зарур эди.

Қариндошларингиз ёхуд дўстларингиздан камида икки кишининг манзилларини кўрсатишингизни илтимос қиламиз. Энг муҳими эса, она тилингизда ўз қўлингиз билан қуйидаги аризани (А шакли) кўчириб ёзинг:

«Мен ким, қуйида имзо чекувчи... соғлом эс-хушим ва хотирам билан шоҳидлик бераманки, ўз ихтиёрим билан ҳаётдан кўз юммоқдаман ва шунинг учун мен билан қандай воқеа рўй беришидан қатъи назар, бунинг учун «Танатос» меҳмонхонасининг маъмурияти ва ходимларидан ҳар қандай масъулиятни соқит қиламан...»

Жан Моньенинг соҳибжамол ҳамроҳлари ёнма-ён турган столчалар ёнида рўпарамарўпара ўтириб олиб, «А шакли»ни ҳафсала билан кўчирмоқда эдилар. Жан Монье жувонларнинг немис тилидаги бланкани олганларини кўрди.

Олтин гардишли кўзойнак таққан меҳмонхона директори Генри Берстекер дунёни сув олса, тўпифига чиқмайдиган одам эди. У ўзининг меҳмонхонасидан жуда фахрланарди.

– Меҳмонхонанинг эгаси сизми? – деб сўради ундан Жан Монье.

– Йўқ, сэр, меҳмонхона – ҳиссадорлик жамиятининг мулки, лекин уни барпо этиш гоёси чиндан ҳам мендан чиққан, шунинг учун мен умрбод директор қилиб тайинланганман.

– Маҳаллий ҳокимият билан муносабатларингиз қандай? Уларнинг таъна-дашномларини қандай бартараф қиласиз?

– Таъна-дашномлар дейсизми? – деб хитоб қилди жаноб Бекстекер бироз таажжуб билан хижолат чекиб. – Бутун жавобгарлик меҳмонхона эгаларининг зиммасига юклатилади. Биз вазифамизга хилоф ҳеч қанақа иш қилмаймиз! Биз мижозларимизнинг истакларини бажо келтирамиз, холос. Ундан ортиқ бирон иш қилмаймиз!.. Ундан ташқари жаноб Монье, бу ерда маҳаллий ҳокимият деган нарсадан ному нишон ҳам йўқ. Бизнинг турган еримиз кимга қарайди – мексикагами ёхуд Қўшма Штатларгами – буни ҳам ҳеч ким тайинли билмайди. Анча вақтга қадар бу ерлар қадам етмас жойлар ҳисобланарди. Бир афсона бор. Унга кўра бир неча юз йил аввал бир тўда ҳиндулар оврўполикларнинг тажовузидан қочиб шу ерларга келиб қолишипти-ю, ҳаммалари биргаликда шу ерда ҳаётдан кўз юммоқчи бўлишипти. Маҳаллий аҳолининг эътиқодига кўра ўлганларнинг арвоҳи бу ерга келадиган йўлни қўриқлаб турар эмиш. Шу сабабдан биз бир амаллаб бу ерга етиб келганмиз ва тўғри

келадиган баҳода шу ерни сотиб олганмиз. Ана шунақа, биз бу ерда бутунлай ҳоли яшаймиз, ҳеч кимга қарам эмасмиз.

– Мижозларингизнинг оила аъзолари ҳеч қачон устинглардан судга шикоят қилмаганми?

– Устимиздан судга шикоят қилишадими? – деб хуноб бўлди жаноб Бекстекер. – Қайси қилган гуноҳларимиз учун? Кейин қайси суд бизни суд қилишга ботина олади. Йўқ, сэр. Мижозларимиз бошига тушадиган муаммолар ҳамиша жуда мураккаб ва ўта нозик бўлади. Биз уларни ҳеч қандай ғалва-жанжалсиз ҳал қилишга ёрдам берар эканмиз, мижозларингизнинг оила аъзолари биздан хурсанд бўлишади... Йўқ, йўқ. Бу ишлар бизда хамирдан қил суғургандай силлиқ ўтади, мижозларимиз мижоз эмас, бизларнинг дўстларимиз... Хонангизни кўришни истамайсизми? Йўқ демасангиз, биз сизни 113-хонага жойлаштираемиз... Иримчи эмасдирсиз, ҳойнаҳой?

– Иримчи эмасман, – деб жавоб берди Жан Монье. – Лекин мен жуда қаттиқ диний қоидалар руҳида тарбия кўрганман. Эътироф этмоғим керакки, жонимга қасд қилиш ҳақидаги фикр мени анча ташвишлантирмоқда.

– Нима деяпсиз, сэр, ўзини ўлдириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, – деди Бекстекер. У бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, суҳбатдоши дарҳол жимиб қолди. – Саркони, жанобни 113-хонага кузатиб қўй. Аввалдан келишиб қўйилган уч юз доллар масаласига келсак, сиздан илтимос, жаноб Монье, хонангизга кетаётиб кассага тўлаб

қўйсангиз, яхши бўларди. Кассирнинг хонаси меники билан ёнма-ён...

Шафақ шуъласида ял-ял ёниб ётган 113-хонада Жан Монье ўлим қуроларининг ҳеч қандай изини топа олмади.

– Кечки овқат қачон бўлади?

– Саккизу ўттизда, сэр, – жавоб берди хизматчи.

– Бу ерда емакхонага махсус кийиниб чиқиладими?

– Жентельменларнинг кўпчилиги шу қоидага амал қилади, сэр.

– Яхши. Мен кийимимни ўзгартириб оламан. Қора бўйинбоғим билан оқ қўйлагимни тайёрлаб беринг.

Меҳмонхонага тушиб Монье ҳақиқатан ҳам кўкраги очиқ қўйлақдаги аёлларни, смокинг кийган эркакларни кўрди. Унинг олдида жаноб Бекстекернинг ўзи югуриб келди-да, эҳтиром ва такаллуф билан деди:

– О, жаноб Монье, мен сизни излаб юргандим. Ўзингиз ёлғиз бўлганингиз учун мижозларимиздан бири, яъни миссис Кирби-Шоу билан бирга овқатлансангиз сизга маъқул бўлмасмикин?

Монье энсаси қотиб, афтини бужмайтирди.

– Мен бу ерга зодагонларча ҳаёт кечиргани келганим йўқ... Яна, билмадим... Мени у хоним билан таништиришдан аввал уни менга бир кўрсатсангиз бўладими?

– Ҳа, албатта, жаноб Монье... Хў-ў анави пионининг ёнида журнал варақлаб ўтирган жувонни кўряпсизми? Оқ крепсатиндан

қўйлак кийган. Миссис Кирби-Шоу шу жувон бўлади... Бу жувоннинг бирор одамга манзур бўлмаслигини кўз олдига келтиролмаман... Аксинча бўлса, бошқа гап... Сирасини айтганда, ҳаддан ташқари ёқимтой аёл. Жуда ақлли. Яхши тарбия кўрган. Жуда назокатли табиати бор...

Миссис Кирби-Шоу ҳақиқатан ҳам жуда ёқимтой аёл эди. Тим қора сочлари ҳалқа-ҳалқа ўралиб тушган, манглайи кенг. Кўзларидан нур ва меҳр ёғилади. Нима қилиб шундоқ ажойиб аёл ўлмоқни мақсад қилиб юрибди?

– Наҳотки миссис Кирби-Шоу ҳам... Қўйингчи, бу аёл ҳам мижозларингиздан бирими? Наҳотки у ҳам менга ўхшаб ўша мақсадда келган бўлса?

– Албатта, – деб жавоб берди Бекстекер, – албатта, – деб маънодор қилиб такрорлади у.

– Ундай бўлса, майли, таништиринг мени.

Дастурхон дид билан жиҳозланган. Кечки овқат жуда тотли эди. Овқатланиш охирагунча Жан Монье Клара Кирби-Шоунинг бутун ҳаётини асосий нуқталарида бўлса ҳамки билиб олди. У жуда бадавлат ва меҳрибон одамга турмушга чиққан экан, лекин уни севмас экан. Ярим йил аввал у эрини ташлаб, ёшгина бир ёзувчи йигит билан Оврўпога кетиб қолипти. Йигит хушрўйгина, лекин анча сурбет эди. У билан Нью-Йоркда танишиб қолган экан. Клара эридан расман ажралиши биланоқ ёзувчи йигит унга уйланади деб

қутган. Аммо улар Англияга келишлари ҳамоно аёлга аён бўлибдики, ёзувчи йигит имкони борича тезроқ Кларадан халос бўлиш орзусига тушибди. Йигитнинг шафқатсизлигидан ларзага тушган ва таҳқирланган жувон уни деб нималардан воз кечиб келганини, қанақа мудҳиш аҳволга тушиб қолганини тушунтирмоқчи бўлибди. Аммо унинг таъналарини эшитиб, йигит кулиб қўя қолибди.

– Клара! – дебди йигит жувонга. – Сиз ўтган асрнинг аёлисиз... Агар мен эски ахлоққа бунчалик муккасидан кетганингизни билганимда эди, эрингизу болаларингизни чирқиратиб сизни ўфирлаб кетмаган бўлардим... Уларнинг ёнига қайтиб боришингизни маслаҳат берардим, азизим... Сизнинг қисматингиз оилангизни гуллаиб ўтириш экан...

Шунда у уйга қайтиб боришига эрини кўндиришга уриниб кўрмоқчи бўлибди. Агар эри билан юзма-юз кўришса, унинг муҳаббатини қайтадан қозонишига ишонар экан у. Лекин Норманнинг қариндошлари ва ҳамкорлари ундан бир қадам ҳам нари кетишмабди, уни Кларага қарши қайраб, жуда қаттиқ тазйиқ ўтказишибди. Норман ҳам оёғини тираб, «йўқ» деб туриб олибди. Клара у билан учрашишга бир неча марта уриниб кўрибди. Бироқ бу таҳқирли уринишлар беҳуда кетибди. Шунда кунлардан бирида у ўзининг почта қутисида «Танатос» меҳмонхонасининг таклифномасини кўриб қолибди. У

томоғидан бўғиб ётган сиртмоқни тезгина ва осон қирқиб ташлашнинг бирдан-бир имкониятини топгандай бўлибди.

– Сиз ўлимдан қўрқмайсизми? – деб сўради Жан Монье.

– Албатта, қўрқаман... Аммо яшамоқдан кўпроқ қўрқаман...

– Жавобингиз жуда закий, – деди Жан Монье.

– Мен заковатли бўлишга интилмаيمان, – деди Клара. – Қани, сиз ҳам гапиринг, ўзингиз бу ерга қандай тушиб қолдингиз?

Жан Моньенинг ҳикоясини охиригача эшитиб, у йигитга қаттиққина танбеҳ берди.

– Бу ишингизга ақл бовар қилмайди-я! – деди жувон. – Нечук? Акцияларингизнинг баҳоси тушиб кетгани учунгина жонингизга қасд қилмоқчимисиз? Агар яшашга қурбингиз етса, бир йил ёки икки йил, ҳа, боринги, ана уч йилдан кейин сиз буларнинг ҳаммасини унутиб юборасиз, балки йўқотган нарсаларингизни қайтадан қўлга киритарсиз ҳам.

– Бой берган нарсаларим бир баҳона, холос. Агар яшашимдан бирор маъно қолганда эди, эҳтимолки, уларнинг қандайдир аҳамияти бўлиши мумкин эди...

Бироқ ҳозиргина сизга гапирдим-ку – хотиним мендан воз кечди... Францияда на яқин қариндошларим қолди, на дўстларим... Ниҳоят бор гапни тўла-тўқис айтадиган бўлсам, ўз вақтида бахтсиз муҳаббат туфайли ватанимни тарк этганман... Энди мен кимни деб, ким учун курашмоғим керак?

– Ўзингиз учун курашинг... Сиз ҳали кўп одамларни учратасиз. Улар сизни севиб қолади. Шу одамларни деб яшамоқ керак... Бошингизга оғир иш тушганда баъзи бир аёллар ўзини номуносиб тутган бўлса, фақат шунга қараб қолган ҳамма аёлларни ёмонотлиқ қилиш керак эмас...

– Сиз ростдан шундай деб ўйлайсизми? Демоқчисизки, оламда бир аёл бор... Э, э, мен айтмоқчиманки, мен яхши кўриб қолишим мумкин бўлган аёллар бор – улар лоақал бир неча йил давомида мен билан бирга курашларга ва муҳтожликларга тўла ҳаёт кечиришга рози бўлишади...

– Бунга шубҳа қилмайман, – деб жавоб берди у. – Кўп аёллар курашни жуда яхши кўради ва қашшоқликдан алланечук романтика топишади. Мана, масалан, мени олайлик...

– Сизни?

– Э-э, мен бошқа бир гапни айтмоқчи эдим... – Жувон хижолат чекиб, гапини йўқотиб қўйди, кейин давом этди. – Иккимиздан бошқа ҳеч ким қолгани йўқ. Метрдотел бизга гапиришга тортиниб, теварагимизда айланиб юрибди.

– Нима дейсиз? – деб сўради Жан Монье Клара Кирби-Шоунинг елкасига сухсур ёпинчигини ташлар экан, – нима деб ўйлайсиз, бугун кечаси... рўй бермасмикин?

– О, йўқ, – деди у. – Сиз бугун келдингиз-ку...

– Сиз-чи?

– Менинг келганимга икки кун бўлди.

Хайрлаша туриб, улар эрталаб тоққа бирга сайр қилишни келишиб олишди.

Тонг қуёши айвонга қийғоч тушиб, уни нурга ва илиқликка тўлдириб турибди. Ҳозиргина муздек сувда ювиниб чиққан Жан Монъенинг кўнглидан «Яшаш мунча ширин бўлмаса...» деган фикр ўтди.

Аммо шу лаҳзанинг ўзида киссасида бир неча долларгина қолганини ва бир неча кундан кейин ҳаётдан кўз юмишини эслади. Монъе чуқур хўрсинди...

«Соат ўн бўлипти!.. Клара мени кутаётган бўлса керак...» У апил-тапил кийинди. Устига оқ костюмини илганида аъзойи баданида фавқулудда бир енгиллик ҳис қилди. Теннис майдончасида у Клара Кирби-Шоуга етиб олди. Жувон ҳам оқ кийинган. У австриялик иккита ёшгина қиз билан хиёбонда сайр қилиб юрарди. Жан Монъени кўриши билан қизлар шоша-пиша ғойиб бўлишди.

– Уларни ҳуркитиб юбордимми дейман?

– Қизлар бироз ҳадиксирашяпти. Улар менга тарихларини гапириб беришди.

– Ғаройиб-ку! Уларнинг тарихини менга ҳам айтиб берарсиз? Кечаси жиндай бўлса-да мизғиб олдингизми?

– Жуда яхши ухладим. Менимча, юрагингизни така-пука қилаётган Бекстекер овқатимизга хабдори қўшиб қўйяпти дейман-да...

– Унақа бўлмаса керак, – деди Жан. – Мен тўйган қўзидай ухлабман. Эрталаб турсам, миям бирам равшан...

Бир лаҳза ўтгач, илова қилди:

– Ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилдим.

Жувон унга қараб жилмайди, лекин ҳеч нарса демади.

– Манави сўқмоқдан юрайлик, – деб таклиф қилди у. – Йўлда менга австралиялик қизларнинг тарихини айтиб берарсиз. Бу ерда сиз менинг Шаҳризодам бўласиз...

– Лекин бизда эртак учун минг бир кечамиз бўлмайди-да...

– Шунни айтинг... Сиз... «бизда» дедингизми? Жувон унинг гапини бўлди.

– Бу қизалоқлар эгизак экан. Улар бирга ўсиб-улғайишибди, аввал Венада, кейин Будапештда туришибди. Яқин дугоналари йўқ экан. Улар ўн саккизга тўлганларида бир венгер йигит билан танишишибди. У қадимий зодагонлар авлодига мансуб бўлиб, ўзи бениҳоя келишган, соҳибжамол, лўлилардай қўшиққа ишқибоз экан. Бир куннинг ўзида иккала қиз ҳам унга ошиқу беқарор бўлиб қолишибди. Бир неча ой ўтгач, у эгизаклардан бирига уйланмоқчи бўлибди. Иккинчи қиз аламидан нима қиларини билмай, ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлибди. Буни кўриб биринчи эгизак йигитнинг таклифини рад қилибди. Кейин эгизаклар ўз-ўзларини бирга ўлдирish режасини тузишибди... Худди шу пайтда улар ҳам худди сизу мен каби «Танатос» меҳмонхонасининг қоғозини олишибди.

– Бу қандай тентаклик-а? – деди Жан Монье. – Уларнинг иккови ҳам навқирон ва соҳибжамол... Нега энди улар Америкага

кета қолмайди. У ерда йигит дегани тўлиб ётибди-ку. Ўзига муносибларини учратиб, севиб қолишарди. Бироз сабр қилишса, олам гулистон эди-ку...

– Бардоши етмаганлар бу ерга тушади-да, – деди Клара маънос оҳангда. – Буни қаранг, гап бошқа одам тўғрисида борса, ҳар битта-миз жуда зўр мулоҳаза юритамиз... Ким айтган эди бу гапни: «Бошқаларнинг бахтсизлигини кўтармоқ учун биз ҳаммамиз ҳам етарли матонатга эгамиз».

«Танатос»да истиқомат қилувчилар оқ либосли эркак билан аёлнинг паркдаги хиёбонларда, қояларни ортда қолдириб, шундоққина жар ёқалаб толиқиш нималигини билмай сайр қилаётганларини кун бўйи кузатишлари мумкин эди. Улар ниманидир қизишиб муҳокама қилишарди... Қош қорая бошлаганда улар орқага – меҳмонхона томонга йўл олишди. Уларнинг бир-бирларининг елкасига қўл ташлаб келаётганларини кўрган мексикалик боғбон тавозе билан тесқари қараб олди.

Кечки овқатдан кейин Жан Монье Клара Кирби-Шоуни кичкинагина хилват меҳмонхонага етаклаб борди ва бутун оқшом давомида унга нималарнидир гапириб, кўнглини олиб ўтирди. Кейин ўзининг хонасига кўтарилишидан аввал у жаноб Бекстекерни қидириб кетди. Директор ўз хонасида аллақандай қора китобни ўқиб ўтирган экан. Жаноб Бекстекер ҳисоб-китобларни текширмоқда эди. Аҳён-аҳёнда у қизил қаламни олиб, бир сатрни ўчириб қўярди.

– Хайрли кеч, жаноб Монье! Бирон масалада мен сизга керакмидим?

– Ҳа, жаноб Бекстекер... Бир нарсани маслаҳатлашай дегандим... Мен айтмоқчи бўлаётган гапни эшитиб ҳайрон бўлишингиз мумкин... Бирдан шунақа ўзгариш бўлиб қолди... Лекин на илож – ҳаёт шунақа экан-да!.. Қисқаси, ҳузурингизга келишимдан мақсад – ниятларим ўзгариб қолганини маълум қилиш эди. Мен ўлиш фикридан қайтдим.

Жаноб Бекстекер таажжуб ичида унга тикилиб қолди.

– Жиддий гапираяпсизми бу гапларни, жаноб Монье?

– Жуда яхши билиб турибман, – деб давом этди француз, – сиз мени тутуриғи йўқ, беқарор бир одам деб ҳисоблайсиз... Аммо шуниси ҳам табиийки, шароитнинг ўзгариши билан бизнинг ниятларимиз ҳам ўзгарди... Бир ҳафта олдин мен сизнинг мактубингизни олганимда ноумид бир аҳволда эдим, ўзимни мутлақо ёлғиз ҳис этардим... Ўшанда менга ортиқ курашмоқнинг маъноси йўқдай кўринган эди... Ҳозир эса мен учун бутун дунё бошқача бўлиб қолди. Ростини айтсам, буларнинг бари сиз туфайли бўлди, жаноб Бекстекер.

– Сиз туфайли дейсизми, жаноб Монье?

– Ҳа, сиз туфайли. Негаки, бу мўъжиза сиз таништириб қўйганингиз жувон туфайли рўй берди... Миссис Кирби-Шоу жуда жозибадор аёл экан, жаноб Бекстекер.

– Мен ўзим ҳам сизга шунақа деб эдим-ку, жаноб Монье.

– Ҳа, у жуда жозибадор ва қаҳрамон аёл экан. Мен унга ўзимнинг ночор аҳволимни ҳикоя қилиб бердим, у бўлса менинг бахтсизликларимни баҳам кўришга рози бўлди... Ҳайрон бўляпсизми?

– Сира ҳам-да... Биз бу ерда бунақа ўзгаришларга кўникиб қолганмиз... Сиз учун гоятда хурсандман, жаноб Монье. Сиз ҳали ёшсиз, жуда ёшсиз...

– Хуллас, агар сиз эътироз билдирмасангиз, биз миссис Кирби-Шоу билан эртага Динингга қайтар эдик.

– Демак, миссис Кирби-Шоу ҳам сизга ўхшаб фикрдан қайтдимми?

– Албатта-да. У ҳозир келади, бу гапни унинг ўз оғзидан эшитасиз... Фақат битта нозик масалани келишиб олсак бўлди. Биласизми, сизга тўлаган уч юз долларим менинг деярли ҳамма сармойамни ташкил қилади... Шу пулнинг ҳаммаси тўла-тўкис ва узил-кесил «Танатос»нинг ҳисобига ўтиб кетди деб ҳисоблайсизми ёхуд мен қайтиб кетмоғим учун поездга билет олгани пулдан бир қисмини қайтариб олишим мумкинми?

– Биз ҳалол одамлармиз, жаноб Монье... Биз ҳеч қачон ейилмаган сомсага пул тўлашга мажбур қилмаймиз. Хона, овқат ва хизматкорлар ҳақи бир кунига йигирма доллар бўлади. Эртага эрталаб хазиначи бўйнингиздаги қарзни ҳисоб-китоб қилади. Қолган пулингизни қайтариб оласиз.

– Сиз жуда олижаноб ва саховатли экансиз... Эҳ, жаноб Бекстекер, сиздан нақадар

миннатдор эканимни билсангиз эди... Мен қайтадан бахтимни топдим... Ҳаётим янги-дан бошланади...

– Ҳамиша хизматингизга тайёрмиз, – деди жаноб Бекстекер.

У Жан Монъенинг хонадан чиқишини ва йўлақдан юриб кетишини кутиб турди. Кейин қўнғироқнинг тугмасини босди.

– Саркони менинг олдимга келсин, – деб буюрди у. Бир неча дақиқа ўтгач, дарбон кириб келди.

– Чақирдингизми, синъор директор?

– Ҳа, Саркони... Шу бугун кечаси бир юз ўн учинчи хонага газни очиб қўйинг... Кечаси иккилар атрофида.

– Заҳарловчи газни очишдан аввал ухлатувчи газни очайми, синъор директор?

– Бунинг ҳожати бўлмаса керак... У роса мириқиб ухлайди... Бугунга шу, холос, Саркони... Эртага эса аввал келишганимизга биноан ўн еттинчи хонадаги икки жувон...

Дарбон чиқиб кетиши билан остонада миссис Кирби-Шоу пайдо бўлди.

– Кир, кирақол, – деди Бекстекер. – Ўзим ҳам сени энди чақирмоқчи бўлиб турувдим. Сенинг мижозинг ҳузуримга келиб кетди. Жўнаб кетмоқчи эканини айтди.

– Менимча, мен мақтовга сазоворман, – деб жавоб берди жувон. – Ишни жуда ўринлатиб қўйдим...

– Ҳа, тез ва бекаму кўст... Буни ҳисобга оламан.

– Демак, уни бугун кечаси...

- Ҳа, бугун кечаси...
- Шўрлик йигит! – деб хўрсинди у. – Бирам яхши, бирам самимий.
- Уларнинг ҳаммаси самимий, – деди Бекс-текер.
- Жуда бағритошсиз-да, – деди жувон. – Улар яна янгидан ҳаётнинг лаззатини туя бошлаган дақиқада сиз уларни нариги дунёга жўнатасиз.
- Бағритошманми?.. Йўқ... Усулимизнинг инсонпарварлиги айна шунда-да. Шўрлик диний шак-шубҳалар исканжасида қийна-либ кетувди. Мен уни тинчлантирдим.
- У олдида ётган рўйхатга кўз ташлади.
- Эртага бўшсан... Индинга яна анча ишинг бор... Бу гал бир молиячи келади. Буниси Швециядан... Лекин ёши ўтинқираб қолган.
- Француз йигит менга жуда манзур бўлган эди-да... – деди Клара хаёлчанлик билан.
- Ишни танламайдилар, – деди директор қаҳр билан. – Мана сенга тегишли ўн доллар. Бу ўн доллар – мукофот.
- Раҳмат, – деди Клара Кирби-Шоу ва пулларни сумкачасига солиб офир хўрсинди.
- Клара чиқиб кетгандан кейин жаноб Бекс-текер қизил қаламни олиб, рўйхатидаги бир исм-шарифни ҳафсала билан ўчирди.

МИРРИНА¹

Бизнинг авлодга мансуб энг яхши ёзувчилар Кристиан Менетриенинг ижодидан завқланишган. Рост, унинг душманлари ҳам оз эмас эди; бунинг сабаби қисман шунда эдики, қаерда муваффақият бўлса, ўша ерда душман ҳам пайдо бўлади. Бундан ташқари, Менетриени анча кеч тан олишди. Бу пайтга келиб, қаламкаш дўстлари ва мунаққидлар уни тор доирадаги одамлар учун ёзадиган шоир деб ҳисоблашга кўникиб қолишган эди. Бунақа шоир ҳурматга сазовор, лекин элу юртнинг оғзига тушадиган даражада донг тарата олмайди. Шунинг учун унинг асарларидан завқланса бўлаверади, бунинг ҳеч қандай хатарли жойи йўқ. Менетриенинг обрў қозонишига хотини Клер сабабчи бўлганди. Бу аёл анча шуҳратга ўч, серҳаракат, сал нарсага «пов» этиб ёниб кетадиган эди. 1927 йилда бастакор Жан Франсуа Монтельни эрининг «Мерсин ва Вивиана» деган лирик драмасига мусиқа ёзишга кўндирганди. Аммо Кристианнинг театр саҳнасидан тушмайдиган асарлар муаллифига айланишида актёр Леон Лораннинг хизматлари катта. Бунинг тарихи деярли ҳеч кимга маълум эмас, менинг фикримча, у диққатга сазовор, чунки ижодий жараённинг баъзи бир кам ўрганилган жиҳатларини ёритиб беради.

Икки уруш оралигидаги француз театрининг қайта тикланишига жуда катта таъсир

¹ Андре Моруа. Миррина. Озод Шарафиддинов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 1998, № 12. 41-47-бетлар.

кўрсатган Леон Лоранни биринчи қарашда комедиант актёр деб қабул қилиш жуда қийин эди. У ўзига бино қўйишдан бутунлай узоқ эди; ҳамиша истаган дурдона асарнинг муваффақиятига холис кўмаклашишга тайёр турарди. Бу одам том маънода театр санъатининг қули эди, айнаи чоғда ғоятда билимдонлиги билан ажралиб турарди. У санъатда яхши кўрган нарсаларнинг ҳаммаси чиндан ҳам қадрлашга муносиб эди. У ўта мураккаб, кўпчиликка манзур бўлмаган асарларни ҳам ипидан-игнасигача билар ва тушунарди. У ўз труппасини барпо этиб, Эсхилнинг «Прометей»ини, Еврипиднинг бир пьесасини ва Шекспирнинг «Бўрон»ини саҳнага қўйишдан чўчимоди. Унинг Просперо ва Ариэли Элен Мессьер ижросидаги роли кўпчилигимизнинг қалбимизда энг юксак хотиралар қаторида муҳрланиб қолган. Актёр ва режиссер сифатида Лоран Мольер, Мюссе ва Мариво асарларига янги ҳаёт бахш этди. Ҳолбуки, бу вақтларда Комеди Франсез театри чуқур уйқуда эди У Эдуар Бурдени кутарди. Комеди Франсезни уйқудан уйғотиш шу одамнинг қисматига ёзилганди. Ниҳоят, бизнинг ҳозирги ёзувчиларимиз орасидан Лоран шоирона театрнинг гўзал анъаналарини давом эттиришга лаёқатлиларини қидириб топди. Франция драматургиясида у мактаб яратди ва бутун бошли муаллифлар авлодини барпо этди.

Мен боя айтдим – биринчи қарашда Лоранни актёр деб қабул қилиш қийин. Чиндан ҳам, унинг гапириш услубини кўрган, оҳан-

гини эшитган одам Лоранни ўқитувчи ёки врач деган хаёлга борарди. Бироқ бундай таассурот тезда йўқоларди. Унинг саҳнадаги ижросини беш дақиқагина кузатиб турсангиз кифоя – сиз шу ондаёқ қаршингизда улуг актёр турганига, у бошқаларнинг қиёфасига кириш қобилиятига эга эканига ва маҳорат билан «Цинна»даги улугвор Август, «Севилья сартароши»даги ҳам фоже, ҳам кулгили Базил бўла олишига ёхуд «Гаров ўйнаманглар» комедиясидаги аббат ролини ижро этиб, томошабинларни кулдира олишига ишонч ҳосил қиласиз.

Кристиан Менетрие Лорандан завқланган, у иштирок этган премьеранинг биронтасини ҳам қолдирмай кўрган, лекин орага Клер Менетрие аралашмаганда ёзувчи билан актёр ўртасида ҳеч қачон шахсан танишув содир бўлмаслиги мумкин эди, чунки уларнинг икковлари ҳам ўлгудек тортинчоқ эдилар. Клер ҳам худди эрига ўхшаб Леон Лораннинг маҳоратидан ғоятда завқланарди. Клер эрининг театр учун асар ёзишини орзу қиларди ва жуда яхши билардики, фақат чинакамига юксак маданиятли актёргина уни бу йўлга буриб юбора олади. Шунинг учун ҳар нима қилиб бўлса-да, Леонни ўзларининг яқин дўстлари қаторига қўшиб олишга уринди ва бунга муваффақ бўлди. Клер бағоят гўзал аёл эди, Лоран эса гўзал аёлларга мафтункорлиги билан шуҳрат қозонганди. Бунинг устига-устак, эркаклар танишишган соатларидан бошлаб, театр ҳақида қизгин

баҳсга киришиб кетганлар. Театр масаласида Кристианнинг ўйлаб қўйган режалари кўп эди, уларнинг кўпчилиги машҳур актёрнинг қарашларига тўғри келиб қолди.

– Реалистларнинг энг катта хатолари шундаки, – деди Кристиан, – улар сахнада кундалик нутқдан қўлларча нусха кўчиришди... Ҳолбуки, томошабин театрдан бутунлай бошқа нарсани ахтаради... Шунини унутиш керак эмаски, драма маросимдан бунёдга келган, тантанали юришлар, чиқишлар ва хорлар унда жуда катта ўрин тутган. Комедияда ҳам шунақа... Бизга уқтиришадикки, Мольер Саррофлар кўпригидаги одамларнинг тилига риоя қилган. Эҳтимол шундайдир... Боринги, чиндан ҳам шундай бўлсин. Аммо у ўша одамларнинг тилига риоя қилган бўлса, тилга жило бериш учун шундай қилган.

– Гапингиз тўғри, – деб жавоб берди Леон Лоран. – Сиз мутлақо ҳақсиз. Шунинг учун ҳам, Менетрие, сиз театр учун ёзинг деяпман-да... Лирик китобларингизни қаранг, образларингизнинг нафислигини айтинг... Юзаки таассуротларга хилоф равишда уларда актёрлар учун ажойиб материал бор. Зиммангизга ҳайкалтарошлик ролини олинг. Сиз яратган ҳайкалларга биз жон бағишлаймиз.

Лораннинг жумлалари қисқа-қисқа эди. Унинг чиройли овози туфайли бу жумлалар жуда таъсирчан чиқарди.

– Мен шундоқ ҳам театр учун ёзпман-ку, – деб жавоб берди Кристиан.

– Йўқ, азизим! Йўқ!.. Сиз диалог дostonлар ёзпсиз. Уларни уйда ўчоқ олдида ўриндиқда

ўтириб ўқиса бўлади. Лекин сиз ҳали бир марта ҳам томошабин қаршисига чиққан эмассиз.

– Пьесаларимни қўйишмаса нима қилай?

– Ундан кўра мен ҳеч қачон асарларимнинг саҳнада қўйилишига ҳаракат ҳам қилмаганман денг... Сиз ҳеч қачон саҳна қонунлари билан ҳисоблашган эмассиз. Бусиз ахир театр бўлмайди-да... Мен учун асар ёзиб беринг... Ҳа, дўстим, шахсан мен учун... Ўшанда кўрасиз репетициянинг нима эканини. Репетиция дегани энг яхши мактаб... Биласизми, менинг назаримда сизда битта битта нуқсон бор – сиз символизмга хос юзакиликдан ҳали бутунлай халос бўлиб кетганингиз йўқ... Ўзингиз ёзган матнни саҳнадан эшитиб кўринг, асарнинг хом жойларини дарров пайқаб оласиз. Драматург учун театр саҳнаси – нотик одам учун унинг овози ёзилган тасмадай гап. У тасмани эшитиб ўтириб, ўзининг нуқсонларини аниқлайди ва уларни тузатади.

– Худди шу гапларни мен ҳам эртадан-кечгача Кристианнинг қулоғига қуяман, – деди Клер. – У театр учун яратилган.

– Билмадим-ов, – деди Кристиан.

– Бир уннаб кўринг, бир жойингиз камайиб қолармиди. Яна такрор айтаман – мен учун пьеса ёзиб беринг.

– Сюжети қанақа бўлсин?

– Қанақа бўларди. Юзлаб сюжетлар бор, – деди Леон Лоран. – Ё тавба, ахир ҳар гал учрашганимизда менга бирор пьесанинг би-

ринчи пардасини айтиб берасиз. Деярли ҳар гал жуда зўр бўлади. Сюжет дейсиз! Сиз столга ўтириб, ўша менга айтиб берганларингизни қоғозга туширсангиз бас. Умуман, бундан ҳам осонроқ иш йўқ. Сиз менга олиб келадиган ҳар қандай пьесани мен суриштирмай қўлга оламан.

Кристиан бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Менда бир фикр бор, – деди у. – Биласизми, мени ҳозир уруш хавфи қаттиқ ташвишлантиряпти. Мен Германияда ҳукмронлик қилаётган телбаларнинг ошкора режаларига французларнинг диққатини жалб қилмоқчи бўляпман, лекин афсуски, ҳаракатларим зое кетяпти.

– Мен «Фигаро»даги мақолаларингизни ўқиганман, – деди Леон Лоран. – Улар яхши ёзилган. Фойдали мақолалар. Фақат ўзингиздан қолар гап йўқ, пьеса ўта замонавий бўлса...

– Йўғ-е, мен сизга замонавий ҳаётдан олинган пьесани таклиф қилмоқчи эмасман. Мен воқеани бутунлай бошқа бир даврга кўчиришни истардим. Эсингизда борми, Филипп Македонский яшаш учун майдон талаб қилиб, бирин-кетин кичкина юнон давлатларини фатҳ этганда афиналиклар ўзларини қандай тутишган? «Эҳтиёт бўлинглар! – деб таъкидлаган афиналикларга Демосфен. – Эҳтиёт бўлинглар! Агар сизлар Чехословакияга ёрдамга келмасанглар, ўзингиз ҳам муқаррар ҳалок бўласиз!» Аммо афиналиклар кўнгилчан эдилар, ҳамма нарсага енгил-елпи қарардилар. Бунинг устига Филиппнинг ай-

фоқчилари бор эди... Демосфен мағлубиятга учради... Кейин эса гўзал кунлардан бирида Афинага ҳам навбат етиб келди... Бу иккинчи парда бўлади.

– Жуда ҳам соз! – деб хитоб қилди қизиқиб қолган Леон Лоран. – Жуда яхши. Ана, сюжет ҳам тайёр экан. Энди бу ишни пайсалга солмасангиз бўлди. Дарҳол ишга киришинг!

– Шошмасангиз-чи! – деди Кристиан. – Мен ҳали яна у-бу нарсани ўқиб чиқмоғим керак. Лекин сизнинг Демосфен ролида қандай ўйнашингизни ҳозирдан тасаввур қиляпман. Сиз, албатта, Демосфен ролини танлайсиз, шундайми?

– Бўлмаса-чи!

Завққа тўлган Клер тонгга қадар уларнинг бўлғуси пьеса ҳақидаги баҳсларига маҳлиё бўлиб ўтирди. Лоран билан Менетрие хайрлашаётганда, пьесанинг асосий саҳналари белгилаб олинган эди. Кристиан ҳатто финалдаги иборани ҳам ўйлаб қўйди. Кўпдан-кўп алфов-далфовлардан кейин Филиппнинг ўлими Афинани қутқариб қоладиган мўъжиза бўлиб кўринади. Бироқ Демосфен мўъжизаларнинг давомли эканига ишонмайди, афиналикларни уларнинг ўз иродаси, мардлиги ва матонатидан бошқа ҳеч нарса қутқара олмайди деб қаттиқ ишонади. «Ҳа, – деди у, – эшитдим... Филипп ўлипти... Хўп, Филиппнинг ўғлини исми нима?» Кимдир жавоб беради: «Александр!»

– Жуда соз! – деб хитоб қилди Леон Лоран.
– Жуда соз! Бу иборани қандай талаффуз

қилишимни ҳозироқ тасаввур қилиб турибман... Менетрие, агарда пьесани бир ой мобайнида ёзиб тугатмасангиз, сизни театрга номуносиб одам экан дейман.

Бир ойдан кейин пьеса битди. Эндиликда биз биламизки, пьеса Клер билан Лораннинг ҳамма умидларини оқлади. Пьесани театрда ўқидилар – шунинг ўзида муаллиф чинакам тантана қилди. Пьеса ўқилгандан кейин ролларни қандай тақсим қилиш, қайси муддатда асарни сахнага қўйиш, репетицияларни қай вақтда ўтқазиб тўғрисида келишиб олиш учун Лоран муаллифнинг ҳузурига келди. Актёрнинг қиёфаси ташвишли эди. У нимадандир хижолатда. Ҳамма санъаткорлар каби Кристиан ҳам гап ўзларининг асарлари тўғрисида кетганида ўлгудай бадгумон бўлиб қоларди. Ҳозир унга Лоран пьесада унча қониқмагандай кўринди.

– Йўқ, – деди у хотинига Леон Лоран кетгач. – Йўқ, нимадир унга ёқмаяпти... Нима экан-а?.. Менга айтмади... Ҳеч нарса демади... Лекин сезилар-сезилмас алланимаси бор эди... Йўқ, пьеса унга маъқул бўлмади деёлмайман... Билъакс, у бу гап ҳам ўзининг роли тўғрисида жуда берилиб гапирди. Унинг самимийлигига шубҳа қилиб бўлмайди... Лекин қандайдир айтилмаган бир фикри бор-да... Гап нимадайкин?.. Тушуна олмадим...

Клер жилмайди.

– Кристиан, – деди у. – Сиз улуғ ёзувчисиз. Мен чин юракдан сизга қойил қоламан. Аммо энг оддий инсоний муносабатлар масаласида ўтакетган даражада анойисиз. Гапимга ишо-

наверинг. Мен ҳатто Лоранни кўрмай туриб ҳам нима воқеа рўй берганини биламан.

– Қани айтинг!

– Аниқроқ айтганда, нима воқеа рўй бермаганини биламан... Гап шундаки, азизим, сизнинг пьесангизда Элен Мессьер учун роля йўқ. Инсоф юзасидан тан олинг, мен сизни бу тўғрида огоҳлантирган эдим.

Кристиан гашилик билан эътироз билдирди.

– Бу асарда Мессьер учун қанақа роля бўлиши мумкин эди? Мессьер комедияларда жуда ўринлатиб ўйнайди, унга Мюссе ва Маривонинг роллари мос келади, аммо ўзингиз айтинг, сиёсий фожиада у нима қилади?

– Оҳ, жонгинам, сиз мутлақо бошқа-бошқа масалаларни қориштириб юборяпсиз! Гап Эленнинг сиёсий фожиада нима қилиши ҳақида кетаётгани йўқ. Масала анча жўнроқ. Шундай қилинганда, Леон Лоран билан маъшуқаси ўртасидаги иноқликка путур етмасин.

– Элен Мессьер – Леон Лораннинг маъшуқасими?

– Нима бало, ойдан тушганмисиз, азизим. Улар тўрт йилдан бери бирга туришади-ку.

– Мен қаёқдан билай? Пьесамнинг нима дахли бор бунга? Ёки сиз ўйлайсизки, Лоран...

– Мен ўйламайман, Кристиан, мен аниқ биламан, Лоран нимани хоҳлашини. Сиз агар уни шунга мажбур этсангиз, у Мессьер учун роля талаб қилади... Шуни ҳам айтиб қўяй, менимча, уни рози қилиш унчалик қийин бўлмаса керак... Битта персонажни қўшиб қўйиш сизга қийинми?

– Сира иложи йўқ. Бу пьесанинг композициясини бузиб юборади.

– Ўзингиз биласиз, Кристиан... Майли, бу мавзуга яна қайтармиз...

Улар чиндан ҳам бу мавзуга қайтишди. Лоран борган сари қовоқ-тумшуғи осилиб, ташвишлироқ кўринарди. Кейин у асарни саҳналаштиришнинг қийинчиликлари, театр зиммасидаги аввалги мажбуриятлар, бўлғуси гастроллар тўғрисида гапира бошлади. Пьесани ёзиб тугатганидан бери унинг саҳнада пайдо бўлишини тоқатсизлик билан кутаётган Кристиан ҳам серзарда бўлиб қолган, доим қовоғи солиқ юрарди.

– Азизим, – деди унга Клер. – Бирор гал мени Лоран билан ҳоли қолдиринг. У юрагидаги бор гапни менга тўкиб солади. Сизга ваъда бераман, мен ҳамма ишни ўрнига қўйиб, саришта қиламан. Албатта, сиз аёл родини ёзиб берасиз...

– Қандай қилиб ёзаман уни? Пьесани қайта бошдан ёзиб чиқолмайман-ку? Ҳар ҳолда мен уни санъат асари деб ҳисоблашга журъат этгандим. Энди бировнинг инжиқлиги деб...

– Оҳ, Кристиан, бу ахир жуда ҳам осон гап-ку... Бунинг устига хаёлот оламингиз жуда бой бўлса... Мана, лоақал иккинчи пардани олайлик. Македонияликлар Афинада ўзларининг хуфияларини жойлаштиради. Наҳотки, шу ишда улар биронта ақд-идрокли сатангнинг хизматидан фойдаланишмаса... У бадавлат афиналиклардан, банкирлардан, давлат арбобларидан бирининг маҳрами бў-

лиши мумкин... Мана, сизга тайёр персонаж. Яна унинг ҳаққонийлигини айтмайсизми!

– Ҳм, дуруст... Агар шундай қилинса... Биласизми, сиз ҳақсиз – дунёнинг ўзидай кўҳна махфий тарғибот усуллари кўрсатиш жуда мароқли...

Клер Кристианнинг хаёлот оламига ташланган ҳар битта уруғ, албатта, униб чиқишини биларди. Энди у Лоранни исканжага олди ва бунда ҳам тўла ғалабага эришди.

– О, жуда ажойиб фикр-а! – деди Лоран энгил тортиб. – Биласизми, бу тўғрида юрак ютиб, эрингиз билан гаплашгани журъат қилолмагандим, унинг асарлари ҳақида гап кетадиган бўлса, унинг яқинига йўлаб бўлмай қолади. Ҳатто Шекспир ҳам «Юлий Цезар»да... Корнель ҳам Горацийлар даражасига Сабина сиймосини киритган, Расин эса Федра ҳақидаги мифга Арисияни қўшган... Бундан ташқари, хоним, сизга очигини айтиб қўя қолай: Элен учун рол бўлмаса, унақа пьесани қўйишга унча ҳушим йўқ эди... Истамасдим... Биласизми, Элен ёш, менга боғланиб қолган, лекин рақс тушишни яхши кўради, ёлғизликдан ўтдан кўрққандай кўрқади... Агар мен ҳар оқшом театрда банд бўладиган бўлсам, у бошқа эркаклар билан маишат қила бошлайди. Унда мен тинчимни йўқотиб қўяман. Аммо борди-ю, сизнинг эрингиз унинг учун кичикроқ бир рол ёзиб берса, ҳаммаси жойига тушади... Бир ҳафтадан кейин репетицияни бошлаймиз...

Шу тарзда Миррина образи туғилди. Бу образни яратар экан, Кристиан бир вақтнинг ўзида ҳам Аристофаннинг баъзи бир зукко ва беҳаёроқ қаҳрамон аёлларини, ҳам Маривонинг таннозларини эслади. Уларнинг ролларини ўйнаб, Элен Мессьер саҳнада илк шуҳратини қозонган эди. Мана шундай ғаройиб чатишма оқибатида муаллифнинг ўзини ҳам лол қолдириб, жуда мафтункор, ўзига хос образ туғилди. «Артистлар маза қилиб ўйнамайдиган ғоятда ноёб образ чиқди-да!» – деди Лоран.

Клер Элен Мессьерни тушликка таклиф қилди. Менетрие унга пьесанинг янги вариантыни ўқиб берди. Элен киприклари узун-узун, жуссаси кичкина дилбар аёл эди. У жуда эҳтиёткор ва мушукдек қувгина эди. У кам гапирарди, лекин бирор марта ҳам бемаъни гап айтгани йўқ. Кристианга у жуда манзур бўлди.

– Элен гўл аёллар ролини ўйнашга моҳир кўрингани билан, аслида у бевафо маккоралар роли учун яратилган экан.

– У сизга ҳаддан зиёд маъқул бўлиб қолди-ми, Кристиан?

– О, йўқ! Ахир у Лоранни яхши кўради-ку. Лоран унинг хушторигина эмас, уни йўқдан бор ҳам қилган. Элен – Лоран ижодининг маҳсули. Лоран бўлмаганда, у нима бўларди дейсиз?

– Кристиан, нима деб ўйлайсиз – Элен ўзидаги кўпгина фазилатлар Лоран туфайли бино бўлганини англагани учун унга нисбатан илиқ туйғуларга эгами? Аксинча, менга

бутунлай бошқача туюлади. Менимча, унинг юрагининг бир чеккасида Лоранга нисбатан алланечук ғашлик бор... Келинг, бизга нима! Рол унга маъқул бўлди, демак, ҳамма иш жойида.

Дарҳақиқат, бир ҳафта мобайнида ҳамма иш жуда силлиқ кечди. Лекин бир ҳафтадан сўнг яна Лораннинг қовоқ-тумшуғи осилиб қолди.

– Унга нима бўлди? – деб сўради Кристиан.

– Бу гал билмадим, – деб жавоб берди Клер.

– Лекин билиб оламан.

Лоран чиндан ҳам сирини кўп яшириб юрмади. Бир куни Клерга ёзилди:

– Гап бундай бўляпти: рол жуда яхши, Элен ҳам хурсандликдан оғзи қулоғида. Лекин... Биласизми, биз бир уйда яшаймиз. Театрга бориш зарур бўлганда битта такси оламиз. Бошқа-бошқа боришдан нима маъно бор?.. Борди-ю Элен саҳнада иккинчи пардадагина пайдо бўладиган бўлса, бир соат давомида у ўз хонасида нима қилади? Ё зерикиб, сиқилиб ўтириши керак – бунга унинг буткул тоқати йўқ. Ёки бўлмаса, жазманларини қабул қилмоғи керак... Мен ўзимни яхши биламан – шундай қилса, бу дарҳол менинг ижройимга таъсир этади... Юрагимда санчиқ туришини айтмай қўяқолай! Албатта, Кристиан Менетрие менинг юрагимнинг кафилигини олган эмас, лекин ролимнинг сифати...

– Хуллас, – деди Клер, – сиз Мирринанинг саҳнада биринчи пардада пайдо бўлишини истайсиз? Шундайми?

– Хоним, сиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди.

Клер эрига бу янги талабни маълум қилганида, аввал эрининг ғазаби қўзиди: «Биронта ёзувчига бунақа шароитда ишлаш тўғри келган эмас». Аммо Клер Кристианнинг феъл-атворини жуда яхши биларди: биринчи навбатда, унинг виждонини тинчитиш зарур эди.

– Кристиан, ҳамма драматурглар худди шунақа шароитда ишлашган... Сиз жуда яхши биласизки, Шекспир ўз артистларининг ташқи қиёфасини ҳисобга олишга мажбур бўлган. Расин эса Шаннел учун ёзган. Бу тўғрида мадам де Севинь гувоҳлик беради.

– У Расинни жуда ёмон кўрган.

– Ёмон кўргани билан уни яхши билган.

Миррина биринчи пардада пайдо бўлди. Артистларнинг театрга келиши билан боғлиқ бўлган такси муаммоси спектаклдан кейин ҳам бутун кескинлиги билан кўндаланг бўлгани тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Хуллас, пьесанинг сўнгги вариантыда Мирринага учинчи пардада ҳам қатнашишга тўғри келди. Бунда ҳам Клернинг аралашувисиз иш битмади.

– Рост-да, Кристиан, бу Миррина деганлари мағлубиятга учрагандан кейин хуш ахлоқ ватанпарвар жувонга айланиб қолса бўлмай-дими? Майли, у партизанлар сафига қўшилсин, Демосфеннинг маъшуқаси бўлсин.

– Ростини айтсам, Клер, сизнинг маслаҳатларингизга амал қиладиган бўлсам, ҳаде-

май Голливудники сингари бачкана асарлар ёзадиган даражага тушиб қоламан... Бўлди, етар... Бошқа бир сатр ҳам қўшмайман.

– Енгилтабиат аёл ватанини яхши кўрсанима бўпти? Бунинг нимаси ёмон? Қанақа бачканалиги бор? Нимаси ҳақиқатга ўхшамайди? Ҳаётда бунақа воқеаларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Кастильоне Италияни бирлаштириш ҳақидаги эҳтиросли орзуси билан Наполеон III ни мафтун этган эди... Фақат Мирринадаги ўзгаришларни назокат билан кутилмаган бир тарзда кўрсатиш керак... Бунақа саҳналарни ёзишда сизга тенг келадигани йўқ. Демосфен билан ошиқ-маъшуқлик масаласига келганда, мен, албатта, ҳазиллашдим...

– Нега ҳазил бўлар экан? Француз инқилобининг жуда кўп арбоблари...

Хотиржам бўлган Клер Лоранни тинчатишга ошиқди. Шундай қилиб, бойиган ва тарвақайлаб кетган Мирринанинг роли пьесадаги асосий роллардан бирига айланди.

«Бош» репетиция куни ҳам етиб келди. Бу чинакам тантана эди! Бутун Париж худди Лоранга ўхшаб Мирринага мафтун бўлганди. Менетриега ўхшаб сиёсий воқеалардан юраклари така-пука бўлган ва ғайришуурий тарзда Эсхилнинг «Форслар»ига ўхшаш миллий драматургияни қўмсаган томошабинлар муаллифни олқишларга қўмиб ташлашди. Мунаққидлар бирон марта ҳам масхараомуз оҳангларга берилиб кетмай, антик сюжетга зўр маҳорат билан замонавий руҳ бағиш-

лагани учун муаллифни кўкларга кўтариб мақташди. Ҳатто ўзининг ҳамкасаба биродарларига ҳамиша ўта талабчан бўладиган Фабер ҳам коса тагида нимкоса қилиб Клерга бир неча оғиз илиқ гап айтди.

– Гўзал қора қиз, – деди у Клерга, – бу Мирринага сизнинг ҳам қўлингиз теккан кўринадди. Гап йўқ: бу ҳақиқий аёл; тирноғининг учигача аёл. Бетавфиқ эрингиз ҳеч қачон сизнинг ёрдамингиз бўлмаса, бунақа образни ярата олмасди... Тан олаверинг, Кристиан аёллар масаласида ҳеч нарсага тиши ўтмайди...

– Миррина сизга ёққанидан бағоят хурсандман, – деди Клер. – Лекин бу ишга меннинг дахлим йўқ.

Эртаси куни Робер Кам ўз тақризиди фақат Миррина ҳақида ёзибди. «Бугундан бошлаб, – дебди у. – Мирринанинг номи Агнесса ёхуд Селименаларнинг номи каби жуда машҳур бўлиб кетади». Эрининг елкаси оша мақолани завқ билан ўқиб чиққан Клер ўзини тутиб туролмай шундай деди:

– Буни қаранг-а, агар ўша такси можароси бўлмаса эди, Миррина ҳеч қачон дунё юзини кўрмаган бўларди.

Қолган гаплар адабиёт тарихига алоқадор. Маълумки, «Филипп» кўпгина тилларга таржима қилинди ва янги француз театрини бошлаб берди. Лекин ўтган йили Элен Мессьер Лоранни ташлаб, Голливуд режиссёрига эрга текканини ва Лоран Кристиан Менетриенинг беваси, марҳум драматургнинг муаллифлик ҳуқуқлари бўйича вориси Клерга

пъесадан Миррина ролини ўчириб ташлашни сўраб мурожаат қилганини камдан-кам киши билади.

– Ахир сиз билан биз биламиз-ку, – деди у, – бу рол пъесада тасодифий равишда пайдо бўлган. Пъесанинг биринчи вариантыда йўқ эди. Эски вариантни тикласак нима қиларкин? Шундай қилсак, Демосфен роли анча ютган бўларди. Ростини айтсам, ишқий мо-жаролардан ҳоли «Демосфен» менга кўпроқ маъқул эди...

Шундай қилинса, Миррина ролини ижро этишга янги актриса қидириб ҳам юрилмайди... Бу ролни ўчириб ташласак, маошдан ҳам анча тежаб қолардик.

Бироқ Клер бу таклифни юмшоққина, лекин қатъий оҳангда рад этди.

– Ишончингиз комил бўлсин, Лоран, сиз кўпда қийналмай янги Мирринани барпо эта оласиз. Буни сиз жуда ўринлатасиз... Мен эса эримнинг пъесасида ҳеч қандай ўзгариш бўлишини истамайман. Кристиан жамлаган нарсани бир-биридан ажратиш керак эмас...

Шундай қилиб, зарурият ва илҳом фарзанди ўлароқ дунёга келган Миррина жаҳон саҳналари бўйлаб ўзининг музаффарона юришини давом эттирди.

ЧОРШАНБА УЧУН БИНАФШАЛАР¹

– О, Женни, кетма, қол!

Тушлик вақтида Женни Сорьбе ҳамма-ни оғзига қаратиб ўтирди. Қайнар булоқдай чиқаётган латифалару ҳар хил воқеалар ҳақидаги ҳикоялари меҳмонларни маҳдиё қилди-қўйди. Женни уларни чинакам актёрларга хос маҳорат ва туғма ёзувчига монанд илҳом билан тўкиб солди. Леон Лораннинг меҳмонлари унга мафтун бўлиб қолишди. Женнининг улфатчилигида ўтказилган вақт уларнинг назарида кўз очиб юмгунча ўтиб кетган сеҳрли дақиқадай туюлди.

– Буни қаранг, соат тўрт бўлиб қолибди-ку! Бугун – чоршанба... Ўзингиз биласиз, Леон, чоршанба кунлари мен ҳар доим дўстимга бинафша олиб бораман...

– Кўп чакки бўлипти-да, афсус! – деди Леон беқиёс оҳангдор овози билан. Шу овози билан у саҳнада ҳазилакам шуҳрат қозонгани йўқ. – Айтганча, сизнинг бир сўзлигингиз ҳаммага маълум... Майли, сизни ушлаб қолмай, бўлмаса...

Женни аёллар билан ўпишиб хайрлашди, эркаклар эса тавозе билан унинг қўлларидан ўпишди. Женни кетди. Унинг орқасидан эшик ёпилиши билан меҳмонлар бири олиб, бири қўйиб, унинг шаънига мақтов гаплар айта бошладилар.

¹ Андре Моруа. Чоршанба учун бинафшалар. Озод Шарафиддинов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 1998, № 12. 47-54-бетлар.

– У ҳақиқатан ҳам жуда жозибадор! Ҳозир нечага борди, Леон?

– Саксонлар атрофида бўлса керак. Болалигимда онам мени Комеди Франсезнинг эр-талабки томошаларига олиб бориб юрганида Женни Селимена ролини қойилмақом қилиб ўйнарди. Ҳолбуки, энди менинг ҳам ёшим бир жойга бориб қолди.

– Истеъдод қаримайди, – деди Клер Менетрие. – Бинафша олиб бораман дегани нима ўзи?

– О, бутун бошли роман бу... У бир марта менга гапириб берган эди, лекин бу тўғрида ҳеч қачон ёзган эмас... Лекин гапларим қовушмаяпти. Ундан кейин бирор нарсани ҳикоя қилиб беришга журъатим етишмайди. Қийёслашса менинг мисим чиқади.

– Ҳа, таққослар умуман хавфли нарса. Бироқ биз сизнинг меҳмонингизмиз. Сизнинг вазифангиз – бизнинг вақтимизни чоғ қилиш. Женни кетиб қолди. Энди сиз унинг йўқлигини билдирмаслигингиз керак.

– Майли бўлмаса. Мен сизларга чоршанба бинафшалари тарихини айтиб бера қолай... Фақат бир нарсадан хавотирим бор – бу воқеа ҳозирги кунлар учун чучмалроқ кўринмаса бўлгани...

– Қўрқманг, – деди Беритран Шмит. – Бизнинг давримиз нафосатга ва севгига муштоқ. Сийратда сурбетроқ ва беҳаёроқ кўринса ҳам, аслида унинг замирида ҳақиқий туйғуларга илинж ётарди.

– Шундай деб ўйлайсизми?.. Майли, бўлмаса! Унда ўша илинжни қондиришга ҳаракат

қиламан... Сизлар, яъни бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳали жуда ёшсизлар – шуҳратининг авж палласида Женни нақадар гўзал бўлганини билмайсизлар. Оловдай қизғиш сочлари унинг бежирим елкалари билан битта бўлиб ёйилиб ётарди. Қув ва чарос кўзлари, ҳамиша ҳаяжонланаётгани сезилиб турадиган жарангдор овози унинг ёрқин ва мағрур ҳуснига яна ҳусн қўшарди.

– Жуда сухандон экансиз-ку, Леон!

– Қўрқаманки, менинг сўзамоллигим анча эскириб қолган. Шундоқ бўлса ҳам мақтовингиз учун раҳмат... Женни консерваторияни 1895 йилда биринчи мукофот билан тугатган ва дарҳол Комеди Франсезга таклиф қилинган эди. Аммо тажрибамдан яхши биламанки, бу машҳур театрнинг труппасида янги келган одамга жуда оғир бўларди... Ҳар қайси ўринда бир донгдор актёр бор. У ўз ролини кўз қорачиғидай эҳтиёт қилади. Энг жозибадор ва истеъдодли ёшлар ҳам Мариво ва Мольер пьесаларидаги етакчи ролларга эришгунларича ўнлаб йиллар кутмоғи керак эди. Ошуфтакор Женни саҳнанинг тиш-тирноқлари билан тахту равонларига ёпишиб олган қироличаларига рўпара келди. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай қиз бўлганда ҳам тақдирига тан бериб жимиб қолиши ёки бир-икки йил беҳуда уриниб, Мадлен хиёбонидаги театрлардан бирига ўтиб кетиши мумкин эди. Аммо бизнинг Женни бунақа қизлардан эмасди. У ихтиёрида бор нарсанинг ҳаммасини сафарбар қилиб, жангга

отилди. Ниҳоят, унинг артистлик истеъдоди ва жуда зўр билимдонлиги, бениҳоя кучли латофати ва жон олғувчи кўзлари голиб чиқди.

Орадан кўп ўтмай, у театрнинг етакчи артистларидан бири бўлиб қолди. Директор уни қўйишга жой тополмасди. Драматурглар бири олиб, бири қўйиб, ўзлари яратган асарлардаги энг қийин ролларни Женни ўйнашини талаб қилишарди. Уларнинг фикрича, бошқа ҳеч ким бу ролларни халққа етказиб беролмас эмиш. Мунаққидлар ғайритабиий яқдиллик билан унинг шаънига мадҳиялар ёғдиришарди. Ҳатто энг даҳшатли Сарсеннинг ўзи ҳам Женни тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Бошининг жиндай қилт этгани, оғзидан чиққан жиндай товуш ҳатто тимсоҳни ҳам мафтун этишга қодир!»

Менинг отам ўша йилларда Женни билан таниш эди. Отамнинг ҳикоя қилишича, у ўз касбини эҳтирос билан севарди, касби тўғрисида доноларча фикр юритарди ва сира толмасдан янги-янги актёрлик йўлларини излаб топарди. Ўша пайтларда театр реализмга берилган эди, бироқ бу реализм анчайин жўн, анойи реализм эди. Агар роли бўйича Женни бирор пьесада заҳар ичиб ўлмоғи керак бўлса, у ҳар гал спектакль олдидан касалхонага йўл оларди ва у ерда заҳарланиб жон таслим қилаётган одамларнинг талвасаларини кўриб келарди. Инсоний туйғулар курашини у ўз мисолида ўрганарди. Санъатга хизмат қилаяпман деб, у ҳам худди Бальзакка ўхшаб ин-

сон туйғуларини ифодалаганда ҳар қандай андишани йиғиштириб қўярди. Бальзак ҳам романларидан бирида ўз эҳтиромларини ва маъшуқасининг туйғуларини тасвирлаганда худди шундай қилган.

Ўзингиз, албатта, сезиб турган бўлсангиз керак – йигирма икки ёшга кирган тенгсиз ҳусну жамолга эга, яшин тезлигида катта шуҳрат қозонган қизнинг жазманлари ҳам беҳисоб бўлади. Театрдаги ошна-оғайнилари, драматурглар, банкирлар, яна қанча-қанча казо-казолар унинг илтифотини қозониш пайида эди. Қиз банкир Анри Стални танлади. Унинг бойлиги учун эмас, Женни ота-онаси билан бирга турар ва ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ эди. Бунинг сабаби шуки, Анри Стал ҳам худди қизнинг ўзи каби ҳаддан зиёд жозибадор эди ва энг муҳими, қизга уйланмоқчи бўлганди. Эҳтимол, сизнинг хабарингиз бордир – улар дарҳол оила қура олганлари йўқ, Сталнинг ота-онаси анча вақтгача розилик бермай юрди. Анри билан Женни уч йил ўтгандан кейингина турмуш қуришди, бироқ кўп ўтмай ажралиб кетишди – Женни мустақил характерга эга бўлганидан оилавий қуликка бўйсунмишга дош беролмади. Бу энди бошқа тарих. Ҳозир эса Комеди Франсезга, Женнининг қандай иш бошлаганига ва бинафшаларга қайтайлик.

Женни Дюманинг ўғли ёзган «Бағдод маликаси»ни ўйнаш учун пайдо бўлган куни оқшом театр фойесини бир кўз олдингизга келтиринг-а! Бу пьеса нуқсонлардан холи

эмас. Мени биласизлар – «Чала зодагонлар», «Аёлларнинг дўсти», «Франсийон»га ўхшаган пишиқ-пухта ёзилган пьесалардан завқланиб юраман. Лекин ҳатто мен ҳам Дюманинг «Мусофир жувон», «Бағдод маликаси» пьесаларидаги ўжарлигини кўриб, ўзимни кулгидан тўхтатолмайман. Аммо Женнини бош ролда кўрганларнинг ҳаммаси унинг ҳаққоний образ ярата олганини ёзишди. Биз у билан ўша замонлар ҳақида тез-тез гаплашиб турардик. Энг ғалати жойи шунда эдики, Женни ижро этаётган ролларининг чинлигига ўзи ишонарди.

«Ёшлик йилларимда, – деб ёрилди менга бир куни, – Дюма асарларидаги қаҳрамон аёлларга ўхшаб мулоҳаза юритардим. Ичимда пишиб етишаётган нарсани, қалбимнинг энг пинҳоний нуқталаридаги туйғуларимни чироқ нурлари порлаб турган саҳнада ижро этиш жуда мароқли эди». Бунга яна шуни қўшиб қўйингки, бу роли унга жуда таъсирчан усулни қўллашга имкон берарди – у ўйнаётган вақтида сочларини ёйиб юборар, улар унинг яланғоч елкасига шалодай тушарди. Хуллас, Женни нақд офатижоннинг ўзгинаси эди.

Одамлар гулдурос қарсақлар билан муборакбод қилиб бўлишгач, антракт вақтида Женни артистлар фойесига чиқади. Бир зумда унинг теварагини одамлар қуршаб олади. Женни диванга – Анри Сталиннинг ёнига ўтиради. Музаффар одамга хос кўтарин-

ки кайфият оғушида маст бўлган Женни қувноқлик билан унга нималарнидир ҳикоя қилади.

– Оҳ, азизим Анри! Мана, мен яна юзага қалқиб чиқдим. Ниҳоят, кўкрагим тўлиб нафас оляпман... Уч кун аввал қанақа ўйнаганимни ўзингиз кўрдингиз... Ўшанда ҳеч нарсага ярамас эдим, тўғрими?.. Назаримда жарликнинг туб-тубида типирчилаб ётгандай эдим. Нафасим бўфилганди. Ниҳоят, мана – бугунги оқшом. Бир ҳамла қилдим-у яна юзага чиқиб олдим! Менга қаранг, Анри, сўнги пардага бориб расво бўлсам нима бўлади? Охиригача сузишга кучим етмай қолса нима қиламан! О худойим-ей! О, худо!

Кириб келган капельдинер унга гулларни тутқазди.

– Кимдан экан бу гуллар? А, Сен-Лудан экан... Сизнинг рақибингиздан, Анри, гулдастани менинг хонамга олиб бориб қўйинг.

– Манави мактуб ҳам бор, мадемуазель, – деди капельдинер.

Конвертни очиб кўриб, Женни қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Мактуб лицей талабасидан экан. Улар лицейда «Женнининг жазманлари» клубини тузишганмиш.

– «Жокей клуб» эндиликда бутунлай сизнинг жазманларингиз клубига айлангандир-да...

– Менга лицей талабалари маъқулроқ... Бунинг устига, мактубнинг охирида шеър ҳам бор экан... Мана, эшитинг, азизим...

*«Севдим» деган жўнроқ сатрни
Қораламанг, инкор ҳам этманг.
Ўтинаман, шўрлик шоирни
Директорга ҳеч қачон айтманг.*

– Қаранг, бирам яхшики...

– Жавоб берасизми мактубга?

– Албатта, жавоб бермайман-да! Бунақа мактублардан ҳар куни ўнлаб оламан. Уларга жавоб бера бошласам, тамом бўламан-ку... Лекин мактублар мени хурсанд қилади... Бу ўн олти яшар жазманлар менга яна анча вақт содиқ қолади...

– Балким? Ўтгизга борганда эса улар нота-риус бўлиб олишади.

– Нотариус бўлса нима? Нотариус менинг жазманим бўлолмайдимми?

– Мана буни ҳам сизга бериб қўйишни илтимос қилишди, мадемуазель, – деди яна уларнинг ёнига келган капельдинер.

– Мунча яхши! Буни қаранг, Анри! Макту-би йўқ эканми?

– Йўқ, мадемуазель. Швейцар менга айт-дики, Политехника мактабининг аллақайси талабаси бинафша олиб келипти.

– Азизим, – деб хитоб қилди Анри Стал. – Сизни табриклашга ижозат бергайсиз. Рос-тини айтганда, бу қурумсоқ «талабалар»дан бирор нарса ундириш жуда қийин.

Женни бинафшани анча ҳидлади.

– Жуда нафис ҳиди бор-да! Ҳурматлари-ни шу тарзда ифода қилишгани менга ёқа-ди. Ўзига бино қўйган сипо одамларга сира

тоқатим йўқ. Пешинда улар Пале-Роялга тўп отишини томоша қилгани қандай боришса, оқшомлари сахнада менинг жон беришимни томоша қилишга ҳам шунақа келишади.

– Томошабинда шафқат йўқ! – деб жавоб берди Анри Стал. – Улар ҳамма вақт ҳам шунақа бўлишган. Гладиаторлар жангини эсланг... Бир даста игнани ютиб юбориш йўлини топган актриса уларнинг орасида зўр муваффақият қозонган бўларди.

Женни кулиб юборди.

– Борди-ю бирор актриса тикув машинасини ютиб юборса, унинг шуҳрати осмон баравар кўтариларди!

«Сахнага» деган хитоб янгради. Женни ўрnidан кўзгалди.

– Майли, бўлмаса... Кўришгунча... Бориб игналарни ютай...

Женнининг ҳикоя қилишича, бу воқеа ана шу тарзда бошланган эди.

Янаги чоршанбада сўнгги антракт вақтида капельдинер юзида табассум билан Женнига яна бир даста бинафша олиб келди.

– Ие, қизик-ку, – деб хитоб қилди у. – Яна ўша талабами?

– Ҳа, мадемуазель.

– Шакли-шамойили қанақа?

– Билмадим, мадемуазель. Хўп десангиз, швейцардан сўрайман.

– Йўқ, сўрамай кўя қолинг. Нима фарқи бор...

Кейинги ҳафтанинг чоршанба куни спектакль йўқ эди. Аммо пайшанба куни Жен-

ни репетицияга келганда, унинг хонасидаги стол устида бир даста бинафша ётарди. Бинафша бироз сўлиб қолибди. Театрдан кетаётиб, Женни швейцарнинг хонасига кириб ўтди.

– Менга қаранг, Бернар... Бинафшани ўша йигитча олиб келдими?

– Ҳа, мадемуазель. Учинчи марта олиб келиши...

– Шакли-шамойили қанақа бу талабанинг?

– Жуда яхши бола. Жуда яхши... Нима десам экан-а... Бироз озғиндан келган, ёноқлари ичига ботган, кўзлари маъюс. Кичкинагина мўйловчаси бор. Лорнети ҳам бор. Лорнети билан қиличи – биқинида... Бу, албатта, кулгили кўринади... Тўғриси айтсам, мадемуазель, йигитчанинг жуда ҳам юрагидан урган кўринади... Ҳар гал бинафшасини менга узатар экан, «Мадемуазель Женни Сорьбега», – дейди-да, қулоқларигача қизариб кетади...

– Нима учун доим чоршанба куни келар экан?

– Сабабини билмайсизми, мадемуазель? Чоршанбада Политехника мактабининг талабалари машғулотлардан бўш бўлади. Ўша куни улар театрда партер билан галеркага тўлиб кетишади... Ҳар биттаси ёнида оймтилласи билан келади...

– Менинг талабамнинг ҳам оймтилласи борми?

– Ҳа, мадемуазель, лекин бу оймтилла – унинг сингиси... Улар бир-бирларига жуда ҳам ўхшайдилар, кўрсангиз, ҳайрон қоласиз.

– Шўрлик йигитча! Менда юрак деган нарсга бўлганида, Бернар, сиздан илтимос қилган бўлардим – уни лоақал бир марта саҳна ортига ўтқазиб юборинг, бинафшасини менга ўзи бера қолсин.

– Маслаҳат бермайман, мадемуазель, сира маслаҳат бермайман. Бу театр шинавандаларига эътибор бермасангиз, уларнинг хавфли жойи йўқ. Улар актрисаларга узоқдан туриб ишқибозлик қилиб, шу билан ўзларини ўзлари хурсанд қилиб юраверишади... Аммо, лекин улар ўзларига жиндай эътибор берилаётганини пайқаб қолишса, тамом – елимдай ёпишиб олишади. Унда улардан қутулишнинг иложи қийин бўлиб қолади. Улар шунақаки, бармоғингизни узатсангиз, қўлингизни юлиб олишади... Ҳа, кулинг, кулаверинг, мадемуазель, лекин бу ишларни аниқ биламан. Йигирма йилдан бери шу театрда хизмат қиламан! Шу кулбамда ўтириб, ошиқу беқарор бўлган оймтилалардан қанчасини кўрдим-у! Қанча йигитлар эс-ҳушидан айрилди... Ҳатто қариб қуйилмаганларни айтмайсизми? Мен ҳамиша мактублар билан гулдастани олганман-у, лекин ҳеч кимни саҳна ортига ўтқазиб юбормаганман. Мумкин бўлмагандан кейин илож йўқ-да...

– Гапингиз тўғри, Бернар! Майли, бепарво, эҳтиёткор ва тошбағир бўламиз.

– Бу ишингиз тошбағирлик бўлмайди, мадемуазель, соғлом ақл билан иш тутган бўласиз, холос.

Ҳафталар ўтди. Ҳар чоршанбада Женни ўзининг икки сўм турадиган бир даста би-

нафшасини олиб турди. Бу иш бутун театрнинг оғзига тушди. Кунлардан бирида актрисалардан бири Женнига деди:

– Толибингни кўрдим... Жуда жозибадор экан. Қиёфаси бирам ғалати... Гўё «Шамдон»да ёхуд «Севги билан ўйнашманг»да ўйнаш учун яратилгандай...

– Менинг толибим эканини қаёқдан била қолдинг?

– Мен тасодифан швейцарнинг хонасига бош суқиб эдим. Худди шу пайт у гул кўтариб келиб қолди-да, ҳайиқибгина илтимос қилди: «Марҳамат қилиб, мадемуазель Женни Сорьбега бериб қўйсангиз...» Юракларни эритиб юборадиган бир манзара эди бу. Кўриниб турипти, йигитча заковатли эди. Ўзининг кулгили аҳволда кўринишини истамас, лекин шундоқ бўлса ҳам, ҳаяжонини яшира олмасди... Мен ҳатто афсусландим – бинафшаларини менга келтира қолса нима бўларди. Мен унинг уринишларини қадрлаган бўлардим, бошини силардим... Эътибор бергин-а, у ҳеч нарсани илтимос қилгани йўқ, ҳатто сенинг олдинга кирмоқ йўллариини ҳам қидирмади... Аммо мен сенинг ўрнингда бўлганимда...

– Уни қабул қилармидинг?

– Албатта-да! Ундан бир неча дақиқа вақтимни аямаган бўлардим. Ахир у анчадан бери театрга қатнайди. Бунинг устига, таътил вақти ҳам яқинлаб қолди. Сен кетиб қоласан, ёпишиб олиб безор қилади, деб кўрқмасанг ҳам бўлади.

– Гапинг тўғри, – деди Женни. – Жазманлар ёш бўлганида, уларнинг сон-сановига етиб бўлмаган даврларда уларга парво қилмасанг-да, орадан ўттиз йил ўтгандан кейин уларнинг кетидан гиргиттон бўлиб юрсанг, бундан ҳам бемаънироқ нарса бўлмаса керак. Ўттиз йил ўтгандан кейин уларнинг сони ҳам камайиб қолади, кўплари сочи тўкилиб, тепакал ҳам бўлиб олишади...

Шу оқшом у театрдан чиқиб кетаётиб швейцарга деди:

– Бернар, чоршанба куни талаба яна бинафша олиб келса, унга айтгин – учинчи пардадан кейин гулдастани менга ўзи олиб кириб берсин... Мен «Мизантроп»да ўйнайман. Рол бўйича мен атиги бир марта кийимимни ўзгартираман, ўз хонамда бўламан. Талаба ўша ерга келсин... Йўқ, яхшиси, мен уни йўлакда, зина олдида кутиб тураман. Балки фойеда бўларман...

– Яхши. Бирор кор-ҳол бўлишидан қўрқмайсизми, мадемуазель?

– Нимадан қўрқмоғим керак? Ўн кундан кейин мен гастролга жўнаб кетаман, бу талаба эса ўзини Политехника мактабига михлаб қўйган...

– Яхши, мадемуазель... Лекин шундоқ бўлса ҳам, менинг фикримча...

Янаги чоршанбада Женни Селименани жуда ҳам қотириб ўйнади – у нотаниш йигитчага имкони борича кўпроқ маъқул бўлишни истар эди. Антракт бошланганда у юраги така-пука бўлиб, нима бўлишини кута бошла-

ди. У фойега чиқиб ўтирди. Унинг теварагида театрнинг доимий шинавандалари куймаланиб юрарди. Директор нимадир тўғрисида Бланш Пьерсон билан суҳбатлашарди. Ўша пайтларда бу аёл Женнининг рақиби ҳисобланарди. Лекин негадир талабадан дарак йўқ эди. Сабри тугаб бетоқат бўлаётган Женни капельдинерни излаб кетди.

– Мени ҳеч ким сўрагани йўқми?

– Йўқ, мадемуазель.

– Бугун чоршанба, аммо менинг бинафшамдан ҳали ҳам дарак йўқ. Ёки Бернар уни сизга беришни унутиб қўйдимикин?.. Ёхуд бу ерда бирон англашилмовчилик рўй берди-микин?

– Англашилмовчилик дейсизми, мадемуазель? Қанақа англашилмовчилик? Истасангиз, мен швейцарнинг олдига бориб келаман.

– Ҳа, майли... Йўқ, йўқ, бормай қўя қолинг. Уйга кетаётганимда Бернардан ўзим суриштириб билиб оламан.

Женни ўз аҳволидан кулди: «Хўп ғалати махлуқмиз-да, – деб ўйлади у, – олти ой мобайнида бу йигитнинг савдои садоқатига парво ҳам қилганим йўқ. Энди эса бирдан менга эътибор берилмаётгани учун бетоқат бўляпман, худди маъшуқасини кутаётган қиздай ҳаяжонланяпман... «О Селимена, дош бериб бўлмайдиган ғам-ғуссага ботган Альцест сени ташлаб кетганида қанчалар қайғурар экансан?!»

Спектаклдан кейин у швейцарнинг хонасига кирди.

– Хўш, Бернар, қани менинг жазманим? Уни менинг ҳузуримга жўнатмадингизми?

– Мадемуазель, атайин қилгандай у бугун келмади. Ярим йил мобайнида биринчи марта театрға келмади. Бунни қарангки, худди шу бугун мадемуазель уни қабул қилишга рози бўлган эди-я!

– Қизиқ! Балки бирорта одам унга айтиб қўйгандир ва у қўрқиб кетгандир.

– Йўқ, мадемуазель, унақа деманг... Бу гапдан сизу мендан бошқа ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Сиз ҳеч кимга айтганингиз йўқми? Йўқ, а? Мен ҳам индаганим йўқ... ҳатто хотинимга ҳам ҳеч нарса деганим йўқ...

– Ундоқ бўлса, нега келмай қолдийкин? Нима дейсиз?

– Нима дердим, мадемуазель... Балки тасодифан шунақа бўлиб қолгандир. Балки беҳуда югур-югурлар жонига теккандир. Эҳтимол, бетоб бўлиб қолганмикин? Янаги чоршанбани кутайлик-чи?

Аммо кейинги чоршанбада ҳам на талабадан, на бинафшадан дарак бўлди.

– Энди нима қиламиз, Бернар?.. Нима дейсиз, балки унинг ошна-офайнилари йигитчани излаб топишимизга ёрдам берар? Ё Политехника мактабининг директорига мурожаат қилсакмикин?

– Нима дей? Ахир биз йигитнинг исмини ҳам билмаймиз-ку!

– Бу гап ҳам тўғри, Бернар. Кўп чакки иш бўлди-да! Ўзи омадим юришмаган одамман, Бернар.

– Қўйинг, мадемуазель, унақа деманг. Бу йилги мавсумни зўр маҳорат билан ўтказдингиз. Ҳадемай гастролга жўнаб кетасиз. У ерда сизни янги муваффақиятлар кутмоқда... «Омадим юришмаган» десангиз, гуноҳ бўлади.

– Гапингиз тўғри, Бернар. Мен шунақа ношукур одамман... Лекин нима қилай, бинафшаларимга жуда ўрганиб қолган эдим.

Эртаси куни Женни Париждан жўнаб кетди. Бу сафарда Анри Стал унга ҳамроҳ бўлди. Женни қайси бир меҳмонхонада тўхтамасин, унинг хонаси ҳамиша атиргулларга тўла бўларди. Женни Парижга қайтганда дарвешсифат талаба аллақачон унинг эсидан чиқиб кетганди.

Орадан бир йил ўтгач, у полковник Женевьер деган одамдан мактуб олди. Полковник шахсий иши бўйича уни қабул қилишни илтимос қилган эди. Мактуб одоб сақлаб ёзилганди. Уни ўз қадрини яхши билган басавлат одам ёзгани сезилиб турарди. Полковникни қабул қилмаслик учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Женни полковникка шанба оқшомларидан бирида келишни таклиф қилди. У қоп-қора фуқаролар либосида келди. Женни уни табиат ато қилган ва сахна тарбиялаб вояга етказдирган самимият билан кутиб олди. Аммо табиийки, унинг бутун хатти-ҳаракатида «бу нотаниш одамга мендан нима керак экан?» деган савол сезилиб турарди. У сабр-тоқат билан полковникнинг изоҳини кутди.

– Мени қабул қилишга рози бўлганингиз учун сиздан миннатдорман, мадемуазель. Мен мактубда ташрифимдан кўзлаган мақсадимни айтиб беролмасдим. Модомики, мен сиздан учрашиш тўғрисида илтимос қилган эканман, ишонаверингки, бунинг боиси менинг эркаклик ғурурим эмас, балки оталик туйғуларимдир... Кўриб турибсиз, бошдан-оёқ қора кийинганман. Ўғлимга мотам тутмоқдаман. Лейтенант Андре де Женевьер бундан икки ой аввал Мадагаскарда ўлдирилди.

Женни «Бутун юрагимдан сизга ҳамдардман, аммо...» демоқчи бўлгандай беихтиёр ҳаракат қилди.

– Сиз менинг ўғлимни билмас эдингиз, мадемуазель, бундан хабарим бор... Аммо у сизни яхши биларди ва сизга қойил қоларди. Бу сизга ақд бовар қилмайдиган бўлиб кўринар, лекин ҳозир сизга айтиб берадиган гапларимнинг ҳаммаси чин. У сизни дунёда ҳамма нарсадан ортиқ севар ва сизни илоҳа деб биларди...

– Ҳамма гапни тушуна бошляпман, шеклли, полковник. Бу тўғрида сизга унинг ўзи гапириб берганмиди?

– Менгами? Йўқ. У ҳамма гапни сингласига айтиб берган. Сингласи унинг юрак сирларини тинглайдиган бирдан-бир ишонган одами бўлган. Ҳамма воқеа у сингласи билан бирга «Муҳаббат ва тасодиф ўйини»ни кўришга борганидан бошланган. Театрдан уйга қайтиб келишгач, болаларим сиз

тўғрингизда оғизларидан бол томиб гапирришди: «Унинг ижросида қанчалик инжалик ва нафосат бор, кишини тўлқинлантирувчи нозиклик мавжуд». Улар яна анча мақтовлар ёғдиришди. Афтидан, бу мақтовларнинг ҳаммаси ўринли эди. Мен бунга шубҳа қилмайман... Лекин ёшликка хос бўлган эҳтирос, ҳар нарсани илҳомлантиришга бўлган интилиш батамом бўлакча эди... Менинг бечора болагинам хаёлпараст эди...

– Ё парвардигор! – деб хитоб қилди Женни. – Демак, у ўша экан-да...

– Ҳа, мадемуазель, ўша Политехника мактабининг талабаси. Ҳа, ўша ойма-ой ҳар чоршанба кун сизга бир даста бинафша олиб борадиган йигит менинг ўғлим Андре эди... Буни менга қизим айтиб берди. Унинг бу болалиги, ўз завқини бунақа анойи йўл билан намоён этгани сизнинг гашингизга тегмаган бўлса керак? Ахир у сизни шу қадар яхши кўрар эди. Эҳтимол, сизни бўлмаса, хаёлида ўзи яратган ва юрагида ардоқлаб юрган образни яхши кўргандир... Хонасининг деворларига тўлдириб сизнинг сувратларингизни осиб ташлаган эди. Сизнинг сувратларингиздан биронта янги сувратингизни топиб олгунча қизи бечоранинг она сути оғзидан келарди... Политехника мактабида унинг ошналари бунақа ошиқлик устидан кулишарди. «Ҳаммасини ёзиб юбор унга» дейишарди улар.

– Афсус, у буни қилгани йўқ...

– Қилган, мадемуазель! Мен сизга бир боғлам мактуб олиб келдим. Улар ёзилган-у,

жўнатилмаган. Биз бу мактубларни унинг вафотидан кейин топдик.

Чўнтагидан бир пакет чиқариб, полковник уни Женнига тутқазди. Бир гал Женни бу мактубларни менга кўрсатган эди. Хати нозик, тез ёзилган, ўқиб бўлмайди. Ёзув математикники, лекин услуби шоирона.

– Бу мактубларни асраб қўйинг, мадемуазель. Улар сизники. Ножоисроқ таклифим учун мени афв этасиз... Ўғлимнинг хотираси учун шу ишни қилмасам бўлмайдиган кўринди. Сиз унда кўзгаган туйғуда эҳтиромга носазовор, енгил-елпи жиҳат йўқ эди... У сизни гўзаллик ва комиллик табассуми деб биларди. Сизни ишонтириб айтаманки, Андре ўзининг улуғ муҳаббатига муносиб эди.

– Нега ахир у мени кўрмоққа уриниб кўрмади? Нега менинг ўзим у билан учрашишга ҳаракат қилмадим?.. Оҳ, бунинг учун ўзимни қанчалар қойийман, қанчалар ўзимдан ижирғанаман?!

– Ўзингизни қойийверманг, мадемуазель... Сиз қаёқдан ҳам билардингиз?.. Политехника мактабини битириши биланоқ Андре уни Мадагаскарга жўнатишларини илтимос қилди. Яширмайман, унинг бундай қилганига сабаб сиз эдингиз... Ҳа, у синглисига бундай деган: «Иккидан бири: ё ҳижрон мени бу бедаво дарддан фориғ қилади ёки мен бирон-бир жасорат кўрсатаман-у унда...»

– Наҳотки, камсуқумлик, барқарорлик ва олижаноблик ҳар қандай жасоратдан яхши бўлмаса? – деди хўрсиниб Женни.

Полковникнинг кетишга отланганини кўриб, Женни талпиниб унинг қўлидан тутди.

– Менимча, мен бирон ёмон иш қилмаган бўлсам керак. Лекин шундоқ бўлса ҳам... Нима бўлганда ҳам, марҳумга нисбатан менинг зиммамда ҳам муайян бурч борга ўхшайди. У шўрлик ҳаёт лаззатларини татиб ҳам кўргани йўқ эди... Менга қаранг, полковник, ўғлингиз қаерга дафн қилинган?.. Қасамёд қиламан, токи тирик эканман, ҳар чоршанба куни унинг қабрига бир даста бинафша олиб бориб тураман...

– Шунинг учун ҳам, – деб ҳикоясини тугатди Леон Лоран, – шунинг учун ҳам бизнинг Женнини кўпчилик бағритош, ҳиссиз, ҳатто бети қалин бир аёл деб ҳисобласа-да, у ҳар чоршанба куни дўстларини тарк этади, ишини ҳам йиғиштиради ва ҳатто севган одами-ни ҳам ташлаб, Монпарнас қабристонига, ўзи танимайдиган одамнинг қабрига йўл олади... Мана энди ўзларингиз ҳам кўриб турибсизлар – бу воқеа ҳозирги замонлар учун ҳаддан ташқари чучмал кўринади.

Орага жимлик чўкди. Кейин Бертран Шмит деди:

– Романтика инсон билан ҳамиша ёнма-ён яшайди. Бироқ уни ҳамма ҳам топавермайди.

ОЛТИН ЁМБИНИНГ ҚАРҒИШИ¹

Мен Нью-Йоркдаги «Олтин илон» ресторанининг доимий мижозларидан эдим. Бу гал ресторанга киришим билан биринчи столда ўтирган кичик жуссаи чолга кўзим тушди. Унинг олдида тақсимчада қонлари силқиб турган бифштекс бор эди. Ростини айтганда, аввал диққатимни гўшт ўзига жалб қилди, чунки йилнинг бу фаслида гўшт камчилроқ бўларди. Кейин эса мен чолнинг ўзига, унинг маъюс юзига қизиқиб қолдим. Мен бир лаҳзада уни аввал ҳам учратганимни ҳис қилдим. Билмадим, Париждами ё бошқа бирор жойдами? Стол ёнига ўрнашиб ўтириб олгач, хўжайинни чақирдим. Асли Перигордан келиб қолган бу абжир ва чаққон одам кичкинагина, торгина ертўлани шинавандаларнинг севимли масканига айлантирган эди.

– Айтинг-чи, жаноб Робер, эшикнинг ўнг томонида ўтирган анави қария ким бўлди? Адашмасам, француз бўлса керак-а?

– Қайсисини айтяпсиз? Стол ортида ёлғиз ўтирган одамми? У киши жаноб Борак бўлади. Бу ерга ҳар куни келади.

– Борак? Саноатчими? Ҳа, албатта. Энди танидим. Лекин аввал мен уни бу ерда бирон марта ҳам кўрмаган эдим.

– У, одатда, ҳаммадан аввал келади. Ёлғизликни яхши кўради. – Хўжайин столим усти-

¹ Андре Моруа. Олтин ёмбининг қарғиши. Озод Шарафиддинов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 1998, № 12. 54-60-бетлар.

га эгилди-да, овозини пасайтириб қўшиб қўйди. – Унинг ўзи ҳам, хотини ҳам алланечук ғалати одамлар... Рост айтаман, жиндай довдирроқми-ей. Кўриб турибсиз, ҳозир бир ўзи нонушта қиляпти. Бугун кечқурун соат еттида келинг, унинг хотинини кўрасиз. У ҳам бир ўзи ўтириб овқатланади. Бир-бирларини кўргани кўзлари йўқ бўлса керак деб ўйлаш мумкин. Ҳақиқатда эса жуда иноқ яшашади. Улар «Дельтонико» меҳмонхонасида истиқомат қилишади. Мен уларни тушуна олмайман. Турган-битганлари жумбоқ!..

– Хўжайин! – деб чақирди югурдак бола. – Ўн бешинчи стол билан ҳисоб-китоб қилар экансиз.

Жаноб Робер кетди. Мен эса бу фароийб эр-хотин ҳақида ўйлай бошладим... Ҳа, албатта, мен у билан Парижда танишган эдим. У йилларда, яъни иккита жаҳон уруши оралиғида у тез-тез драматург Фаберни кига келиб турарди. Фабернинг унга алланечук тушуниб бўлмайдиган мойиллиги бор эди; афтидан, уларни қандайдир муштарақ ташвиши бирлаштириб турарди – уларнинг иккови ҳам сармояларини энг ишончли жойга қўйишни ўйлар ва тўплаган пулларидан ажраб қолишдан қўрқишарди. Борак... Ҳозир у саксонларга бориб қолган бўлса керак. 1923 йиллар теварагида сармояси бир неча миллионга етганини эсладим. Ўша пайтда франкнинг қадрсизланишидан бечора анча куйган эди.

– Бемаънилик! – дея хуноби чиқарди унинг. – Қирқ йил тер тўкиб меҳнат қилай-да, охирида кунларим қашшоқликда ўтсинми? Рентам билан облигацияларимнинг икки пуллик қадрни қолмади. Бу ҳам етмагандек, саноат корхоналарининг акциялари ҳам кўтарилмайд қолди. Пуллар кўз ўнгимизда кулга айланяпти. Қариганда кунимиз нима кечар экан?

– Мендан ўрнак олинг, – деб маслаҳат берди унга Фабер. – Мен жамики пулимни фунтга айлантириб қўйдим... Фунт ишонса бўладиган валюта...

Орадан уч-тўрт йил ўтгандан сўнг иккала оғайини яна учратдим. Улар саросимада эдилар. Борақ Фабернинг маслаҳатига амал қилибди. Аммо шундан кейин Пуанкаре франкнинг курсини кўтаришга муваффақ бўлибди. Фунт эса жуда тушиб кетибди. Энди эса Борақ қандай қилиб даромад солиғига чап бериш йўлини ўйламоқда эди. Ўша кезларда даромад солиғи ҳам ўса бошлаганди.

– Қип-қизил боласиз-а, – деб койиди уни Фабер. – Менинг гапимга киринг... Дунёда ҳеч нарса кор қилмайдиган биттаю битта нарса бор – олтин... 1918 йилда олтин ёмбиларини олиб қўйганингизда даромадингиз унча кўп бўлмас эди, лекин ҳеч ким сизга солиқ ҳам солмас эди. Қарабсизки, бугун бою бадавлат бўлиб тураверар эдингиз... Бор-йўфингизнинг ҳаммасини олтинга айлантиринг-да, бемалол уйқуни ураверинг.

Эр-хотин Борақлар Фабернинг гапига киришди. Улар тилла сотиб олишди, банк-

да пўлат сандиқни ижарага олишди, кейин вақти-вақти билан бу молия маъбудига бориб, хурсандликдан офизларининг таноби қочиб, олтин санамларига таъзим қилиб туришди. Кейин мен ўн йилча уларни назардан қочириб қўйдим. Кейин уларни 1937 йилда Фобур-Сент-Онореда расмлар сотадиган савдогарнинг дўконида учратдим. Борак ўзини жуда сипо тутарди, қора шоҳи рўмол ўраб олган жуссаси кичик Борак хоним эса жуда анойи ва самимий кўринарди. Борак хижолат чека-чека мендан маслаҳат сўради:

– Сиз, дўстим, ўзингиз санъат одамисиз. Нима деб ўйлайсиз, сизнингча, импрессионистларнинг нархи яна кўтарилишига умид қилса бўлармикин? Билмайман дейсизми? Анча-мунча одам шундай бўлиши мумкин деб ҳисоблаяпти. Лекин импрессионистларнинг расмлари шундоқ ҳам жуда қимматлашиб кетган-ку! Эҳ, уларнинг расмларини аср бошида олиб қўймайманми!.. Ундан ҳам кўра, қайси оқим модага киришини олдиндан билиб, уларнинг расмларини ҳозир арзон-гаров сотиб олиб қўйса, хўп зўр иш бўларди-да! Бироқ чатоқ жойи шундаки, бу ишда олдиндан ҳеч ким кафолат беролмайди. Хўб замонларга қолдик-да! Ҳатто экспертлар ҳам ожиз. Ишонасизми, азизим, мен улардан сўрадим: «Яқин ўртада қандай расмларнинг баҳоси кўтарилади?» Улар бўлса дудмалланади, дами ичига тушиб кетади. Биттаси Утриллонинг баҳоси ошади дейди. Иккинчиси Пикассони

айтади... Аммо булар кўпдан бери яхши танилиб қолган номлар-да...

– Хўш, тилларингиз нима бўлди? – деб сўрадим ундан.

– Тилларим ўзимда, ўзимда... Мен яна анча-мунча ёмби сотиб олдим... Аммо ҳукумат тиллани мусодара қилишни ўйлаяпти. Пўлат сандиқларни очиш пайдан бўлаяпти... Ўйлашга қўрқасан, киши... Биламан, сиз айтмоқчисизки, энг маъқули ҳаммасини хорижга ўтқазиб қўйиш... Бу гап-ку тўғри-я!.. Лекин қаёққа? Британия ҳукумати ҳам худди бизникидек илдизга болта урадиган хилдан... Голландия билан Швейцария уруш бўлиб қолган тақдирда жуда катта хавф остида қолишади. Фақат Қўшма Штатлар қоляпти. Бироқ Рузвельт президент бўлгандан бери доллар ҳам... Бундан ташқари кўчиб бориб ўша ерда истиқомат қилиш керак бўлади. Акс ҳолда бир кунмас бир куни сармояларимиздан узилиб қолишимиз ҳеч гап эмас...

Ўшанда унга нима деб жавоб берганим эсимда йўқ. Бу эру хотинлар гашимга тега бошлади – бутун оламга ўт кетяпти-ю, улар ўзларининг хумчаларидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдилар. Музейдан чиқиб улар билан хайрлашдим-да, хуш ахлоқли, лекин қора либосга ўралиб олган бу икки мудҳиш сиймо майда-майда эҳтиёткор қадамлар билан кетиб бораётганига анча вақт қараб қолдим. Мана, энди мен Лексингтон-авенюдаги «Олтин илон»да Борака рўпара келиб ўтирибман. Уруш бошланганда улар қаерларда

юришди экан? Қайси шамол учуриб келди уларни Нью-Йоркка? Қизиқиш тобора ортиб борарди. Борак ўрнидан қўзғалганда, мен унинг олдига бордим-да, ўзимни танитдим.

– О, бўлмаса-чи! Албатта, эсимда, – деди у. – Сизни кўрганимдан жуда хурсандман, азизим. Бизникига бир пиёла чойга кириб чиқарсиз? Йўқ демассиз? Биз «Дельтони-ко» меҳмонхонасида турамыз. Хотинимнинг боши осмонга етади... Биз бу ерда жуда сиқилиб кетганмыз. На у, на мен инглизча биламыз.

– Америкада доимий яшайпсизми?

– Бошқа иложимиз йўқ, – деб жавоб берди у. – Бизникига келинг, ҳаммасини тушунтириб бераман. Эртага соат бешларга.

Мен унинг таклифини қабул қилдим ва аниқ айтилган вақтга етиб бордим. Борак хоним ҳамон ўша 1923 йилги қора шоҳи кўйлакда, бўйнида бир шода ноёб дур. У менга жуда ҳам кайфи бузуқ кўринди.

– Шундай сиқилганманки, қўяверасиз, – деб шикоят килди у. – Биз шу икки хонага қамалиб олганмыз. Яқин-атрофда биронта таниш зот йўқ... Умримнинг охири шунақа бадарғада ўтади, деб сира ўйламаган эдим.

– Ким сизни бунга мажбур қилипти, хоним? – деб сўрадим мен. – Менга маълум бўлишича, шахсан сизнинг немислардан кўрқишингиз учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Яъни айтмоқчиманки, сиз уларнинг хуми остида яшашни хоҳламагансиз, буни биламан, албатта. Лекин ўз ихтиёрингиз билан бадарға бўлиш, тилини билмайдиган бегона юртларга келиш...

– Нима деяпсиз, немисларнинг бу ишга сира дахли йўқ, – деди у. – Биз бу ерга урушдан анча олдин келганмиз.

Унинг эри ўрнидан турди, эшикни очиб йўлакка назар ташлади, ҳеч ким бизнинг гапларимизга қулоқ солмаётганига ишонч ҳосил қилиб, эшикни қулфлади-да, ўрнига қайтиб ўтириб, шивирлаб деди:

– Мен сизга ҳаммасини гапириб бераман. Тилингиз мустаҳкам эканига ишончим комил, дўстона маслаҳат эса ҳозирги аҳволимизда бизга жуда қўл келарди. Рост, бу ерда менинг ўз адвокатим бор, лекин сиз мени яхшироқ тушунасиз... Биласизми... Эсингиздами-йўқми, билмадим, ҳокимият тепасига халқ фронти келгандан кейин биз олтинимизни француз банкида сақлашни хатарли деб ҳисобладик ва уни Қўшма Штатларга ўтказиб юборишнинг ишончли яширин йўлини топдик. Табиийки, ўзимиз ҳам бу ерга кўчиб ўтишга қарор қилдик. Ахир олтинимизни тақдир қўлига бериб, индамай қараб туролмас эдик-да... Хуллас, бу ўринда тушунтириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. 1938 йилга келиб, олтинларимизни қоғоз пулга – долларга айлантирдик. Америкада пул бошқа қадрсизланмайди деб ҳисобладик-да (бу ҳисобимиз тўғри чиқди ҳам). Бундан ташқари баъзи бир бохабар одамлар бизга маълум қилишдики, русларнинг геология соҳасидаги янги изланишлари натижасида олтиннинг баҳоси тушиб кетади... Бунини эшитгандан кейин «пулимизни қандай асрамоқ керак?»

деган масала кўндаланг бўлди. Банкда ҳисоб очмоқ керакми? Пулларни қимматли қоғозларга айлантирган маъқулми? Ё акциялар сотиб олмақ зарурми? Агар биз Американинг қимматли қоғозларини харид қилсак, даромад солиғи тўлаш керак эди. Америкада эса бу солиқ жуда баланд... Шунинг учун ҳаммасини қоғоз долларларда қолдирдик.

Мен тоқатим тоқ бўлиб, унинг гапини бўлдим:

– Бундан чиқадики, сиз элик фоизлик солиқни тўламаслик учун ўзингизга ўзингиз юз фоизлик солиқ солибсиз-да?

– Бу ерда бошқа сабаблар ҳам бор эди, – деб давом этди у янада сирлироқ оҳангда. – Биз уруш яқинлашиб келаётганини ҳис қилдик. Ҳукумат банкдаги ҳисобларни ҳаракатдан тўхтатиб, пўлат сандиқларни очадими деб қўрқдик. Бунинг устига, биз Америка гражданингига эга эмасмиз... Шунинг учун ҳам пулимизни ҳамиша ёнимизда сақлашга аҳд қилдик.

– «Ёнимиз»да деганингиз нимаси? – деб хитоб қилдим мен. – Шу ерда, меҳмонхонадами?

Икковлари ҳам бир амаллаб жилмайган бўлиб бош ирғадилар ва ўзларидан мамнун бир кайфият билан бир-бирларига қараб олишди.

– Ҳа, – деб давом этди у эшитилар-эшитилмас овозда. – Шу ерда, меҳмонхонада. Биз долларларимизни ҳам, жиндай тилламиз бор эди, уни ҳам қўшиб, катта чемоданга жойлаб қўйдик. Чемодан шу ерда, хобхонамизда...

Борак ўрнидан турди, қўшни хонага қаранган эшикни очди ва мени останага олиб бориб, ичкарида ётган қора чемоданни кўрсатди. У кўринишидан жуда оддий чемодан эди.

– Мана у, – деди Борак шивирлаб ва аста эшикни ёпди.

– Бирор одам чемодандан хабар топиб қолади деб қўрқмайсизми? Буни қаранг-а, ҳар қандай ўғрини йўлдан оздирадиган лўқма-ку бу!

– Йўқ, – деди у. – Биринчидан, чемоданни адвокатимиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Мана энди, сиз билдингиз. Сизга тўла ишонаман... Йўқ, гапимга ишонаверинг, ҳаммасини обдон ўйлаб кўрганмиз. Оддий чемодан ҳеч қачон диққатни жалб қилмайди. Унда бутун бошли хазина ётгани ҳеч кимнинг калласига келмайди. Бунинг устига, биз икковимиз бу хонани кечасию кундузи қўриқлаб чиқамиз.

– Ҳеч қачон хонани холи қолдирмайсизларми?

– Хонада биримиз бўлмасак, биримиз, албатта, бўламиз. Бизнинг тўппончамиз бор, уни чемоданнинг ёнида галадонда сақдаймиз. Ҳеч қачон хонани икковимиз баравар тарк этмаймиз. Мен сиз билан учрашган француз ресторанида нонушта қиламан. Хотиним у ерда тушлик қилади. Чемодан ҳеч қачон қаровсиз қолмайди. Тушундингизми?

– Йўқ, азизим жаноб Борак, тушунмаяпман, тушуна олмаяпман, нима учун сизлар ўз-ўзингизни мана шундай аянчли аҳволга солиб қўйдинглар? Нима учун ўзларингни

ўзларинг қамаб, азоб чекиб ётибсизлар? Солиқми?.. Жин урсин уни-ей! Ахир пулларингиз умрингизнинг охиригача бемалол етиб ортмайдами?

– Гап бунда эмас, – деб жавоб берди у. – Шунчалик машаққат билан топган пулимни бошқаларга тутқазиб қўймоқчи эмасман.

Мен гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлдим. Борақ ўқимишли одам эди, тарихни яхши биларди. Бир вақтлар у дастхатлар йиққан эди. Унга шуни эслатмоқчи бўлдим. Бироқ хотини эридан кўра кўпроқ вос-восга учраган экан – у гапни яна аввалги ўзанига қайтарди. Уни қизиқтирган бирдан-бир масала шу эди.

– Мен бир одамдан кўрқаман, – деди у шивирлаб. – Бу немис, эрталаблар хонамизга нонушта олиб келадиган меҳмонхона ходими. Баъзан у мана шу эшикка шунақа қарайдики, уни кўриб кўрқиб кетаман. Дарҳол кўнглимда шубҳа пайдо бўлади. Рост, у келганида ҳамиша икковимиз ҳам уйда бўламиз, шунинг учун хатар унчалик катта эмас, деб ўйлайман.

Уларнинг яна бир ташвиши – кучук эди. Бежирим, ўлгудай зийрак кучукча ҳар доим меҳмонхонанинг бир бурчагида ётарди. Бироқ уни кунига уч маҳал ташқарига олиб чиқиб, айлантириб келиш керак эди. Бу вазифани ҳам эру хотин навбатма-навбат бажаришарди. Мен уларниқидан ўзимда йўқ ҳолатда кетдим – вос-восга тушган бу икки одамнинг ўжарлиги ғазабимни кўзғади. Айни

чоқда, уларнинг феъл-атворида мени маҳдиё этган нимадир бор эди.

Ўшандан бери мен роппа-роса соат еттида «Олтин илон»да бўлмоқ учун ишдан вақтлироқ чиқиб кетадиган бўлдим. Ресторанга бориб, Борақ хонимнинг столига ўтирар эдим. У эридан кўра сўзамолроқ эди ва юрагидаги дардларини ҳамда режаларини бамайлихотирроқ гапириб берарди.

– Эжен ғоятда ноёб ақл эгаси, – деди у менга бир куни оқшом. – Бирор иш қилса, ҳаммиша ҳамма томонини пухта ўйлаб қилади. Бугун кечаси калласига бир ўй келипти: ҳукумат хусусий одамлар қўлида пул тўпланиб қолишига қарши кураш мақсадида уларни алмаштириш ҳақида буйруқ чиқарса нима бўлади? Унда нима қилиш керак? Биз долларларимизни кўрсатишга мажбур бўламиз-ку!

– Шунинг ҳам ташвиши борми?

– Бўлганда ҳам жуда катта ташвиши борда, – деб жавоб берди Борақ хоним. – 1943 йилда Америка ғазнаси муҳожирларнинг мол-мулкани рўйхатдан ўтқазишни эълон қилганида, биз ҳеч нарсамизни кўрсатганимиз йўқ... Энди бўлса анча жиддий кўнгилсизликларга дуч келмоғимиз турган гап... Эжен шунга қарши янги режа ўйлаб қўйибди. Жанубий Американинг баъзи бир республикаларида умуман даромад солиғи йўқ эмиш. Қанийди энди пулларимизни ўша ёққа ўтқазишга муваффақ бўлсак...

– Аммо уларни божхонада кўрсатмасдан қандай олиб ўтиш мумкин?

– Эженнинг айтишича, биз қайси мамлакатга кўчиб ўтмоқчи бўлсак, аввал шу мамлакатнинг фуқаролигини қабул қилмоғимиз керак бўларкан. Агар биз, айтайлик, Уругвай фуқароси бўлсак, унда қонунга мувофиқ пулларимизни бежавотир ўтказиб олишимиз мумкин бўлади.

Бу гоя менга шу қадар маъқул бўлдики, эртасига эрталаб нонуштага ресторанга етиб келдим. Борак мени кўриб ҳар доимгидек хурсанд бўлди.

– Марҳамат, хуш келибсиз, – деб мен билан саломлашди у. – Айни вақтида келдингиз. Мен сиздан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи эдим. Венесуэланинг фуқаролигига ўтмоқ учун қанақа ҳужжатлар зарур бўларкин, билмайсизми?

– Худо ҳаққи, билмайман-а, – дедим мен.

– Колумбия учун-чи?

– Буткул беҳабарман. Энг яхшиси, бу мамлакатларнинг элчихонасига мурожаат қилиш керак.

– Элчихонага дейсизми? Нима бало, ҳушингиз жойидами? Ҳамманинг эътиборини жалб қилайликми?

У қовурилган жўжа турган тақсимчасини ижирғаниб нари суриб қўйди-да, хўрсинди:

– Қанақа замонларга қолдик-а? Ўзингиз ўйланг, агар биз 1830 йилда туғилган бўлганимизда тинчгина, хотиржам ҳаёт кечирган бўлардик – солиқчиларнинг зулмидан ҳам холи бўлардик, бизни тунаб кетишади деган хавотир ҳам бўлмас эди. Ҳозир бўлса, қайси

бир мамлакатни олма, ҳаммаси йўлтўсар, қароқчи бўлиб кетган... Ҳатто Англия ҳам... Мен у ерга беш-олтита расм билан гобелен-гиламлиларни яшириб қўйгандим. Кейин уларни бу ерга олиб келмоқчи бўлдим. Биласизми, улар мендан нима талаб қилишди? Ўша буюмларни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун юз фоиз миқдорда бож тўлаш керак эмиш. Ахир бундан кўра ўша буюмларни мусодара қилиб қўя қолса бўлмайдими? Куппа-кундуз куни одамни талашдан ўзга нарса эмас-ку! Ҳақиқий талончилик...

Шундан кейин орадан кўп ўтмай ишларим юзасидан Калифорнияга кетишимга тўғри келди. Борақлар охир-пировардида қайси мамлакатнинг – Уругвайми, Венесуэлами ёхуд Колумбиянингми фуқаролигини қабул қилишганидан беҳабар қолдим. Бир йилдан кейин Нью-Йоркка қайтганимда «Олтин илон»нинг хўжайини жаноб Робердан уларни суриштирдим.

– Борақлар қалай юришибди? Ҳали ҳам келиб туришадими?

– Нималар деяпсиз? – деб жавоб берди у. – Наҳотки хабарингиз бўлмаса? Хотини ўтган ойда вафот қилди. Юраги ёрилди, шекилли. Ўшандан бери эрини ҳам кўрганим йўқ. Бетоб бўлиб қолдими ғамдан дейман-да...

Лекин мен Борақнинг ғойиб бўлиб қолганига сабаб бутунлай бошқа нарса деб ўйладим. Мен чолга таъзия изҳор этиб, уч-тўрт энлик мактуб ёзиб юбордим. Ундан ҳузурига боришга рухсат сўрадим. Эртаси куни у мен-

га қўнғироқ қилиб, ҳузурига таклиф қилди. Чол озиб кетибди, рангида ранг қолмабди, лаблари ҳам бутунлай гезарган. Овози зўрға чиқади.

– Бошингизга тушган кўргиликни мен кечагина эшитдим, – дедим. – Сизга бирор фойдам тегмасмикин? Бу жудолик турмушингизни жуда ҳам қийинлаштириб юборган бўлса керак?

– Йўқ, йўқ, унақа бўлмади, – деб жавоб берди у. – Мен уйдан чиқмасликка аҳд қилдим... Бошқа чорам йўқ. Чемоданни қолдиришга қўрқаман, ишонадиган бирор кимса йўқ... Шунинг учун овқатни шу ерга олиб келиб беришларини буюрдим.

– Бунақа буткул қамалиб ўтириш сизга малол келса керак?

– Йўқ, йўқ, сира малол келмайди... Ҳамма нарсага кўникиб қолар экансан... Деразадан ўтган-кетганларга, машиналарга қараб ўтираман... Кейин биласизми, бунақа тарзда турмуш кечира бошлаганимдан кейин бошимдаги хавф-хатарлардан буткул халос бўлгандай ҳис қиляпман... Авваллари нонушта қилганимда, бутун бир соат мобайнида хотиржамлик нималигини билмай қолардим: мен йўғимда бирор кор-ҳол бўлмадимикин деб ўйлардим... Албатта, уйда шўрлик хотиним қолган бўларди, лекин мен унинг тўппончани эплашини сира тасаввур қилолмасдим. Бунинг устига, юраги хаста бўлса... Энди бўлса, эшикни қия очиб қўйганман. Чемодан ҳамиша кўз ўнгимда... Бинобарин,

мен учун энг қадрли нарса ҳамиша ўзим билан. Бу эса тортаётган азобларим эвазига менга берилган мукофотдир. Фақат Фердинандга жабр бўлгани қолди, холос.

Кучук ўз исмини эшитиб яқинроқ келди ва хўжайиннинг оёғи тагига ўтириб, унга саволчан нигоҳ ташлади.

– Ана кўрдингизми, эндиликда уни ўзим айлантириб келолмайман, лекин бир югурдак болани ёллаганман. Бу ерда уларни «вевоу» деб аташади. Ҳайронман, нега ҳамма жойдаги каби жўнгина қилиб «дастёр» деб қўя қолишса бўлмасмикин? Худо ҳаққи, бу америкаликларнинг инглизча талаффузлари мени ақлдан оздиради, шекилли. Хуллас, мен дастёр ёллаганман. У жиндай ҳақ эвазига Фердинандни олиб чиқиб, айлантириб келади. Шундай қилиб десангиз, бу муаммо ҳал бўлди... Менга ёрдам беришга тайёр эканингиз учун сиздан бағоят миннатдорман, азиз дўстим, раҳмат, лекин мен ҳеч нарсага муҳтож эмасман.

– Жанубий Америкага кетиш ниятидан воз кечдингизми?

– Албатта, дўстим, албатта... Энди у ерга бориб нима қиламан? Вашингтон пул алмаштириш тўғрисида гапирмай қўйди, менинг ёшим эса...

У чиндан ҳам қариб қолган эди. Ҳозирги яшаш тарзи ҳам унга фойда қилмаётган бўлса керак. Ёноқларидаги қизиллик ўчиб, зўрға-зўрға юрадиган бўлиб қолибди.

«Уни умуман тириклар қаторига қўшиб бўлармикин?» деган хаёл ўтди кўнглимдан.

Унга ҳеч нарсада ёрдам беролмаслигимга ишонч ҳосил қилгач, мен хайр-маъзур қилдим. Мен гоҳи-гоҳида унинг олдига келиб туришга қарор қилдим, аммо бир неча кундан кейин «Нью-Йорк таймс» газетасини очиб, «Француз муҳожирининг ўлими. Чемодан тўла доллар!» деган сарлавҳага эътибор бердим. Мен хабарга кўз югуртириб чиқдим. Ҳақиқатан ҳам, гап менинг Бораким ҳақида борарди. Эрталаб унинг жасадини топишибди. У устига одеял ёпинган ҳолда қора чемодан узра чўзилиб ётган экан. У ўз ажали билан ўлибди, унинг хазинаси бус-бутун ва дахлсиз турган экан. Мен дафн кунини билмоқ учун «Дельтониго» меҳмонхонасига кирдим. Меҳмонхона ходимидан Фердинандни нима қилишганини сўрадим.

– Жаноб Боракининг кучуги нима бўлди?

– Ҳеч ким уни «мен оламан» дегани йўқ, – деб жавоб берди у. – Шунинг учун уни итхонага бериб юбордик.

– Пуллар-чи?

– Агар меросхўрлари чиқмаса, пуллар Америка ҳукуматининг мулкига айланади.

– Буни қаранг-а! Интиҳо ҳам чиройли бўлибди, – дедим мен.

Шундай деганимда, мен пулларнинг қисматини назарда тутган эдим, албатта.

ХАЙРЛИ КЕЧ, ЖОНГИНАМ...¹

– Қаёққа, Антуан? – сўради эридан Франсуаза Кеснэ.

– Почтага. Хат жўнатмоқчи эдим. Баҳонада Мауглини ҳам айлантриб келаман. Ёмфир тинди. Ментона осмонидан булутлар ариди. Ҳаво очилиб кетадиганга ўхшайди.

– Кўп қолиб кетма, тезроқ қайт. Мен кечки овқатга Сабина Ламбэр-Леклеркни эри билан айтиб қўйганман. «Эклерер»да Ниццага бир неча кунга келишганини ўқидим... Шундан кейин Сабинага хат ёзиб юбордим...

– О, Франсуаза, нега бундай қилдинг? Унинг эри юритаётган сиёсат одамларнинг нафратини қўзғаяпти. Сабинанинг ўзи бўлса...

– Кўп жаврама, Антуан... Сабинани ёқтирмайман деб ишонтиришга ҳам уринмай қўяқол... Биз сен билан танишган кезларда у сенинг қаллифинг ҳисобланармиди?

– Ҳамма гап шунда-да! Сенга уйланганим учун у мени кечириб юборган деб ўйлайман... Бунинг устига, уни кўрмаганимга ҳам ўн беш йилча бўлди. Аллақачон пишиб етилиб, ўтиб кетган бўлса ҳам ажаб эмас...

– Қанақасига етилиб ўтиб кетар экан?! У мендан атиги уч ёш катта, холос... Лекин, барибир, энди баҳслашишнинг ҳожати йўқ... Сабина эри билан кечқурун соат саккизда шу ерда бўлади.

¹ Андре Моруа. Хайрли кеч, жонгинам. Озод Шарифидинов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 1998, № 12. 60-66-бетлар.

– Мен билан маслаҳатлашсанг бўлмасмиди?.. Нега таклиф қилдинг уларни? Норози бўлишимни билардинг-ку...

– Яхши айланиб кел... – деди Франсуаза қувноқлик билан ва шоша-пиша хонадан чиқди.

Антуан ораларида жанжал қўпмаганига афсусланди. Бу хотинининг ҳар доимдаги устомонлиги эди – у ҳамиша баҳсларга чап бериб кетарди. Антиб бурунининг хиёбонларида бесўнақай ўсган қарағайлар ораларида одимлар экан, ўйларди:

«Франсуаза сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолди. Бу эру хотинлар билан учрашишга тоқатим йўқлигини у жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам у режалари тўғрисида менга ҳеч нарса демаган... Кўпинча Франсуаза қилғиликни қилиб қўйгандан кейин мени хабардор қилаяпти. Ахир Сабина Ламбэр-Лекеркни чақириб нима қиларди? Фақат мену болалардан бошқа ҳеч ким билан учрашмай, сиқилиб кетгани учун шундай қилдимикин? Шундоқ ҳам бўла қолсин. Лекин бу ерларга келишни ким хоҳлаган эди? Ким мени Понде-л Эрни тарк этишга, ишларни йиғиштиришга, қариндош-уруғлардан узоқлашиб, ўзим истамаган ҳолда истеъфога чиқишга кўндирган эди?»

Ҳар гал у ўзидан ўтган аламларни ўйлай бошласа, уларнинг рўйхати анча узун бўлиб чиқарди. Антуан хотинини яхши кўриб уланган эди. Ҳозиргача у ҳам эркак сифатида, ҳам рассом сифатида хотинига талпи-

нишдан тўхтамаган. У хотинининг бежирим бурнини, макр тўла нурли кўзларини, ҳуснда танҳо чехрасини соатлаб, кўз узмасдан томоша қилиб ўтира оларди. Аммо гоҳи-гоҳида шунақа ғашига тегар эдики... Уйга жиҳоз олишда, либос танлашда, гуллар харид қилишда Франсуазанинг диди жуда баланд эди. Аммо одамларга муносабатда унга одоб етишмай қоларди. Агар Франсуаза унинг дўстларидан бирини таҳқирлаб қўйса, Антуан қаттиқ изтироб чекар эди. Бунақа таҳқир учун у ўзининг жавобгарлигини ҳам, ночорлигини ҳам ҳис қиларди. Аввалига у хотинини таъна-дашномларга кўмиб ташларди. Бу таъна-дашномларни Франсуаза ранжиб тинглар ва уларга эътибор бермас эди. Чунки билардики, кечаси томирларида хоҳиш жўш урганда Антуан хотинининг ҳамма гуноҳини кечиб юборади. Кейинчалик хотинининг феълу атворига кўна бошлади. Ўн йил бирга ўтказилган турмушдан англадики, хотинини бошқача қилиб бўлмайди.

– Маугли, бери кел!

Антуан почта бўлимига кирди... Қайтаётганда у Франсуаза тўғрисида ўйлашда давом этди ва ўйлаган сари кайфияти тундлаша борди. Лоақал хотини унга бевафолик қилмаганмикин? У бунга ишонарди. Лекин билардики, хотини кўпинча ўзини ашаддий таннозлардай тутар ва баъзан эса одоб доирасидан ҳам чиқиб кетарди. Сабинага уйланганида бахтлироқ бўлармиди? У Пон-де-л'Эрдаги боғни эслади. Сабина билан ёшлиги-

да шу боғда учрашарди. Бутун шаҳар уларни унаштирилган деб ҳисобларди. Уларнинг ўзлари ҳам бу тўғрида ҳеч оғиз очмасалар-да, эртами-кечми турмуш қуришларига шубҳа қилишмасди.

«У жуда жўшқин табиатли қиз эди-да», – деб ўйлади Антуан рақс тушганларида Сабина пинжига қандай суқилганларини эслаб.

Сабина билан висол чоғларида Антуан дадил ҳаракат қилар, қизнинг қаршилиқ қилмаслигини ҳис қилиб, довдираб қолмас эди. Антуан юрак-юракдан унга яқин бўлмоқни хоҳларди. Кейин Франсуаза пайдо бўлди ва бутун дунёнинг аёллари унинг учун йўқдай бўлиб қолишди... Эндиликда Франсуазага бир умр боғланган. Ўн йиллик ҳаётни бирга ўтказишди. Учта фарзанд. Бўлари бўлди.

Аммо у меҳмонхонада хотинини юпқа гулдор кўйлақда, бутун вужудидан нафосат анқиб турган бир ҳолда кўрганида ғашлиги дарҳол ўтиб кетарди. Ахир улар истиқомат қиладиган уй ҳам, меҳмонлар ҳамиша қойил қолиб ҳавас қиладиган боғ ҳам Франсуазанинг меҳнати билан бунёдга келган. 1929 йил бўҳронидан бир неча йил аввал Пон-де-л Эр билан заводни тарк этишга кўндирган ҳам айни Франсуаза бўлган эди. Агар ҳаммасига адолат юзасидан баҳо берадиган бўлса, Франсуаза унга бахт келтирди.

– Мишлина билан Бако биз билан бирга овқатланишмайдимми? – деб сўради у.

Шундан унинг умиди катта эди, чунки меҳмонлар билан гап сотишиб ўтиргандан кўра, болаларнинг чуғур-чуғуридан роҳатланиб ўтиришни афзал биларди.

– Йўқ, – деб жавоб берди Франсуаза. – Менимча, меҳмонлар билан ўзимиз ўтирсак яхшироқ бўларди... Бўйинбоғингни тўғрилаб ол, Антуан.

«Яхшироқ эмиш!» – Антуан тоқат қилолмайдиган яна бир сўз шу эди. Йўқ, «яхшироқ» бўлмайди, – деб ўйлади у кўзгу олдида бўйинбоғини боғлар экан. – Сабина маҳмадоналик қила бошласа керак. Франсуаза эса тўнгатмакка ўхшаган мақтанчоқ министрға нозу карашма қилишга тушади. Антуаннинг ўзи бўлса оғзига сув солгандай миқ этмай ўтиради.

– Яхши бўлади!

У автомобиль келиб тўхтаганини, фижирлаб гилдираклар қумда гийқиллаганини эшитди. Эр-хотин Кеснэллар қоматларини ростлашди. Бир лаҳзадан кейин меҳмонлар кириб келди.

– Хайрли оқшом, жонгинам, – деб хитоб қилди Франсуаза Сабинани ўпар экан. – Хайрли оқшом, жаноб министр!

– Йўқ, жонгинам! – деди Сабина. – Менинг эримни «министр» деб атай кўрма... Мени «Сабина» деб атайсан-ку. Уни ҳам «Альфред» деб чақира қол... Хайрли оқшом, Антуан...

Оқшом илиққина, ҳаво очиқ эди. Франсуаза кофени айвонга келтиришни буюрди. Стол ортида гаплар унча қовушавермади. Аёллар зерикиб қолишди. Антуан эса ўзидан энсаси қотиб, ўжарлиги тутиб, Ламбэр-Лек-

леркка гап қайтариб ўтирди. Министр эса ундан кўра кўпроқ ахборотга эга бўлгани учун баҳсда осонгина унинг шохини қайириб ташларди.

– Сиз оптимистик кайфиятдасиз, негаки ҳокимият тепасидасиз, – деди Антуан. – Аслини олганда эса Франция фоже аҳволда...

– Ундоқ эмас, азизим. Йўқ, ундоқ эмас, – жавоб берди Ламбэр-Леклерк. – Молиявий қийинчиликлар ҳеч қачон фожиона бўлмайди. Француз бюджети олти асрдан бери ҳамиша камомадга эга!.. Ҳа, гапимга ишонаверинг! Вақти-вақти билан қишлоқ заминдорларини сиқиштириб турмоқ керак. Акс ҳолда биз нимага эга бўлардик? Ришелье давридан бошлаб бу сармояларнинг катта фоиз эвазига банкка қўйилганини тасаввур қилиб кўринг.

– Инглиз бюджети камомад нималигини билмайди, – деб ғўлдиради Антуан. – Ҳатто унда даромад қисми ҳамиша харажат қисмидан кўпроқ бўлади. Ҳар ҳолда менга шуниси маълумки, бундан инглизлар сира азият чекишмайди.

– Азиз дўстим, – деб жавоб берди Антуанга Ламбэр-Леклерк, – мен сира тушунмадим-тушунмадим-да, французлар бу икки мамлакатни таққослашга мунча ўч бўлишмаса?.. Ахир уларнинг тарихи бошқа-бошқа, расм-русумлари бир-биридан фарқ қилади, эҳтиёжлари ҳам ҳар хил... Агар Франция чиндан ҳам бир мувозанатдаги бюджетга эҳтиёж сезганида, биз буни бир зумда тўғрилар эдик. Аммо Франция мутлақо бунга ин-

тилмайди. Қолаверса, Франция шу мақсадга эришишга олиб келадиган воситаларга рози бўлишдан унчалик манфаатдор ҳам эмас. Бюджетнинг қанақа бўлиши молиявий масала эмас, сиёсий масала. Менга айтинг-чи, мамлакатни бошқараётганда сиз қайси кўпчиликка таянмоқчисиз? Шунини айтсангиз, мен бюджетингиз қанақа бўлишини айтиб бераман. Молия вазирлиги истаган бюджетингизни тайёрлаб бериши мумкин.

Аллақандай сезилар-сезилмас белгиларга, нигоҳи бирданига қаҳрли бўлиб қолганига қараб Франсуаза сизди: ҳозир бирданига эрининг газаби тутиб қолади. У суҳбатга аралашмоқни зарур билди.

– Антуан, – деди у. – Сен Сабина билан бирга монастирга бориб сайр қилиб келсанг бўлармиди? У ердан очиладиган манзарани Сабинага кўрсатасан.

– Майли, у ерга ҳаммамиз бирга бора қолайлик, – деб таклиф қилди Антуан.

– Йўқ, йўқ, – деб эътироз билдирди Сабина. – Франсуазанинг гапи тўғри... Эру хотинларни бир-биридан ажратиш керак... Шунда қизиқроқ бўлади...

У стол ортидан турди. Антуан ҳам ноилож ўрнидан туриб, Сабинага эргашишга мажбур бўлди. Турар экан, у Франсуазага зарда билан қараб қўйди, аммо Франсуаза унинг қараганига парво қилмади.

«Хавотир олганларим тўғри чиқаяпти, – деб ўйлади Антуан... – Энди камида ярим соат Сабина билан хилватда ёлғиз бўлмоғим ке-

рак. У шўрлик ўн йилдан бери кутади – нега бундай бўлганининг сабабини айтишимни истайди. Ҳозир шуни сўраб қолмаса бўлди. Наҳотки Франсуаза мана шу ўзига бино қўйган министрнинг ишқибозлигига ўлиб турган бўлса?!»

– Мунча хушбўй ҳид? – деди Сабина Ламбэр-Леклерк.

– Бу апельсин дарахти... Биз ўтирган жойнинг ҳам томи апельсин ва лимон дарахтларининг навдаларидан, глициний ва атиргуллардан тўқилган... Аммо бизнинг атиргуллари-миз ёввойилашиб қолди... Янгиларини улаш керак... Бу ёққа, Сабина, манави сўқмоққа буриламиз. Ундан пастликка тушамиз...

– Сиз ўзингиз-чи, Антуан? Бу хилватда ўзингиз ҳам ёввойилашиб қолмадингизми?

– Менми? Мен ҳамиша ёввойи бўлганман... Қоронғида бирон нарсани илғай оляпсизми? Ана қаранг, бассейннинг икки ёнида қишда гуллайдиган гуллар ўсади. Боғни режалаштираётганда сиёҳранг ёхуд гунафшаранг тўқ ранглар билан мовий ёхуд сариқ гуллар ўртасидаги зидлик асос қилиб олинган. Ҳар ҳолда Франсуазанинг нияти шунақа эди. Мана бу ёнбағирда эса у антиқа дарахтлардан қалин бутазор ўстирмоқчи эди.

– Сиз билан ҳоли қолганимиздан мамнунман, Антуан... Мен сизнинг хотинингизни жуда яхши кўраман, лекин шундоқ бўлса ҳам у билан танишмасингиздан олдин биз сиз билан қалин дўст эдик... Буни унутиб юборганингиз йўқми?

Сабинага ҳаддан зиёд яқинлаб кетмаслик учун эҳтиёт юзасидан қадамини секинлатди.

– Нега ундай дейсиз, Сабина? Унутиб бўларканми, а?.. Йўқ, сиз тўғрига юраверинг. Ҳозир кўприкча келади. Ана монастирга ҳам келиб қолдик. Плиталар орасида ўсиб ётган гулларга қаранг...

– Менинг биринчи балим эсингиздами? Мени бобонгизнинг машинасида уйимга олиб бориб қўйган эдингиз... Ота-онам ухлаб қолишган экан. Биз кичкина меҳмонхонага кирдик... Бир оғиз гап айтмасдан мени бағрингизга босдингиз. Шунда икковимиз яна рақс туша бошладик.

– Ўша оқшом сизни ўпиб ҳам олгандим, шекилли?

– Ўпиб олган эмиш... Роса бир соат эзиб ўпишгандик... Жуда ҳам зўр бўлганди.

– Мендан роса кўнглингиз қолган бўлса керак?

– Аксинча. Урушнинг бошларида жасоратингиз билан мени буткул мафтун этган эдингиз. Ўзингизни тутишингиз жуда ажойиб эди. Мен ҳамма мукофотларингизни тутилмасдан айтиб бера олардим. Улар ҳозиргача эсимда. Санаб бер десангиз, бирма-бир айтиб бераман... Кейин сиз ярадор бўлдингиз, тузалганингиздан кейин эса Франсуаза Паскал-Бушега уйландингиз. Ростини айтсам, ўшанда қаттиқ хафа бўлдим. Ахир бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди-да... Ахир мен сизни жуда яхши кўрардим-да... Мен Франсуаза билан аввалдан яхши таниш эдим, биз

Сен-Жан лицейида бирга ўқигандик. Мени кечирасиз-у, Антуан, Франсуазанинг истараси иссиқ, лекин бироз тентаксифатроқ эди. Шу қизга уйланганингизни эшитиб, ҳайрон бўлдим ва сизга ачиндим. Бир менгина эмас, бутун шаҳар ачинган эди.

– Нега энди? Биз Франсуаза билан бир табақанинг одамларимиз ва бир-биримизга тўғри келамиз... Бу томонга бир қаранг, Сабина. Ҳов анави қояни кўряпсизми? Бағрида қуёш шуълалари ўйнапти. Бу қоя – Монако... Жуда ҳам қаттиқ энгашманг, турган жойимиз денгиз устида. Эҳтиёт бўлинг, Сабина!

Антуан беихтиёр унинг белидан ушлади. Сабина эса яшин тезлигида унга ўгирилиб, лабларидан қаттиқ ўпиб олди.

– Нима бўлса бўлар, Антуан. Жуда ҳам шундай қилгим келган эди. Бир вақтлар сенга яқин бўлган одамдан ўзингни олиб қочинг қийин бўлар экан... Теннис майдончасида ўпишганларимиз эсингиздами? О, хижолат бўляпсиз, шекилли? Ҳақиқий Кеснелингизга қолибсиз-да... Ҳамиша вафодор эр бўлганингизга зарра шубҳам йўқ...

– Ҳаддан ташқари вафодорман... Бокираман десам бўлади...

– Ўн йилдан бери шунақамисиз? Шўрлик Антуан!.. Шу аҳволингиздан бахтиёрмисиз?

– Бахтим тўкис...

– Ундай бўлса, жуда ҳам яхши, азиз Антуан. Фақат бир нарсани тушунмаяпман, нега аҳволингиздан бахтсиз одамга ўхшайсиз?

– Нега бунақа деяпсиз?

– Билмадим... Шунчаки... Сизда аллақан-дай қоникмаганликни, алланечук безовталикни сезяпман. Зардангиз қайнаётганга ўхшайди... Ҳар нима деганингизда ҳам Антуан, ҳар қалай, сиз Пон-де-л Эрдан чиққан ҳақиқий Кесне эдингиз, яъни одамларга пешво бўлиб ўрганган фаол одам эдингиз. Энди эса суйган ишингизни тарк этиб, дўстларингизни олисда қолдириб, бу ерда яшаётирсиз... Биламан, сиз хотинингизнинг дидига мос бўлиш учун ҳамма нарсдан воз кечгансиз... Аммо ҳеч қачон бунга афсус чекмаётганингизни тасаввур қилиш қийин.

– Эҳтимол, бошда мен анча-мунча сиқилган бўлсам бордир... Кейинчалик ўзимга бошқа машғулот топиб олдим. Бутун умрим давомида тарихга қизиқиб ўтганман. Эндликда шу фан билан жиддий шуғуллана бошладим... Мен ҳатто бир нечта китоб ҳам ёздим. Улар бирмунча муваффақият қозонди.

– Бирмунча дейсиз-да! Сизнинг китобларингиз жуда катта муваффақият қозонган, Антуан. Улар ажойиб асарлар... Айниқса, Людовик XI ҳақидаги асарингиз...

– Сиз китобларимни ўқиганмисиз?

– «Ўқиганмисиз» деб сўрайсиз-а! Юз марта-лаб ўқигандирман. Биринчидан, мен ҳам тарихни жуда яхши кўраман. Иккинчидан эса, бу китобларда сизни изладим, Антуан! Мен ҳамон сизга тааллуқли нимаики нарса бўлса ҳаммасига қизиқаман. Мен сизни жуда яхши ёзувчи деб ҳисоблайман. Йўқ, гапимда зар-

рача муболаға йўқ... Ростини айтсам, тушлик вақтида ҳаётингизнинг бу жиҳати ҳақида Франсуаза бирор нарса деб оғиз очмагани мени ҳайрон қолдирди. Икки-уч марта эрим китобларингиз ҳақида оғиз очмоққа уриниб кўрди, лекин ҳар гал Франсуаза унинг гапини бўлиб қўяверди... Менимча, у сизнинг ижодингиз билан ҳар қанча ғурурланса арзийди.

– Э, қўйсангиз-чи! Бунинг нимасига ғурурланади? Лекин гапингизнинг бир жиҳати тўғри – Франсуаза бунақа китобларга қизиқмайди... У романларни афзал кўради... Муҳими шундаки, Франсуазанинг ўзи шоирона табиатга эга. Кийимларини нечоғлик дид билан танлаганига қаранг. Унинг барпо қилган боғи қандай ажойиб! Ҳар бир гулнинг жойини ўзи танлаган. Бўҳрон Пон-де-л Эрни ҳам исканжасига олгандан кейин бизнинг даромадларимиз камайиб кетди. Эндиликда Франсуаза ҳамма ишни ўзи қилишга мажбур бўляпти.

– Франсуаза ҳамма ишни ўзи қилади денг?! Франсуазанинг диди баланд денг! Ғаройиб жойи шундаки, бу гапларнинг ҳаммасига ўзингиз чиппа-чип ишонасиз. Жуда ҳам камтар одамсиз-да, Антуан... Мен Франсуазани қизлик чоғидан бери биламан. Унда диди ҳозиргига қараганда қиёс қилиб бўлмайдиган даражада паст эди. Ҳар ҳолда у ҳам Паскаль-Буше оиласининг бошқа аъзолари каби беэақалларга ва бошқа майда-чуйдаларга жуда ўч эди...

– Сиз адашяпсиз, Сабина... Бу либосни Франсуазанинг ўзи тиккан, унга хизматчи аёл кўмаклашиб турган, холос.

– Қўйсангиз-чи, Антуан, биз – аёлларни алдай олмайсиз. Чокларини қаранг, бурмаларининг нафислигини қаранг... Бундан ташқари, бунақа қимматбаҳо матони фақат Скьяпареллидан топиш мумкин... Лекин буларнинг унча аҳамияти ҳам йўқ.

– Ундай деманг. Бу сиз ўйлагандан муҳимроқ, Сабина! Мен сизга айтдимку – биз ҳозир маблағ масаласида анча-мунча қийналганмиз. Аввалги даромадлар қайда-ю, ҳозиргиси қайда! Пон-де-л Эрда ҳозир бир тийин наф бўлмай қолган. Бернарнинг ёзишича, бу аҳвол бир неча йил давом этиши мумкин экан... Китобларим анча тузук тарқалиб турибди. Баъзан мақолалар ҳам ёзиб тураман... Шуларнинг ҳаммасига қарамай, бечора Франсуаза энг зўр бичиқчиларга буюртма бера олмайди.

– Агар шундоқ бўлса, бу айна мўъжиза экан, Антуан! Ақл бовар қилмайди-ю, лекин ажойиб. Франсуаза қошида бош эгиб таъзим қилишдан бошқа иложим қолмайди... Сирасини айтганда, мен ҳамиша унга яхши муносабатда бўлганман. Фақат ҳеч тушуна олмайман – Франсуазани нега ёқтиришмас эканлар?

– Уни ёқтиришмайдими?

– Ёқтиришмайди эмас, уни кўргани кўзлари йўқ... Наҳотки, бундан беҳабарсиз? Мени лол қолдирган нарса шу бўлдики, бир замонлар уни Пон-де-л Эрда қандай ёмон кўришган бўлса, Ниццеда ҳам шунчалик ёмон кўришар экан.

– Нима сабабдан ёмон кўришаркан?

– О, аввал нима учун бўлса, ҳозир ҳам ўшанинг учун... Худбинлиги учун, нозу карашмалари учун, аёллар билан муомаладаги макрлари учун... Мунофиқлиги... Одоб деган нарсадан узоқлиги учун... Эсимда, мен уни ҳамиша ҳимоя қилардим. Сен-Жан лицейида бирга ўқиб юрган вақтларимиздаёқ мен шундай дердим: «Франсуаза Паскаль-Буше аслида яхши аёл. Афтидан, гапларининг сунъийлиги, овозининг дағаллиги туфайли сизлар уни ёқтирмай қолган бўлсаларинг керак...»

– Сиз унинг овозини дағал деб ҳисоблайсизми?

– Нималар деяпсиз, Антуан! Лекин ўн йил бирга туриб, сиз кўникиб қолган бўлсангиз керак-да! Айтганча, бу унинг айби эмас. Бунинг учун таъна қилмайман... Мен бошқа бир қилиғи учун уни сира кечира олмайман: сиздек одамга турмушга чиққан бўлса-да, у айни чоқда...

– Айни чоқда?.. Нима демоқчисиз бу билан?

– Йўқ, ҳеч нарса...

– Йўқ, Сабина, шамага тўла иборани бошлаб қўйиб, ярмидан узиб қўйишга ҳаққингиз йўқ... Балки сизга шу маълумотларнинг ҳаммасини айтган одамлар Франсуазанинг ўйнашлари ҳам бор дейишгандир?

– Сиз астойдил сўраяпсизми, Антуан?

– Астойдил бўлганда қандоқ. Ишонаверинг...

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, азизим, ҳар қандай келишган аёлни ғийбат қилмай қўйишмайди... Ким билсин... Баъзан ўтсиз

ҳам тутун бўлиши мумкин... Франсуаза сира орқа-олдига қараб юрмайди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, Пон-де-л Эрда турган кезларингиздаёқ оғзига кучи етмаганлар уни укангизнинг ўйнашига чиқариб қўйганди.

– Бернарнингми?

– Ҳа-да, Бернарнинг!

– Роса бемаъни гап-ку! Бернардан ҳалолроқ одам йўқ дунёда...

– Гапимга ишонаверинг, худди шуни мен ҳамманинг қулоғига тинмай қўйдим... Уни нечоғлик матонат ва бардош билан ҳимоя қилганимни Франсуаза ҳатто хаёлига ҳам келтира олмайди... Ой нурида кумушдай товланиб турган анави нарса нима?

– Уми? Зарпечак...

– Жуда чиройли-а! Гефсиман боғларидаги гулларни эслатар экан... Нима дедингиз?

– Йўқ, эслатмайди... Қайтгингиз келмадимми?

– Мунча шошилмасангиз, Антуан?.. Бу боғда сиз билан бажони дил тун бўйи қолардим...

– Этим увишиб кетяпти...

– Қўлингизни беринг... Ростдан ҳам қўлингиз муздан баттар совиб кетибди! Истасангиз, елкангизга ёпинғичимни ташлаб қўяй? Биз ахир бир-биримизнинг пинжимизга кириб, бутун умримизни ўтказишимиз мумкин эди-а! Сиз буни ўйлаб, ҳеч қачон афсус чеккан эмасмисиз, Антуан?

– Нима деб жавоб берсам экан сизга, Сабина? Ўзингиз-чи? Сиз бахтлимисиз?

– Жуда бахтиёрман... Мен ҳам худди сизга ўхшаб ноумидлигимни енгишга ҳаракат қи-

ламан... Манави сўқмоқдан кўтарилишимиз керакми? Сиздан яширадиган сирим йўқ. Анча вақтгача мен фақат тезроқ ўлишни орзу қилдим... Энди бироз енгил тортдим... Тақдирга тан бердим... Ўзингиз ҳам тақдирга тан берибсиз-ку...

– Жуда зийраксиз-а, Сабина...

– Эсингиздан чиқарманг, Антуан, бир вақтлар мен сизни яхши кўрганман... Менинг зийраклигим шундан... Қўлингизни узатинг, суяниб олай... Сўқмоқ жуда ҳам тик экан... Қани, айтинг-чи, Антуан, Франсуазанинг қанақа одам эканини сиз қачон англаб етгансиз? Қачон унинг ҳақиқий қиёфасини кўра олдингиз? Ахир уйланаётганингизда севгидан ўзингизни буткул йўқотиб қўйган эдингиз...

– Қўрқаманки, ҳозир биз сиз билан бутунлай бошқа-бошқа тилларда гаплашяпмиз, Сабина... Мени тушунишингизни жуда истар эдим... Мен ҳозир ҳам Франсуазага ҳаддан ташқари боғланиб қолганман. «Боғланиб қолганман» деганим нимаси-я! Кулгили, аянчли сўз! Франсуазани яхши кўраман. Лекин гапингизда жон бор – турмушимизнинг дастлабки икки йилида муҳаббатимиз бениҳоя зўр ва завқли бўлган эди. Мен бу муҳаббат Франсуазанинг қалбида ҳам жўш урганди деб ҳисоблашга етарли асосим бор.

– Шунақами?!

– Бу гапингизни қандай тушунай? Йўқ, Сабина, сиз жуда ҳам чегарадан чиқиб кетяпсиз... Сиз мени хотираларимдан маҳрум этолмайсиз... Ўша йилларда Франсуаза мен-

га севгисининг шунақа далилларини берганки, ҳатто сўқир одам ҳам алданиши мумкин эмасди... Биз жуда иноқ эдик... Ҳоли қолганимизда бахтимизнинг чеки бўлмасди... Ишонмайсизми? Бироқ ҳар нима деганингизда ҳам Сабина, нима деяётганимни мен биламан-ку! Ахир Франсуаза билан бирга бўлган мен эдим, сиз эмас эдингиз.

– Аммо мен уни сиздан аввал таниган эдим, қадрли дўстим... Мен сизнинг хотинингизни болалик чоғида кўрганман. Франсуаза сингиси Элен билан бирга катта бўлишган... Франсуаза ҳозиргидай кўз ўнгимда: у лицей ҳовлисида қўлида ракетка билан тик турган ҳолда Элен икковимизга мурожаат қилиб шундай деган эди: «Мен Кеснэнинг катта ўғлига турмушга чиқмоғим керак. Ҳар нима бўлганда ҳам мен бу ниятимга эришаман!»

– Бундай воқеа бўлиши мумкин эмас, Сабина! Паскаль-Бушелар оиласи анча замонлардан бери менинг оилам билан чиқишмас эди. Франсуаза мен билан таниш ҳам эмас эди. Биз у билан 1917 йилда мутлақо тасодифан тарзда учрашиб қолганмиз. Ўшанда яраларим тузалиб, энди оёққа тураётган эдим...

– Тасодифан дейсизми? Афтидан, сиз чиндан ҳам бунга ишонгансиз дейман? Ҳолбуки, Эленнинг гаплари ҳозиргача қулоғимдан кетгани йўқ. У оиласининг аҳволини гапириб берганди. Гап шундаки, урушнинг бошланиш чоғларида жаноб Паскаль-Буше синиб, хонавайрон бўлган эди. У қиморбоз эди. Айни

чоғда коллекционерлик билан шуғуланарди. Бунинг иккови ҳам кўп пул талаб қиладиган машғулот... Қизлари уни доимо «бизнинг султонимиз» деб чақиришарди. У, шубҳасиз, шу номга лойиқ эди... Флерэдаги ота-бобосидан қолган қасрни тиклаш уни узил-кесил тамом қилди. «Менга қаранглар, қизалоқларим, – деди у Франсуаза билан Эленга. – Бизнинг ўлкамизда фақат иккита хонадон бор: Тианжлар билан Кеснэллар хонадони. Агар биз ўзимизни халос этмоқ ниятида бўлсак, фақат шу хонадонлар билан қуда-анда бўлмоғимиз керак». Қизалоқлар жангга ташланиб, қўшалок ғалабага эришишди!

– Бу воқеани сизга ким гапириб берди?

– Боя айтдим-ку, опа-сингил Паскаль-Бушеларнинг ўзи гапириб берган.

– Билиб туриб, мени огоҳ қилмабсиз-да?

– Дугонамга панд беролмас эдим-ку? Бундан ташқари, бир омади чопганда, уни яккаю ягона имкониятдан маҳрум қила олмас эди. Ахир на Лувьеда, на Пон-де-л Эрда сизга ўхшаган анойи Дон Кихотни мустасно қилганда, ҳеч ким унга уйланмас эди-да... Бизнинг Нормандияда синиб миси чиққанларни ёқтиришмайди.

– Нега бундай дейсиз? Жаноб Паскаль-Буше ҳеч қачон синган эмас.

– Тўғри. Лекин қандай қилиб синмай қолишга эришган? Уруш кетаётган даврда уни ҳукумат қўллаб турган. Унинг яна битта куёви Морис де Тианж ўша пайтларда парламент депутаты эди-да... Урушдан кейин

эса... Ўзингиз мендан кўра яхшироқ биласиз-ку, охир-пировардида сизнинг бобонгиз унга ёрдам беришга мажбур бўлган... Қайнотангизнинг мўлжаллари амалга ошди... Оҳ, яна ўша муаттар ҳид анқияпти! Айвонга яқинлаб қолдик, шекилли? Бироз тўхтанг, Антуан! Бутунлай бўғилиб кетдим...

– Юқорига кўтарилаётганда гапириб келдингиз-да... Шунинг учун нафасингиз сиққан...

– Қўлингизни юрагимга қўйиб кўринг, Антуан... Гурсиллаб ураётганини сезяпсизми? Манг, дастрўмолим билан лабингизни артиб олинг... Аёллар жуда ярамас махлуқ бўлади, лаб бўёқнинг жиндай изи бўлса ҳам улар дарров сезади... Вой, нима қиляпсиз? Лабингизни ўзингизнинг рўмолчангиз билан артиб бўларканми? Рўмолчада изи қолади-ку? Ри-соладаги эр бўлмаганингизда бунақа нарсалардан аллақачон хабардор бўлардингиз-а?.. Дуруст... Энди чап елкангизни қоқиб ташланг: унда упа излари қолган бўлиши мумкин... Жуда яхши! Ана энди ҳаммага бемалол кўринаверишингиз мумкин.

Бир неча дақиқадан кейин меҳмонлар жўнаб кетишди. Аёллар бир-бирлари билан қуюқ хайрлашишди.

ҚАЙТИШ¹

Бу воқеа француз асирларини Германиядан – тутқунликдан олиб қайтаётган поездда бошланган эди. Ўн кишилик купеда ўн икки киши тиқилишган. Улар уйлари, оилаларини кўриш имкони туғилганидан ғоят ҳаяжонда. Деярли ҳаммаларининг ҳам фикру хаёлини энг аввало рафиқалари банд этган. Айримларининг кўнглида умид учқунлари чақнар, баъзилари эса хавотирланиб ўйлар эди: «Рафиқам аввалгидай вафодор ва содиқмикин? Узундан-узоқ танҳолик йўлларида қандай ўзгаришлар рўй берди экан? У билан ҳаётни давом эттириш мумкин бўлармикин?»

Бола-чақалилар ҳар ҳолда анча хотиржам. Уларнинг рафиқалари бола тарбияси билан кун ўтказгандир. Бу учрашув ўнғайсизлиги болалар қувончи туфайли енгил кўчса ажабмас...

Купенинг бир бурчагида баланд бўйли, қотмадан келган, кўзлари чақноқ, француздан кўра кўпроқ испанга ўхшаш киши ўтирар эди. Ўзини Рено Леймари деб таништирган бу одам шардейлик бўлиб, Перигорда яшарди. Тун оғушида илгарилаётган поезднинг бир маромдаги тарақа-туруқини паровоз гудоги бўлиб турар, Рено эса рўпарасидаги ҳамроҳи билан гаплашиб борарди.

– Сатурнен, уйланганмисан?

– Бўлмасам-чи! Урушдан икки йил аввал уйланганман, икки болам бор. Хотинимнинг исми Марта. Суратини кўрсатайми?

¹ Андре Моруа. Қайтиш. Француз тилидан Назира Юсупова таржимаси. <http://www.ziyouz.uz/adabiyot/jahon-nasri/andre-morua/2014-01-08-16-53-06>

Паст бўйли, юзи чандиқ, аммо қувноқ Сатурнен ички чўнтагидан титилиб кетган катмончани олиб, йиртиқ бир сураат чиқарди-да, ифтихор билан Ренога узатди...

– О, жуда чиройли экан, – деди Леймари.
– Шундоқ гўзалнинг олдига ҳеч хавотирланмасдан қайтяпсанми?

– Нега энди хавотирланай?

– Чунки хотининг жуда чиройли, шунча вақт ўзи ёлғиз қолди, атрофида эса бошқа эркаклар бор... – деди Леймари.

– Кулгимни қистатяпсан! Менинг Мартам шундайки... манман деган йигитга ҳам қарамайди. Биз шундай бахтиёр эдикки... Беш йил мобайнида менга ёзган хатларини кўрганингда борми?..

– Э-э... бу хатлар! Мен ҳам шунақа илиқ хатлардан озмунчасини олдимми! Аммо, барибир, ташвишдаман.

– Қизиқ, хотинингга ишонмайсанми?

– Ишонишга ишонаманку-я, тўғрироғи – ишонардим. Олти йил бирга яшаб, сираям сан-манга бормаганмиз.

– Хўш?..

– Э, оғайни, бу – одамнинг табиатига боғлиқ... Мен боқибеғамликка ишонмайдиган одамлар тоифасиданман. Ўз-ўзимга доимо: «Эленнинг тенги эмасман, у гўзал, жуда ақлли, одобли» деб келганман. Ростданам хотиним жуда билимдон, кўлидан келмайдиган иш йўқ. Ҳар қанақа матодан шундайин кўйлак тикадики, ҳамманинг ҳаваси келади.

Оддий кулбани жиҳозлашга киришса борми, нақ жаннат қилиб юборади... Шуларни ўйлаб туриб ўзимга-ўзим дейман: ахир юртимизда келгиндилар қанча йил изғиб юришди. Улар орасида мендан кўра истараси иссиқроқлари бўлгандир-ку... Қишлоқнинг энг гўзал аёли – Элен шулар эътиборини ўзига жалб этмадимикин?..

– Нима бўпти? Агар у сени севса...

– Шундайку-я, оғайни, беш йил ёлғизликни тасаввур қила оласанми? Элен Шардейда мусофир. Шардей менинг юртим, унинг бу ерда ҳеч кими йўқ. Шундай бўлгач, йўлдан тойиши ҳеч гап эмас-да...

– Э-э, жуда ғалати экансан-ку, эсинг жойидами ўзи? Хўп, бирор нарса юз берди ҳам дейлик. Хаётда нималар бўлмаяпти, ахир! Менга қара, агар бирор кимса: «Сенинг Мартанг...» деб оғиз очиши билан мен унга: «Оғзингни юм. Хотин меники, буни уруш дейдилар; у ёлғиз эди, энди эса тинчлик. Биз ҳаётни қайтадан бошлаймиз», – деган бўлар эдим.

– Мен сендақа эмасман-да, – деди Леймари. – Агар қайтганимдан кейин бирор нарса сезсам борми...

– Унда нима қиласан, хотинингни ўлдирасанми?! Тентак экансан-ку!

– Йўқ, унга қўлимни ҳам теккизмайман. Ҳатто бир оғиз гапирмайман. Аммо ўша заҳотиёқ ғойиб бўламан. Узоқларга кетиб қоламан, номимни ўзгартириб яшайман. Уй-жой – ҳаммасини унга қолдириб кетаман. Менга ҳеч нарса керак эмас, қўлимда ҳуна-

рим бор... Ҳаётимни тамомила ўзгартириб юбораман. Билмадим, бу балки телбалиқдир, аммо табиатим шундай. Менга бахт бутун бўлса, ёинки...

Поезд узоқ гудок чалиб, релсларни шарақлатиб вокзалга кириб келди. Икки суҳбатдош жим бўлиб қолишди.

Шардей оқсоқоли қишлоқ ўқитувчиси эди. У жуда кўнгилчан ва эҳтиёткор одам. Рено Леймари поездда қайтиб келаётганлиги ҳақида у министрликдан хабар олди-ю, ўзи бориб Эленга айтишга аҳд қилди. Оқсоқол борганида Элен боғида куймаланиб юрган эди. Бу – қишлоқнинг энг хушманзара боғларидан бўлиб, эшикнинг икки томонини атиргуллар безаб турарди.

– Леймари хоним, сизни яхши биламан, эри қайтиб келаётганидан огоҳ қилиб қўйиш лозим бўлган аёллардан эмассиз. Аммо шуни айтишим керакки, хатти-ҳаракатингиз, одобингиз билан бутун қишлоқ аҳлининг ҳурматига сазовор бўлгансиз. Ҳатто оғзига келганини аямай, ҳар қандай аёлни бадном қилдиган ғийбатчи хотин-халажлар ҳам сизни ёмонлашга сўз тополмаяптилар.

– Бирор нарса топишар, оқсоқол, – деди Элен жилмайиб.

– Мен ҳам шундай бўлар, деб ўйлаган эдим, ҳа ўйлаган эдим!.. Аммо сиз уларни ҳам ром қилиб қўйдингиз. Мен сизнинг қувончингизни ўз кўзим билан кўргани келдим. Шуниси ҳам борки, унинг келишига ҳозирлик кўришингиз керак, Леймари хоним. Турмуш

оғир, ҳаммамизнинг аҳволимиз маълум: ҳар куни дастурхон тузай олмаймиз-ку...

– Жуда яхши қилибсиз, жаноби оқсоқол. Мен Ренони шундай кутиб олайки!.. Йигирманчи августда дедингизми? Поезд соат нечаларда келаркин? Билмайсизми?

– Министрликдан хабар қилишларича, соат йигирма учда йўлга чиқади. Бу поездлар жуда имиллаб юради... Тевер вокзалида поезддан тушса, бу ергача Рено яна тўрт километр пиёда босади. Менимча, у тушда етиб келса керак.

– Мен уни кутиб олишга шундоқ ҳозирлик кўрайки, жаноби оқсоқол, шоҳона бир дастурхон тузайки... Шундоқ хушхабарни келтирганингиз учун мингдан-минг раҳмат сизга.

– Шардейда сизни ҳамма ҳурмат қилади, жонидан севади, деса ҳам бўлади. Сиз асли бу ерлик эмассиз, аммо ҳамма сизни ҳамқишлоқ деб билади.

Ниҳоят оқсоқол хайрлашиб чиқиб кетди.

Элен Леймари эри келишидан бир кун аввал бутун уйни саранжом-саришталади: полларни ярақлатиб, дераза пардаларининг эскирган ленталаригача янгилади. Кейин қишлоқ сартарошиникига бориб, сочини жингалак қилиб келди. Туни билан бошига сетка кийиб ётди. Сал-пал ухладими-йўқми, яна азонлаб туриб олди. Сўнг кийимларини бир-бир кўздан кечирди. Узоқ ёлғизлик даврида бир марта ҳам кийилмаган, ўзи севган шоҳи ич кўйлагини ажратиб қўйди. «Қайси кўйлагимни кийсамикин, бир вақтлар эрим

ёқтирган зарҳал йўлли ҳаворанг кўйлагим қалай экан?» Аммо уни кийиб кўргач, дарҳол ечиб ташлади: ўтган йиллар давомида шунчалик озиб кетганидан кўйлак ҳалпиллаб, беллари осилиб қолган эди. Йўқ, ўзи тиккан қора кўйлагини кия қолади: ёқасини бежаб, белига рангдор белбоғ тақади.

Дастурхон тузашга киришишдан аввал Элен эри ёқтирган таомларни эслашга ҳаракат қилди. 1945 йил Францияда ҳали аҳвол оғир эди. Бирини топсанг, бири йўқ... Эри эса шоколадни ёқтирарди. Шоколад топиб бўлармишми? Яхшиямки, кичкинагина шахсий хўжалиги бор. Шу туфайли товуқлар тухум бериб туради. Эри доимо: «Қуймоқни ҳеч ким сендек мазали тайёрлай олмайди» деб мақтарди. Рено яхна гўштни, қизартириб пиширилган олмани ҳам хуш кўргувчи эди. Лекин шардейлик қассоб икки кундан бери дўконни очмай қўйди... Элен ўтган куни сўйилган товугини яхшилаб қовурди. Қўшни қишлоқдаги дўкончи яширинча шоколад сотар экан, деб қўшнисидан эшитган эди, бориб келишга аҳд қилди. «Соат саккизда кетсам, тўққизгача қайтиб келаман... Кетгунимча дастурхон тузаб қўйсам, келгандан кейин фақат ошхонада банд бўламан», ўйлади Элен ва ишга киришиб кетди. У жуда хаяжонланган, шу билан бирга, беҳад шод эди. Ҳаво шунақа ҳам яхши эдики... назарида ҳеч қачон офтоб бунчалар чарақламагандек... Элен ширин хаёллар билан дастурхон тузашга тушди.

«Қизил катак оқ дастурхонни ёзаман. Тўйимиздан кейинги илк бор ёзган дастурхонимиз шу. Пушти ликопчаларнинг гуллари Ренога жуда ёқарди... Бир шиша вино ва гуллар қўяман. Ахир у столда гул бўлишини қанчалар яхши кўрарди: «Гулларни ҳаммадан ҳам чиройли дасталайсан», – дерди такрор-такрор.

Элен уч хил гул: оқ мойчечак, қизил лола, бинафшани дасталади, шинамгина безатилган хонани ўзи узоқ томоша қилди.

Ростданам ҳамма нарса жойида эди.

Не-не бахтиқароликларга дучор бўлган Рено шунча жудоликдан кейин уй-жойи ва хотинини ўша-ўшалигича кўриб қувониб кетса керак... Деразанинг бу томонидан туриб Элен катта тошойнага каради. Озгина озганини айтмаса, ўзи ҳам деярли ўзгармабди. У бахтиёрликдан гангиб қолаётганини ҳис қиларди...

«Етар! – деди ўзига-ўзи, – тезроқ бора қолай... Соат неча бўлдийкин? Вой, тўққиздан ошибди-ку! Бу ишлар ўйлаганимдан кўра кўпроқ вақтимни олибди-да. Поезд соат ўн иккиларда келади, деган эди оқсоқол. Мен ундан аввал қайтаман». Сўнг уйдан шошилинч чиқиб кетди...

Леймарилар уйи қишлоқ чеккасида бўлгани учун ҳам кўзлари чақноқ, ориқ солдатнинг боғ томон ўтганини ҳеч ким кўрмади. У чарақлаган офтобу хушбахтликдан, асаларининг ғўнғиллашидан гулларга мафтун боқиб, бир муддат мастона туриб колди. Кейин оҳистагина чақирди:

– Элен!

Ҳеч ким жавоб бермади. У яна бир неча бор: «Элен! Элен!» деб чақирди. Жавоб бўлмагач, хаёли қочиб, дераза ёнига борди: икки киши учун тузалган дастурхон, гул ва винони кўриб юраги гупиллаб уриб кетди. У бир муддат деворга суяниб қолди.

«Ё раббим! Хотиним ёлғиз эмас экан!» – ўйлади Рено.

Бир соат кейин Элен қайтиб келганида қўшнисини унга:

– Ренони кўрдим, у чошиб кетаётган экан. Шунча чақирсам ҳам қайрилиб қарамади, – деди.

– Чошиб кетаётувди, дейсизми? Қайси томонга кетаётувди?

– Тевер вокзали тарафга.

Элен аввал оқсоқолникига югурди, у ҳеч нарсадан хабарсиз эди.

– Жуда қўрқаяпман, шундай қўрқаяпманки, оқсоқол жаноблари. Унинг феъли тор, жуда рашкчи. Икки кишилик дастурхон тузалганини кўриб... Ўзини кутаётганлигини билмаган. Ҳозирнинг ўзидаёқ уни топиш керак, оқсоқол жаноблари, топиш керак! У энди бутунлай қайтиб келмаслиги мумкин. Мен уни шундай севаманки!..

Оқсоқол вокзалга велосипедчи юборди, полициячиларни огоҳлантирди, аммо Рено Леймари ғойиб бўлган эди. Элен иссиқдан сўлиган гуллар ва тузалган дастурхон ёнида туни билан туз тотмай тонг оттирди.

Орадан бир кун, бир ҳафта, бир ой ҳам ўтди. Бу бахтсиз кундан сўнг яна қанча йиллар ҳам ўтдики, эридан ҳамон дарак йўқ...

Рено ўқигач қайтиб келар, деган умидда бу ҳикояни ёздим.

ИБОДАТХОНА¹

Новелла

18... йил. Бир талаба Сен-Оноре кўчаси (ноёб буюмлар, бадий салонлар жойлашган кўча) даги санъат асарлари сотиладиган дўконнинг ойнаси олдида тўхтади. Ойна ортида буюк рассом Маненинг санъат асарлари орасида ўзига хос ўрин тутган «Шартрлар ибодатхонаси» картинаси намойишга қўйилганди. У пайтларда Маненинг ижодини фақатгина айрим санъат ихлосмандлари кузатишарди, холос. Аммо талаба санъатнинг шу қадар ишқибози эдики, бу бетакрор картина қаршисида сеҳрланиб қолди. Айнан шу картинани кўриш учун дўкон атрофида бир неча кун давомида айланиб юрди. Ниҳоят, бир кун дўконга киришга ҳамда картинанинг нархини сўрашга ўзида журъат топди.

– Очиғини айтсам, у бу ерда узоқ вақтдан буён турибди, – деди сотувчи. Уни сизга 2000 франкка бера оламан.

Талабада бунча пул йўқ эди, аммо унинг келиб чиқиши провинциянинг ўзига тўқ оилаларига бориб тақалар, Парижга жўнаш олди-дан тоғаларидан бири шундай деганди: «Мен йигитчиликни яхши тушунаман. Муҳтож бўлсанг, ҳеч тортинмасдан, тезда бу ҳақда ёзиб юбор». У сотувчидан яқин бир ҳафта ичида

¹ Андре Моруа. Ибодатхона. Француз тилидан Н.Шодиева таржимаси // «Китоб дунёси» газетаси. № 16. 2014 йил 27 август.

картинани сотиб юбормасликни илтимос қилиб, ўша куниёқ тоғасига хат жўнатди.

Бу йигит Парижда, ёши анчага бориб қолган кишига турмушга чиққан бир аёлникида ижарада яшарди. Бу хоним бироз тўпори, аммо ғоятда чиройли эди. Жўнатган хатига жавоб кутаётган йигит кунларнинг бирида кечки овқатдан кейин «Ибодатхона»нинг нархи ҳақида сўз бошлаган эди, хоним шу заҳотиёқ унинг сўзини бўлди:

– Эртага мени кўриш учун Тулондан келаётган, интернатда бирга ўқиган қадрдон дугонамни кутиб олишим керак. Эримнинг биз билан чиқишга вақти йўқ. Шундай экан, бу борада мен сизга буткул ишонаман.

Эртаси куни етиб келган хонимнинг дугонаси ўзи билан бошқа бир аёлни ҳам эргаштириб келган эди. Талаба бир неча кун давомида бу уч аёлни Париж бўйлаб сайр қилдиришга мажбур бўлди. Аёлларнинг барча кўнгилахушликлари: тансиқ таомлар, фойтунда саёҳат, спектакллар, буларнинг барчасига йигит ўз ҳамёнидан тўлади. Шу тахлит кўз очиб-юмгунча бир ой ўтиб кетди. Турган гапки, ортиқча харажатлар учун ўртоғидан қарз олишга мажбур бўлди. Сарик чақасиз қолган йигит кунларини хавотирда ўтказётган бир пайтда тоғасидан 2000 франк солинган конверт келди. Шундан сўнг анча хотиржам тортган йигит қарзларини тўлаб, пулнинг қолган қисмига эса хоним учун қимматбаҳо совға сотиб олди. Йигит шу каби арзимас юмушлар билан ўралашиб юрган бир

пайтда Парижлик йирик коллекционер «Ибодатхона»ни сотиб олди. Орадан анча йиллар ўтиб, яъни умрининг сўнгида у бутун коллекциясини, шу жумладан, «Ибодатхона»ни ҳам Луврга васият қилиб қолдирди.

Талаба йигитнинг энди ёши бир жойга бориб, машҳур ёзувчи даражасига етган бўлса-да, бироқ қалби ўша-ўша ёшлигича қолган. Унинг жозибали аёллар ҳамда гўзал картиналар рўпарасида ўзини йўқотиб қўйиш одати ҳалиям йўқолмаган. Кунларнинг бирида ўз хонасидан чиқаётиб тасодифан қўшни уйда яшовчи, беаёв вақт таъсиридан юзлари тиришган хонимни учратди. Бу ўша, бир пайтлар чиройда тенгсиз бўлган собиқ маъшуқаси эди. Йиллар унинг ташқи кўринишини таниб бўлмас даражада ўзгартирганди. Хонимнинг упу чапланавериби табиий нуруни йўқотган юзи, шишинқираган кўзлари беихтиёр киши диққатини тортарди. Оёқларидан қувват кетганидан қийналиб қадам ташларди. Ёзувчи унга салом берди, аммо аёл ўзини танимагандек тутиб, тўхташни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Ўтмишдаги ишқий муносабатлари, гарчи у бунга арзимаса-да, унга бўлган чексиз муҳаббатини эслаб, қалбининг тубида азобли оғриқ пайдо бўлди.

Шу воқеадан кейин ёзувчи тез-тез Луврга кирадиган, «Ибодатхона» намоишга қўйилган ойна олдида узоқ туриб қоладиган бўлди. Ҳар сафар картинага унсиз термиларкан, нимадир бўғзига тиқилар ва беихтиёр чуқур хўрсинарди.

ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК¹

*Оноре де Бальзак
таваллудининг 200
йиллигига²*

ГОРИО ОТА

Бальзак XIX асрнинг энг яхши романна-
висларидан биригина эмас, у бугун ҳам ро-
маннавислар ичида энг улуғидир. Бу фикр-
га деярли ҳамма қўшилади. Шубҳа йўқки,
Стендаль асарларининг услуби зўрроқ ва
уларда ярқироқ нафосат кўп, бироқ Стен-
даль ўз персонажлари ёрдамида фақат ўзи-
нинггина ички дунёсини очиб беради. Баль-
зак эса бугун бир олам яратди ва бу олам бир
вақтнинг ўзида ҳам унинг даврига, ҳам бош-
қа ҳамма даврларга тааллуқлидир. Флобер

¹ Андре Моруа. Оноре де Бальзак. Озод Шарафид-
динов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 1999, № 8.
123-130-бетлар.

² *Таржимондан:* Улуғ француз ёзувчиси Оноре де
Бальзак (1799–1850) 30-йилларда бир-бири билан
боғланган туркум романлар ярата бошлайди. «Шуанлар»
(1829), «Сағри тери» (1831), «Евгения Гранде» (1833), «Го-
рио ота» (1843) каби юзга яқин китобни ўз ичига олган
бу туркум 40-йилларда «Инсоният комедияси» деб ном
олди ва шу ном билан тарихга кирди. Уларда XIX аср-
нинг биринчи ярмидаги француз жамиятининг ҳаёти
ҳар жиҳатдан тўла-тўқис очиб берилган. Бальзакнинг бу
романлари танқидий реализм санъати асосларини барпо
этган асарлардан бири бўлди.

Француз адиби ва адабиётшуноси Андре Моруанинг
мазкур адабий портрети 1964 йилда «Лабрюйердан
Прустгача» деган портретлар китобида босилиб чиққан.

Бовари хоним, Оме, Фредерик Моро, Арну хоним, Бювар ва Пекюше каби бир қанча умрбоқий образларни берди. Бу масалада Бальзакни тилга оладиган бўлсак, уни фақат шаҳар бошқармасига қиёс қилиш мумкин, холос. Чунки у асарларида икки мингта эркак ва аёлнинг портретини тасвирлаб берди. Бальзакшунос олимлар учун буларнинг бари кундалик турмушда ўзлари рўпара келиб турадиган одамлардан кўра жонлироқдир.

Бальзак ижодининг энг муҳим хусусияти шундаки, у бизга шунчаки жуда кўп роман қолдириб кетгани йўқ, балки унинг романлари бутун бир жамиятнинг тарихидан иборат. Унинг асарларида иштирок этувчи шахслар врачлар, ҳуқуқшунослар, давлат арбоблари, савдогарлар, судхўрлар, зодагон аёллар, сатанглар бўлиб, улар жилдлардан жилдларга кўчиб юришади. Бу эса Бальзак яратган оламнинг қабарикроқ ва ишончлироқ бўлишини таъминлайди. Ҳолбуки, Бальзак ўзининг дастлабки асарларини ёза бошлаган чоғларда у ҳали бўлажак улуғвор эпопеясининг режасини ишлаб чиққани йўқ эди. Унинг 1834 йилга қадар дунё юзини кўрган «Шуанлар», «Ўттиз яшар аёл», «Сағри тери», «Евгения Гранде» каби асарларидан бундай режанинг изини ҳам тополмайсиз. Ўша пайтдаги мунаққидлар бу асарларга ҳавойи бир «ҳазилкаш»нинг ўзаро ҳеч нарса билан боғланмаган асарлари деб қарашган. Бунақа мулоҳазалар ёзувчига жуда офир ботган. Ахир унинг ўзи жуда катта ва яхлит бир эпопея

яратиш иштиёқи ва ҳатто эҳтиёжи билан ижод қилган. «Шунчаки инсон бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, – деб такрорларди у, – тизим бўлмоқ керак».

Бу тизим ҳақидаги ва китобдан китобга кўчиб юрувчи персонажлар тўғрисидаги ният Бальзакда Фенимор Купер ижоди таъсирида туғилган бўлиши ҳам мумкин. Бальзак унинг асарларидан завқланиб юрарди. Ахир у Купер таъсирида шуанларни «Сўнги могикан» романидаги ҳиндуларга ўхшатиб тасвирламоқчи бўлгани бежиз эмас. Фенимор Купер романларида донг чиқарган овчи Чарм Пайпоқ ҳамма воқеаларнинг марказида туради, уларнинг биронтаси бу овчисиз бошланмайди ва унинг иштирокисиз интиҳосига етмайди. Хуллас, Чарм Пайпоқ ҳам Купер ижодида Вотрен «Инсоний комедия»да қандай ўрин тутса, шунақа ўрин тутади. Бальзак ёзувчининг бундай усулидан лол қолганди. Бальзак унга илҳом бахш этган англосаксон ёзувчиларидан иккинчиси бўлмиш Вальтер Скотт ҳақида мулоҳаза юритар экан, ҳамиша Скоттнинг романлари ўртасида алоқа йўқ экани тўғрисида таассуф билан гапирган. Буларнинг бари Бальзакни адибнинг хаёлотини билан барпо этилган дунёнинг яхлитлигини мустаҳкамлаш ва шу йўл билан бутун ижодининг яхлитлигини таъминлаш ҳақидаги фикрга олиб келди. Адибнинг синглиси Лора Сюрвильнинг эслашича, бир куни 1833 йилда Бальзак унинг ҳузурига кириб, «Мени муборакбод қилишингиз мумкин,

мен даҳо бўлишнинг муқаррар йўлига тушиб олдим» деб хитоб қилган экан. Шундан кейин у сингисининг кўз ўнгида улугвор режасини намоён этибди: «Француз жамиятининг ўзи муаррих бўлмоғи керак эди, менга эса фақат унинг котиби бўлмоқ қолган эди, холос».

«Горио ота» 1834 йилда яратилган бўлиб, Бальзак юқоридагидай жуда муҳим қарорни қабул қилганидан кейин ёзилган биринчи романдир. Кейинчалик у ўзининг эпопеяси қаторига эпопея ҳақидаги ният туғилгандан кўра аввалроқ ёзилган асарларини ҳам киритди. Бунинг учун у асардаги баъзи бир иккинчи даражали персонажларнинг номини ўзгартирди. Масалан, «Шуанлар» кейинчалик қайта нашр қилинган ҳоллардан бирида романга барон дю Геникни (у «Беатриса» романида ҳаракат қилади) киритади, «Евгения Гранде» романига эса герцогиня де Шолье ва барон Нушнгенларни киритган. Кейинчалик улар «Инсоний комедия»нинг жуда кўп асарларида кўзга ташланади. Бироқ адиб ўзининг янги усулини «Горио ота» романининг дастлабки қоралама нусхасидаёқ қўллаган эди. Бу романда «Ўн учлар тарихи» даги дейри ҳамма персонажлар яна янгидан пайдо бўлади. Масалан, бир вақтлар Ўн учлар қаторидан ўрин олган ва «Зар кокилли ойимқиз» қиссасида асосий ролни ўйнайдиган жозибатор де Марсе «Горио ота» романида ошкора сотқинликнинг рамзи даражасига кўтарилади. Соҳибжамол, навқирон, заковатли ва ҳаётга беҳаёроқ муносабатда бўладиган

бу одам, агар таъбир жоиз бўлса, жамиятга ички томондан ҳужум қилади, айтини чоғда у ўзини жамият тартиботлари қаршисида бўйин эгаётгандай қилиб кўрсатади. Де Марсе олифта аслзода қиёфасини касб этган Байрон қароқчисидир. Бир вақтлар Бальзакнинг ўзи худди шундай рол ўйнашни хоҳлаб юрарди.

Бироқ Анри де Марсе персонаждан кўра кўпроқ рамздир. У роман саҳифаларида липилаб кўриниб қўяди, холос. «Горио ота» романини «Инсоний комедия»нинг ҳамма хусусиятларини белгиловчи асосий асарга айлантирган қаҳрамон ҳам Анри де Марсе эмас. Биз Горио тўғрисида ҳали гапирамиз, Гориодан ташқари яна иккита одам романга улуғворлик бағишлайди, уларнинг иккови ҳам Бальзакнинг йигирмата романида иштирок этади ва уларнинг икковлари ҳам муаллифнинг турли қирраларини тажассум этган: биз Вотрен деган лақабли Жак Коллен тўғрисида ва Эжени де Растиньяк ҳақида гапиряпмиз.

Вотрен – исёнкор, жамият уни бир чеккага улоқтириб ташлаган ва у жамиятга қарши уруш эълон қилган. У жамиятга қарши уруш олиб борар экан, ҳеч қанақа воситаларнинг юзига бормаиди. У одамларни икки иштиёқ – икки нафс бошқаришини аниқлаган – булар олтинга муҳаббат ва лаззат иштиёқи. Шуниси ҳам борки, буларнинг биринчиси иккинчисининг оқибати ўлароқ пайдо бўлади. Унинг фикрича, қолган туйғуларнинг ҳамма-

си риёкорликдан бошқа нарса эмас. Шу тариқа Вотрен ижтимоий битимнинг ярамаслигини фош қилади. Бу ишда унга қотиллик ҳам, ўғирлик ҳам қўл келаверади. Бу қочқин жиноятчи ўзини бошқалардан кўра ёмонроқ деб ҳисобламайди, фақат бошқаларга қараганда у довюракроқ, холос. «Унинг кимлигини суриштирсангиз, – деб ёзади Бардеш, – у бу саҳронинг даҳшатли йиртқичидир, у Париж даштининг Чарм Пайпоғидир, прериядаги ёввойилар ўз ўлжаларини нечоғлик эҳтиёткорлик билан таъқиб этсалар, улар ҳам ўз домларига тушган овни шундай овлайдилар...»

Бальзак ўз сифатларидан анча-мунчасини Вотренга берган. Ўша даврдаги ҳамма ёш йигитлар каби ёзувчи ҳали ҳам Наполеон сиймоси олдида топинишдан халос бўлган эмас. У ўз кучларини бирор ишга сарфлашни истайди. У ўзини бутун-бутун дунёларни ҳаракатга келтиришга ва улар устидан ҳукмронлик қилишга қобил деб ҳисоблайди. Аслида ҳам ўзи шундоқ: «Инсоний комедия» унинг ҳар нарсани енгишга қодир иродасининг тантанасига айланади. Бироқ у хаёлий оламини барпо этар экан, чин дунёда зафарларга эришмоқни орзу қилади, у баҳайбат чайқовчиликлар тўғрисида хаёл суради, ўз даврининг франкмасонлари – шуҳратпараст кимсаларнинг қўрқинчли ҳамжиҳатлигини қўмсайди. Ўз орзуларида Бальзак гоҳ деворантлар раҳнамоси Феррагюс бўлади, гоҳ Анри де Марсе ёки Максим де Трай бўлади.

Бу, албатта, Бальзак даҳшатли бир махлуқ бўлган деган маънони билдирмайди. Мутлақо бундай эмас. Адибнинг орзуларини ва у томонидан яратиладиган персонажларни рўёбга чиқарилган хатти-ҳаракатга тенглаштириш мумкин эмас, аксинча, бундай йўл билан у ярамас эҳтирослардан покланишга ҳаракат қилади. Бальзак ҳеч қачон Вотрен қилган ишни қилмайди, бироқ у кўнглида Вотренга нисбатан хайрихоҳлик туйғуларини ҳис қилади. Бунинг сабаби қисман шундаки, у Вотренга хос бўлган қудратга ҳавас қилади, бундан ҳам ортиқроқ даражада сабаб шундаки, у риёкорликдан кўра сурбетликни афзал кўради, аммо бош сабаб шундаки, Вотрен дўстликда садоқатли бўлишга қобил.

У жинойтчи, лекин сотқин эмас. Вотреннинг устидан чақув қиладиган мадемуазель Мишона Бальзакнинг нафратини кўзгайди, Бальзакнинг эмас, балки романнинг ҳамма ўқувчилари ҳам ундан нафратланади.

«Горио ота» романида тасвирланганига кўра, Растиньяк ўсиб келаётган персонаждир. У гўё ўзида ўсмирлик хаёлотларидан балоғатга етган одамнинг залварли тажрибасига ўтишни тажассум этади. У ҳали жуда ҳам ёш, у чекка вилоятдан Парижга яқиндагина келган ва ҳали бошдан-оёқ эзгу интилишларга тўла. Севимли онаси ва опа-сингиллари унга оилавий муносабатга ва турли-туман фазилатларга теран ҳурматни сингдиришди. Шунинг учун ҳам Вотрен ҳар нима демасин, Растиньяк биладикки, дунё ҳар қалай

узил-кесил даражада ёмон эмас. Бироқ Бальзакнинг ўзи каби ёнида ҳемири йўқ ҳолатда Реставрация давридаги Парижга тушиб қолган йигирма яшарли йигит синовларга дош беролмайди, чунки у Парижда муҳаббат ушон-шавкат бозорга солинар, йигитлар аёлларни восита қилиб, мансаб пиллапояларидан кўтарилар, жувонлар эса қариялар ёрдамида ишларини битириб олишар эди. Растиньякнинг бирдан-бир сармойеси – ёшлик ва ҳусн. Вотрен – Растиньякка бу сармойадан қандай қилиб самаралироқ фойдаланиш йўларини ўргатади. Бальзакнинг бир асаридан Вотрен ниқобини олиб ташлаб, Растиньякка унинг, яъни Вотреннинг фикрича, омад сари олиб борувчи тикка йўл деб атаса бўладиган нарсани айтганини тасвирлайди. У Растиньякка ўзини жуда яқин ҳис қилади, бироқ бу хайрихоҳлик унинг Ласьен де Любамирега бўлган хайрихоҳлигидан куфрона эмас – бу даҳшатли одам ана шу куфрона ҳирси сабабидан Люсьен де Любамиренинг хизматига кирган эди. Бальзакнинг бутун ижодида бундан кўра жозибадорроқ саҳнани топиш амри маҳол.

«Бу жойларда ўзларига қандай йўл очишлари сизга маълумми? Даҳо нури билан ёхуд пора санъати билан йўл очишади... Ҳалоллик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди... Гаров ўйнаганим бўлсин – сиз Париж бўйлаб икки қадам қўйсангиз бас, албатта, бирор муттаҳамликка рўпара келасиз».

Асл ҳаёт ана шунақа. Ўчоқ бошидан унинг ҳеч қанча афзал жойи йўқ – димоғни ёрадиган қўланса ҳидлар, бирон егулик пишираман десанг, бир зумда қўлинг кир бўлади, кейин

унинг кирини яхшилаб ювиб тозаламоғинг керак. Давримизнинг бор-йўқ ахлоқи шундан иборат. Модомики мен инсонлар жамиятига ана шундай тарзда қарамоқда эканман, менинг бунга ҳаққим бор, мен бу жамиятни биламан. Мени бу жамиятни сўкяпти деб ўйлаясизми? Ҳеч ҳам-да... У ҳамиша шундоқ бўлиб келган. Ахлоқпарастлар уни ҳеч қачон ўзгартира олмайдилар. Инсон комилликдан узоқ...»

Назарда тутмоқ керакки, Бальзак тобора ўзига инсонга қарши ашаддий нафратни сингдириб бораётгандай кўринади. Бундай дақиқаларда у гўё Вотрен сиёқига кираётгандай бўлади. Ҳолбуки, ўзининг табиатига кўра у ҳам Растиньякка ўхшаган юмшоқ одам. Эзгулик, меҳрибонлик нима эканини яхши биладиган Жорж Санд қатъият билан шундай дерди: «Бу даҳо инсон тўғрисида у даставвал меҳрибон ва мушфиқ одам бўлган эди демоқ – унинг тўғрисида мен биладиган мақтовлардан энг юксагини айтмоқдир». Бироқ худди Растиньяк каби, деярли бошқа ҳамма одамлар каби Бальзак ҳам мураккаб одам эди. Худди Растиньяк каби дўстликнинг қадрига етар, Лора де Берни ёхуд Зюльма Карро каби олиймақом қалб эгаларининг улуғлиги олдида бош эгарди. Унинг соддадиллик ва навқиронлик руҳи билан суғорилган ингилишларини намоён этиш учун «Водийлар нилуфари» ёки «Қишлоқ табиби»ни ўқиб чиқишнинг ўзи кифоя. Бироқ Бальзак муҳтожликларга тўлиб-тошган, кишини йўлидан оздирувчи эр-

маклари сероб бир тарздаги ҳаётни кечирди, бу ҳаётда у тез-тез ғазаб оташларига ҳам дуч келиб турарди. Табиийки, Бальзак ҳам худди Растиньякка ўхшаб нима қилиб бўлса-да, бунақа турмушдан халос бўлишни истаган.

Растиньяк «Горио ота» романида ҳали жуда тортинчоқ, хижолат чекаверадиган йигит сифатида кўринади. Вотреннинг гапларини тинглар экан, у даҳшатга тушади ва жирканиб кетади. Де Нусинген хонимдан пул олиш зарурияти уни таҳқирлайди. У Максим де Трайга ўхшашни истамайди. Унинг қалби Орас Бьяншонга эҳтиром туйғуларига тўла. У баайни фарзанддай Горио отанинг хизматларини қилади ва ёлғиз ўзи (мулозим Кристофни ҳисобга олмаганда) қарияни сўнгги йўлга кузатиб қўяди. Лекин шундай бўлишига қарамай, у таслим бўлади, муҳитга бўйин эгади. Биз Растиньяк билан яна қайтадан учрашганимизда, у энди барон, давлат котиби, ўз ўйнашини эрининг озми-кўпми онгли шериги («Банкир Нусингенлар хонадони»). 1845 йилга келганда эса у энди министр бўлади. У граф ва Франциянинг пэри, бир йиллик даромади уч юз минг франкдан ортиқ. Эндиликда «Мутлақ эзгулик деган нарса йўқ, фақат шароит бор» деб даъво қилади («Ўзлари беҳабар масхарабозлар», «Асридан сайланган ноиб»). Кўпинча бу персонаж учун Тьер нусха бўлиб хизмат қилган дейишади. Дарҳақиқат, Бальзак Растиньяк образини яратар экан, Тьернинг баъзи бир сифатларини олган бўлиши мумкин, лекин

ҳаммадан ортиқроқ у ўзининг сифатларини олган. Дельфима де Нусингеннинг ҳузурда ўтирган Растиньякнинг туйғуларини, бежирим тикилган либосларни биринчи бор кийиб кўз-кўз қилганда болаларча қувониб суюнишларини, унинг иззат-нафсига ёқиб тушган биринчи муваффақиятларни Бальзакнинг ўзи ҳам кўнглидан кечирган – буни у аввал маркиза де Кастри билан дон олишиб юрганларида, кейинчалик эса Ганская хоним билан яқинлик кезларида кечирган.

Энг яхши романлар – «талабалик» ҳақидаги романлардир (Вильгельм Мейстернинг талабалик йиллари», «Қизил ва қора», «Дэвид Копперфилд», «Бой берилган фурсатни излаб»). Бу романлардаги романтик кўтаринкилик кўпинча ёшларнинг орзу-умидлари билан шафқатсиз дунё ўртасидаги конфликт ёрдамида вужудга келади. Шу маънода «Бой берилган хаёллар» романларнинг номлари ичида кишини жуда ҳаяжонга соладиганидир ва гўё бу номда қолганларининг ҳаммаси тажассум этгандек туюлади. Агар «Горио ота»ни Растиньяк образига нисбатан кўздан кечирадиган бўлсак, бу роман ҳам «талабалик» ҳақидадир. Унда ёш китобхоннинг кўз ўнгида «йўлдан оздирадиган васвосларга тўла қаҳри қаттиқ дунё» манзаралари намоян бўлади. Де Боссан хоним Растиньякни зодагонлар дунёсига олиб киради. У пайтларда зодагонлар дунёсини Сен-Жермен даражасида истиқомат қилувчи аслзода хонадонлар ташкил қиларди. Десто хоним эса уни бир

оз путури кетганроқ зодагонлар дунёсига олиб киради. Бундай салонларда кейинчалик Прустнинг баъзи бир аёл қаҳрамонларини учратиш мумкин бўлади. Де Нусинген хоним Растиньякка молиячилар ва тадбиркор одамлар дунёсига олиб борувчи йўлни кўрсатади. Худди ана шундай аҳвол XX асрда ҳам кўплаб содир бўлади. Биз ҳаммамиз бунақа Растиньякларнинг биттасини эмас, кўпгинасини яхши биламиз ва унинг Дельфинаси бўлиш қисмати кимга насиб этганини осонгина билиб оламиз.

Горио ота масаласига келадиган бўлсак, у бальзакна эҳтирослар деб ҳақли равишда эътироф этилган эҳтиросларнинг асири бўлган одамларнинг энг ёрқин мисолларидан биридир. Бундай эҳтиросларнинг муқаррар тарзда ўсиб бориши уларга қул бўлган шахсларнинг тўла-тўқис емирилишига олиб келади. Буни тасвирлаш Бальзак санъатининг характерли хусусиятларидан биридир. Гап Гранденинг хасислиги тўғрисида борадими ёхуд барон Юлонинг бузуқлиги тўғрисида кетадими, Понснинг очофатлиги-ю мажруҳ майллари тўғрисидами ёхуд Анриетта де Морсофнинг муҳаббатю Горио отанинг оталарча меҳр-муҳаббати ҳақида борадими, барибир, Бальзак, албатта, бу эҳтирослар уларнинг қалбини емириб борувчи мудҳиш жароҳатдай зўрайиб боришини ва ахир-пировардида бошқа ҳамма туйғуларни муқаррар тарзда эзиб ташлашини кўрсатади. Романнинг бошидан биз танишадиган Горио ота

бир қарашда ҳали қутулиб кета оладигандай кўринади. Кекса савдогар молу мулкининг анча-мунча қисмини қизларига сарфлаб бўлган, энди у Вокс пансионида холи ва танҳо ҳаёт кечиради, лекин ҳали ғамлаб қўйгандаридан у-бу нарсалар қолган. Бальзакнинг нияти шундаки, у ўз қаҳрамонини бир ён беришдан иккинчи ён беришга, бир маҳрумиятдан иккинчи маҳрумиятга олиб ўтар экан, тўла-тўкис ҳалокат ёқасига олиб келмоқчи бўлади. Бу ният унинг ҳамма асарларида деярли ўзгармасдан қолади.

Горио ота ҳам Гранде ёки Бальтазар Клаас ўтган йўлдан боради. Унинг қизларига муҳаббати ўз-ўзича олганда жуда гўзал, бироқ у шу қадар даҳшатлики, алланечук тентакликка айланади. Ҳаддидан ошиб кетган эҳтиросларнинг ҳаммаси шунақа тақдирга эга. Улар ҳеч қандай қонунлар билан – на маънавий, на ижтимоий тартиб-қоидалар билан ҳисоблашишни истамайди. «Горио мулоҳаза юритмайди, – дейди Бальзак, – у ҳукм чиқармайди, у севади...» У Растиньякни яхши кўради, сабабки уни қизи яхши кўради. Қизининг этагини ўпаман деб ялтоқладиган Горио бизга кекса Грандени эслатади. Эсингизда бўлса керак, роҳиб зарҳалланган хочни унинг лабларига яқин олиб борганда, Гранде уни тортиб олмоқ учун даҳшатли ҳаракат қилади. Бальзак поэтикаси ана шу мудҳиш рамзларни талаб қилади. Ва ҳар қандай чинакам бальзакшунос уларни гап-сўзсиз қабул қилади.

Эҳтиросларга берилиб кетгани учун жамият ҳақида ўйлашни ҳам унутиб юборган марказий персонаж атрофига Бальзак иккинчи даражали персонажлар образларини жойлаштиради – жамият ҳаёти айна шу персонажларда тажассум топади. Негаки, ҳар қандай роман реал дунё билан мустаҳкам ришталар орқали боғланган бўлмоғи керак.

Айни «Горио ота» романида Бальзак томонидан яратилган дунё шу қадар ишончли сифатлар касб этадики, уларни ҳақиқий ҳаётдан фарқлаш қийин бўлиб қолади. Биз бу романда талаба Орас Бьяншон билан танишамиз. Кейинчалик эса «Инсоний комедия»нинг бошқа кўпгина романларида у бизга донг чиқарган доктор сифатида рўпара келади. Шу романнинг ўзида зулмат қаъридан судхўр Гобсекнинг сиймоси кўриниб қолади. Унинг нафис рангсиз лаблари хотирамизга муҳрланиб қолади. Кейинчалик «Гобсек» қиссасида Горио отанинг катта қизи Анастази де Ресто билан тенги йўқ даражада сурбет Максим де Трай ўртасидаги можаролар нима билан тугаганини билиб оламиз. Максим де Трай кўп жиҳатдан Растиньякни эслатади, лекин у Растиньякка хос бўлган жозибадан маҳрум. «Ташландиқ хотин» бизга Клара де Босеаннинг аламли тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Пок қалбли бу аёлнинг бирдан-бир айби шундаки, у муҳаббатга ҳаддан ортиқ ишониб юборган. Қизлигида Конфлан деб аталган бева Воке, Пуаре ва қари қиз Мишно масаласига келсак, бу иккинчи даража-

ли образлар шу қадар жозибадорки, уларни унутиб бўлмайди. «Инсоний комедия»даги ошпаз аёл Сильвия ёхуд хизматкор Кристоф каби ҳаракатсиз образлар ҳам биринчи марта кўринишлари биланоқ хотирангизга ўрнашиб қолади. Буларнинг ёнига яна шуни қўшимча қилингки, бу персонажларнинг ҳаммаси худди Пруст персонажлари каби учта ўлчовга эга ва улар роман давомида ўзгариб борадилар. Шуларни кўз олдига келтирсангиз, нима учун бизда ҳамиша муқаррар даражада олдинга ҳаракат қилаётган вақт таассуроти пайдо бўлишини англаб оласиз.

Бироқ ана шу тўқиб чиқарилган олам китобхонлар томонидан чин олам сифатида қабул қилинмоғи учун уларда ҳаракат қилувчи шахсларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундан ташқари декорациялар керак. Декорация бўлганда ҳам театрларникига ўхшамайдиган бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам Бальзак муфассал тасвирлар ёрдамида ўз романларини жуда пухталиқ билан тайёрлаб боради. Адабиёт ишида алифни калтақдан ажрата олмайдиган одамлар уларни ҳаддан ташқари батафсил деб ҳисоблашади. Бироқ гап шундаки, фақат ана шунақа муфассал тасвирларгина тўқнашувлар содир бўладиган шароитнинг ҳаққонийлигини вужудга келтиради. Нев-Сент-Женевьев кўчаси худди бронза қолипдай бир гуруҳ фожейи одамларни ўз ҳалқасида тутиб туради ва фақат «Қора бўёқлар ҳамда жиддий фикрлар» ёрдами билангина ўқитувчида аввал бошдан керакли

кайфият пайдо бўлади. Воке пансионининг тасвири ҳам муаллиф мақсадларига хизмат қилади: «Бу ернинг ҳидлари ўзига хос, бизнинг тилимизда уни ифодалаб берадиган сўзнинг ўзи йўқ, лекин буни пансион ҳиди деб атаса маъқул бўлар эди. Унда моғор ҳиди, бўғиқ ҳаво, чириган нарсалар сассиғи бор. Бу ҳид кишининг вужудини жунжиктириб юборади, бир лаҳзада димоғни бўғиб қўяди, кийимларингизга ўрнашиб олади, ҳозиргина нонушта қилинган ошхонанинг бўйи келади. Унда хизматкорлар хонасининг, саихонанинг, ўчоқ бошининг бадбўй ҳидлари қоришиб кетган. Деворлар ёнида елимшиқ жавонлар, анжомлар алмисоқдан қолган, чувринди, исқирти чиқиб кетган. Ҳаммаси омонат; бу ерда қашшоқлик салтанати, унда нафосат деган нарсадан нишона ҳам йўқ, бундаги қашшоқлик жуда учига чиққан қашшоқлик...» Ана шу кишини жиркантирадиган тасвир ёзувчига зарур. У бу орқали Горио ота, Растињьяк умргузаронлик қилаётган сап-сарик, хунук ва исқирт уй билан де Нусинген хоним билан де Ресто хоним истиқомат қиладиган қасрлар ўртасидаги фарқни кўрсатмоқчи. Бу қасрлар гулларга тўла, уларнинг меҳмонхоналари зарҳалланган, хобхоналарида эса худди иссиқхоналардаги гуллардек де Нусинген хоним ва де Ресто хоним яшнаб яйрайди.

Романнинг охири ҳақли равишда машҳур бўлиб кетди. Биз бу ерда Пер-Лашез қабристонинида гўрковлар Горио отанинг қабрига

белкуракда тупроқ ташлаб бўлиб, кетишганидан сўнг Растиньяк ёлғиз ўзи қолганини кўрамиз. «Йигит Сенанинг қинғир-қийшиқ соҳили бўйлаб ястаниб ётган, баъзи бир уйларида милтираб чироқ кўрина бошлаган Парижга нигоҳ ташлайди. Унинг кўзлари Вандом устунлари билан Майиблар уйининг гумбази оралигидаги жойга қадалиб қолади. Бу ерда Парижнинг олий табақа тоифалари истиқомат қилади. Эжен бутун борлиги билан ана шу олий тоифалар дунёсига интилади. Эжен ари уясидай ғувиллаб ётган бу масканни нигоҳидан ўтказар экан, худди ҳозир асал ялаб кўрадигандай тамшаниб, мутакаб-бирлик билан дейди:

– Қани энди кўрамиз, ким енгиб чиқаркин – менми ёки сенми? – Шундай деб жамиятга чорловини жўнатгач, у бошланишига тушлик қилгани Дельфина Нусингеннинг ҳузурига йўл олди».

Ҳалқа ёпилди, коррупция жараёни хотималанди, сўнгги томчи кўз ёши оқиб бўлди. Растиньяк, у билан бирга Бальзакнинг ўзи ва Бальзак билан бирга китобхон ҳам Парижни фатҳ этишга отланишга тайёр. Ҳеч ким ҳеч нарсани қораламайди. Дунё қандай бўлса, шундай. Бальзак эса, Олен қайд этганидек, ўзига хос яхши ниятларга эга. У қораламайди, у бундан юқори туради. Дунёни қайта қуриш унинг иши эмас, у дунёни тасвирлайди, холос.

Табиатшунос олим турли-туман биологик турлар ўртасидаги ўзаро алоқани тадқиқ қи-

лар экан, мана шундай иқлим шароитида ҳайвонлар дунёси билан ўсимликлар дунёси ўртасида муайян мувозанат майдонга келади деб таъкидлайди ва бу мувозанатни ўз-ўзича яхши деб ҳам, ёмон деб ҳам ҳисоблаш мумкин эмас, унинг тўғрисида фақат у мавжуддир дейиш мумкин холос, дея хулоса чиқаради. Худди шунга ўхшаш одамлар жамиятини ўрганувчи ёзувчи ҳам бу жамият ўз таркибида муайян миқдорда олий табақа вакиллари, амалдорлар, врачлар, деҳқонлар, текинхўрлар, олифталар, судхўрлар, бадарға қилинганлар, қозилар, зодагон аёллар, меҳмонхона бекалари ва оқсочлар мавжуд бўлгани туфайлигина яшайди ҳамда амал қилади деб қайд қилади. Жамият шаклини ўзгартириш – лекин бундан инсонларнинг турлари ҳеч қанча ўзгариб қолмайди. Горио отанинг қизлари мутлақо даҳшатли махлуқлар эмас, балки шунчаки қизлар ва рафиқалардир.

«Уларнинг иши кўп, улар кўп ухлашади. Улар келишмайди... Болаларнинг нима эканини фақат ўлаётганингиздагина биласиз, – дейди Горио ота. – Эҳ, дўстим-ей, уйланманг. Бола-чақа қилманг! Сиз уларга ҳаётингизни бахшида этасиз, улар сизга ўлим олиб келишади... Агар мен бадавлат одам бўлганимда, давлатимни уларга бермай, ўзимда сақлаб қолганимда, ҳозир улар шу ерда бўлган бўлишар эди, уларнинг бўсасидан икки бетим лов-лов ёнаётган бўларди. Ота, албатта, бадавлат бўлмоғи керак, у фарзандларининг жиловидан қаттиқ ушлаб турмоғи керак –

чарс отларни ушлашгандек... Дунё ана шунақа ёмон қурилган».

Ҳа, дунё ёмон қурилган. Қизлари ташлаб кетган, ўзининг қизлари томонидан ҳалок этилган ота қийналиб, минг азобда жон бераётганининг тепасида турган ёш Растиньяк юраги така-пука бўлиб бу даҳшатли манзарани кузатади. «Сенга нима бўлди? – деб сўрайди ундан Бьянсон. – Ўлгудай рангинг ўчиб кетибди-ку?» Растиньяк жавоб беради: «Ҳозир мен шунақа оҳу-зорларни, қалб фарёдини эшитдимки, қўяверасан! Бироқ худо бор-ку, ахир! Ҳа, ҳа, худо бор. У бизнинг дунёмизни яхшироқ қилади. Акс ҳолда биз яшайдиган замин бемаъни бир нарса бўлиб қолаверади». Бу сўзлар шундан далолат берадики, дунёнинг бемаъни қурилгани ҳақидаги фикр янги фикр эмас ва Бальзак унинг тўғрисида ўйлаб юрган. Бироқ фақат ўйлаб юрган эмас, балки уни рад этган ҳам. Бальзак дунёни яхши кўради, ундаги бор нарсаларнинг ҳаммасини, ҳаттоки даҳшатли махлуқларгача яхши кўради. Шунинг учун ҳам Ален Бальзакни Стендальга қараганда чинакам меҳру шафқатга яқинроқ туради деб ҳисоблаган, чунки у «ўз қавмининг тавба-тазаррусини ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик билан қабул қиладиган роҳибдай лоқайдликка эга». Чиндан ҳам, Бальзак ўз қаҳрамонларининг гуноҳларини фавқулодда осонлик билан кечиб юбораверади. Вотреннинг ўз ҳимояси учун сўзлаган нутқини эшитган бирон кимсада Вотренни

яратган адиб унинг гуноҳларини кечиришга тайёр эканига шубҳа қилмайди. Ёзувчи де Нусинген хонимнинг отаси дафн этилиши биланоқ Растиньякни унинг ҳузурига тушлик қилишга жўнатар экан, бунда ҳам ўзига хос тарзда гуноҳлардан кечишга интилишни ёки жилла бўлмаса, улар билан муросаи мадора қилишга интилишни кўриш мумкин.

Тез-тез санъатдаги дурдона асарнинг табиати ҳақида баҳслар бўлиб туради. Агар адашмасам, Поль Валери чинакам дурдона асарни қуйидаги шак-шубҳасиз белги орқали билиб олиш мумкин деган: Бундай асарда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Чинакам дурдона асар жуда пухта қурилган бўлади, унда ҳаракат тўхтовсиз ривожланиб туради, унинг ҳамма нарсаси, ҳатто зиддиятлари ҳам лол қолдирадиган бир яхлитлик билан суғорилган бўлади, унда ип ташлаган жойлар йўқ, бўштоб ўринлар бўлмайди, у мукамал шаклга эга бўлади. «Бовари хоним» – дурдона асарнинг олий намунасидир. Бу асарда на нотекикликлар, на кемтиклар бор. Бальзакнинг «Горио ота», «Бетта» ва ҳатто «Евгения Гранде» каби романлари ҳам ана шундай дурдона асарлар сирасидан. Нозик дидли китобхон бошқа навдаги китоблардан ҳам лаззатланиши мумкин. У «Ўттиз яшар аёл» ёхуд «Сатангларнинг шавкати-ю қашшоқлиги» каби баркамолликда пастроқ турадиган романлардан ҳам ўз ақли учун озуқа топиши мумкин... Бироқ биронта романи «Горио ота»дан кўра «тўкисроқ» асар деб атаб

бўлмайди. Агар буларнинг барига мазкур китоб бошқа бирон адабиётда учрамайдиган жуда баҳайбат эпопеяни бошлаб беришини қўшсак, бу китобда «Инсоний комедия»даги энг муҳим иштирок этувчи шахслар қатнашишини назарда тутсак, Франсуа Мориакнинг ибораси билан айтганда, бу марказий майдондан «ҳар томонга йўллар таралиб кетишини, Бальзак ўзининг инсонлардан таркиб топган қалин ўрмонида не машаққатлар билан бу йўлларни очганини», бу романда юзлаб драмаларнинг тугуни тугилишини, кейинчалик эса уларнинг ҳар қайсиси янги бир дурдона учун мавзу бўлишини эътиборга олсак, Бальзак ижодида энг муҳим ўрин эгаллайдиган асар сифатида «Горио ота»ни танлаб олганимиз нафақат зарурият экани, балки муқаррар тарзда шундай қилиниши кераклиги ҳам аён.

ЦЕЗАРЬ БИРОТО¹

I

Бальзакнинг Ганская хонимга мактубидан: «Ҳозир мен «Цезарь Бирото» деган жуда катта асар устида ишламоқдаман. Унинг қаҳрамони сиз танийдиган Биротонинг укаси. У ҳам акасига ўхшаган қурбон, лекин у Париж цивилизациясининг қурбони, акаси эса («Тур роҳиби») фақат битта одамнинг қурбони бўлган эди. Парижлик Бирото – «Қишлоқ врачидай гап, фақат бунда воқеа Парижда содир бўлади. У – соддадил Суқрот – зулмат қўйнида ўз заҳарини томчима-томчи ичади. У топталган фаришта, хўрланган ҳалол одам. Жуда ажиб бир манзара ҳосил бўлади-да! Бу асар ҳозирга қадар ёзганларим орасида энг кўламли, энг муҳим асар бўлади. Агар сиз мени унутиб юборсангиз, менинг исмим жамики шону шавкати билан сизга таънаю дашном каби етиб боришини истайман...»

«Жуда катта асар». Бу роман Бальзакни шунинг учун тўлқинлантирган эдики, асар ўз ҳаёти билан боғлиқ эди. Албатта, Цезарь Бирото – мутлақо Бальзакнинг автопортрети эмас. Ижодкорнинг даҳолиги унинг фарзандига ўтган эмас. Аммо Цезарни қийнаган ташвишлар Онорега яхши таниш эди. Ўз вақтида Бальзакнинг ўзига ҳам даромаду

¹ Андре Моруа. Оноре де Бальзак. Озод Шарафидинов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 1999, № 8. 130-135-бетлар.

буромадларини кечасию кундузи синчиклаб ҳисоблаб туришга тўғри келган эди. Рост, у синиш даражасига етиб боргани йўқ, бироқ унга етиб боришига икки қадамгина қолган эди. Шунинг учун ҳам бу умрининг охиригача коммерция қонунчилигидан юрак олдириб қолди ва қалбида унга қарши оташин бир нафрат билан яшади. Бальзакнинг ўзи судхўрлик билан, номуссиз банкирлар билан, қаҳри қаттиқ савдогарлар билан танишишга мажбур бўлган эди. Бундайлар бугун оқшом сиз билан зиёфатда бирга ўтиради-да, эртасига қарзини қистаб қоғоз юборади. Унинг романлари ичида камдан-камида адибнинг шахсий тажрибаси асар воқеасига шунчалик мос келади. Худди Биротога ўхшаб у ҳам Кассини ва Батай кўчасида кармони кўтармайдиган ҳашаматли уй-жойлар харид қилган эди.

Бироқ энг муҳими шундаки, худди Бирото каби Бальзак ҳам коммерция ишларида романтик бўлган эди, яъни унинг фантазияси ҳамиша реал имкониятларни орқада қолдириб кетарди. Гарчи Бальзакнинг ўзи ҳеч қачон «комеген» ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлмаса-да, унинг тадбиркорлик бобидаги хатти-ҳаракатлари жуда бемаъни бўлган эди. Яна шуниси борки, Бирото – Кихотни ҳамиша оқила рафиқаси Констанс тийиб турган бўлса, Бальзакнинг ёнида ҳам аёл – Санчоси бор эди. Бу жозибадор ва оқила Зюльма Карро эди. Бирото Мадлен черкови яқинида ер сотиб олади. Бальзак эса Сар-

димиядаги кумуш конеоро ва Виль-д-Авредаги ер участкалари билан боғлиқ ишларда иштирок этади. Аммо Бирото билан Бальзак ўртасидаги энг катта тафовут шундаки, Бирото ўз хатолари устидан кўтарилолмади, Бальзак эса уларни роман учун материалга айлантириб, хатоларини енгиб ўтади.

Цезарь Биротонинг акаси («Тур роҳибининг қаҳрамони) тўғрисида Бальзак шундай дейди: «...Шўрлик ўз хатти-ҳаракатларини аниқ-равшан англаб етмас эди. Бу хусусият ўзларини шу дақиқада қандай бўлсалар шундай кўра биладиган ва ўзлари ҳақида гўё четдан туриб мулоҳаза юритишга қобил бўлган улуғ одамларга ва муттаҳамларгагина хосдир». Бальзакнинг ўзи хатти-ҳаракатларини аниқ-равшан тушуниш қобилиятига эга эди ва у ўзи тўғрисида гўё бир четдан туриб мулоҳаза юрита оларди. Андре Бийи жуда ҳам зийраклик билан Бальзак нафақат Биротога, балки бенаво дю Тийега ҳам ўз характерининг белгиларини берган деб қайд қилади. Дю Тийе истиқомат қиладиган жойнинг фаройиб анжомлари Бальзакнинг ўз уйдаги аҳволни эслатади. Худди дю Тийе Роген хонимдан пул олганидай, Бальзакнинг ўзи ҳам де Берни хонимдан мўмайгина пул олган. Эътироф этиш керакки, дю Тийега ўхшаш қаллоб ва ярамас одамни ўз диди ва сифатлари билан эъзозлаш анча-мунча галати бир ҳодисадир. «Моҳиятан, у Грандедан қандай завқланса, дю Тийеран ҳам шундай завқланар эди». Биз худди шунга ўхшаган

ҳодисага Прустда ҳам дуч келамиз. Пруст ўзида ошкор этган ва ўзи нафратланадиган белгиларни Блохга юклайди.

Катта ёзувчи қалбнинг ҳамма ҳолатларини тасвирлай олади. Лекин шундоқ бўлса-да, баъзи бир соҳалар унга яқинроқдир. Унинг табиатида анча-мунча ҳисчан, анча-мунча заиф жойлари ҳам бўлади. Агар у шу жойларга қўл теккизса, агар у чуқур дардларни ҳис этса, унинг қалами остидан чиққан саҳифалар китобхонни жуда ҳаяжонга солади. «Цезарь Бирото»ни яратар экан, Бальзак ёшлигидаги габли ҳодисаларни қайтадан бошидан кечиради. Бу эса китобга шу пайтгача кўрилмаган жуда зўр таъсир кучини бағишлайди. XIX аср француз романининг хатоларидан бири шунда эдики, муаллифлар кўтаринкиликни фақат муҳаббат тасвирларидан излар эдилар. Муҳаббат мавзуининг ҳамма нарсадан устун келиб ҳукмронлик қилиши ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ келмаслигини Бальзак кўра олди. Муҳаббат билан бир қаторда такаббурлик, шуҳратпарастлик, хасислик, очкўзлик каби ҳирслар романининг асоси бўла олади. «Ҳаёт шундай бир ускунадирки, уни пул ҳаракатга келтиради», – дейди Гобсек. Романтик кўтаринкилик қаҳрамон ўзи учун яратган аъмол билан кундалик ҳаётнинг шафқатсиз воқелиги ўртасидаги конфликтдир. Ошиқ-маъшуқлар романининг қаҳрамони бўлишга қанчалик ҳақли бўлсалар, корчалонлар, руҳонийлар, хасислар ҳам романининг асосий иштирокчилари бўлиш-

га шунчалик ҳақлидирлар. «Истаган корча-лоннинг синиши «Кларисса Гарлоу»га муно-сиб ўн тўрт жилд роман учун материал бера олади». «Цезарь Бирото» романида муҳаббат анча сояда қолиб кетган, бунинг устига уни романтик деб аташдан кўра ҳаракатсиз, қо-тиб қолган деб атаса тўғрироқ бўлади, лекин шунга қарамай, бу китоб «Инсоният комедия-си»нинг энг гўзал ва энг таъсирчан асарлари-дан биридир.

2

«Цезарь Бирото» («Бетта», «Горио ота», «Са-тангларнинг шавкати-ю қашшоқлиги» каби асарлар билан бирга) шундай асарлар сира-сига кирадики, унинг ёрдамида Бальзакнинг ёзувчилик техникасини жуда яхши ўрганиш мумкин. Бу романнинг тўла номи «Цезарь Биротонинг парвози ва қулаши тарихи» деб аталади. Инсон тақдиридаги кўтарилишлар ва ҳалокатлар ҳамиша Бальзакнинг эътибо-рини ўзига жалб қилиб келган. Ўз қаҳрамо-нининг ҳамма истакларини бажо келтириб, уни фаровонлик чўққиларига чиқариб қўй-моқ, сўнгра эса тубсиз жаҳаннам қаърига тушиб қолмагунча уни аста-секин пастга ту-шира бориш Бальзакка жуда ёқар эди. Худ-ди барон Юло каби Бирото ҳам китобнинг бошида бизнинг кўз ўнгимизда шону шуҳрат осмонида парвоз қилиб юрган ҳолда намоён бўлади. Тантанали зиёфат, Фахрий Легион ордени, янги савдо фирмаси – унинг кўта-

рилиш йўлидаги энг юксак нуқталар ана шулар. Бироқ шуниси ҳам маълумки, юксакларда бизни шайтон пойлаб турган бўлади. Шунинг учун Бальзак шўрлик қаҳрамонни жар ёқасида ушлаб турган таянч устунларини шафқатсизлик билан бирин-кетин суғуриб ташлайди. Корчалонлик фотиҳлари учун худди қадимги Рим фотиҳлари учун бўлгани каби Тарпей қояси бор. У Капитолийнинг шундоққина ёнида жойлашган. Кунпаякун бўлиб йиқилишлар Бальзакни ўзига тортади.

У қаҳрамоннинг омадди даврларидаёқ бунақа инқирозларни тайёрлаб қўяди. Қаҳрамон чўққига чиқиб олиб, ўзининг бойлиги-ю муваффақиятларидан лаззатланаётган бир пайтда Бальзак унинг йўлига оёқ остидан сирғалиб тушиб кетувчи тошлар, бир қарашда пайқаб бўлмайдиган чоҳлар, кўчкилар қўйиб қўяди. Шўрлик Биротонинг теварагига у қароқчилар писиб ётган пистирмаларни жойлаштиради. Романныависнинг ихтиёрида бағритош каллакесарлар тайёр туради. «Инсоният комедияси»нинг улардан бохабар китобхонлари бу каллакесарларнинг номи эшитибоқ титроққа тушишади. Цезарь Бирото уларнинг ҳаммасига рўпара келмоғи керак, булар – Пальма, Жигонне, Вербруст, Гобсек каби судхўрлар; Нусинген, Келлер каби йирик банкирлар; сохта қиёфали кимсалар (буларнинг характерли вакили – Клапарон); Декуэн хонимни («Бўйдоқнинг ҳаёти» романида) ҳам, Евгениянинг амакиси Гийон Грандени ҳам хонавайрон қилган номуссиз Рогенлардир.

Аммо ҳар қандай машина каби пул ишлаб чиқадиган ускуна ҳам жонсиз, ҳар нарсага бекфарқдир. Фақат кимнингдир пишибетишган нафрати уни бирор кимсага қарши йўналтирса, у инсон душманга айланади. Ака-ука Биротолар (Цезарь ва «Тур роҳиби»-нинг қаҳрамони Франсуа) кўз илғамас душманлар томонидан пухта ўйланиб, синчиклаб ишлаб чиқилган ҳалокатли режалар оқиба-тида мажақлаб ташландилар. Қаҳрамоннинг шундай душмани унинг собиқ гумаштаси Фердинанд дю Тийе эди. Цезарь унинг ўғри-лигини фош қилади-ю, кейин кечиради, би-роқ де Тийе Биротонинг саховатпешалигини сира кечира олмайди. У жуда хавфли душ-ман, чунки ақлли, абжир, кўнгли қора ва мутлақо виждон деган нарсадан маҳрум. Дю Тийе Нусинген билан бирга Филипп Бридо-ни тубдан хароб қилади («Операнинг артист-каси» Карабина дю Тийенинг ўйнаши бўлиб олади, унинг хотини Мари Эжени де Гран-виль эса унга Сен Жерман салонлари сари йўл очиб беради).

Шу тариқа ношуд бир парфюмер ҳақида-ги роман жамики Бальзак дунёси билан мус-таҳкам иплар орқали боғланган. Прустнинг «Бой берилган вақтни излаб» туркум роман-ларида герцог Германт ҳузуридаги эрталабки қабуллар қандай роль ўйнаса, «Инсоният ко-медияси»да Цезарнинг зиёфати ҳам шунақа роль ўйнайди: бу одам кўп иштирок этади-ган усуллардан бири бўлиб, унинг ёрдамида ижодкор адиб ўз қўли билан яратган одам-

ларнинг ҳаммасини қонуний ифтихор туйғуси билан меҳмонхонага олиб киради.

Бальзак Биротонинг уйига оқсуяклар вакилларидан анча-мунчасини тўплаш имконига эга бўлмади. Аммо оқсуяклар романда «Атиргуллар қироличаси» дўконининг мижозлари сифатида иштирок этишади. «Ё тавба, Цезарь! – дея ёлборади Констанс. – Фақат сенга мол бериб турадиган савдогар тарзида билган одамларингга таклифнома юборма, ахир... Ёки сен бир йўла иккала Ванденесни ҳам, де Марсе, де Ронкеролни ҳам, д'Эглемонни ҳам, қўй-чи, бир сўз билан айтганда, харидорларнинг ҳаммасини таклиф қилмоқни ўйлаяпсанми? Эсингни еб қўйибсан, иззат-икромлар бошингни айлантириб қўйипти». Шундай бўлса-да, Феликс де Ванденес қирол Людовик XVIII нинг шахсий котиби сифатида суд томонидан оқланиб, ҳамма ҳуқуқлари тиклаб берилган Цезарь Биротони қирол номидан табриклагани келади.

Гап шундаки, бу роман «Инсоният комедияси»дагина эмас, балки айтиш мумкинки, бутун Франция тарихида мустаҳкам ўрин тутади. Бу роман Реставрация тўғрисидаги асардир. Инқилоб йилларида Цезарь Бирото қисман феъл-атворининг хусусиятига кўра, қисман тасодифнинг кучи билан роялист бўлиб қолади. Цезарнинг биринчи хўжайини жаноб Рагон ашаддий роялист эди, шунинг учун унинг «Атиргуллар қироличаси» деган дўкони чинакамига фитнанинг уясига ай-

ланади. Бу ерга «Жорж де ла Биллардиер, Монторан, Бован, Лонги, Манда, Бернье, дю Геник ва Фонтонга ўхшаган» одамлар серқатнов бўлиб қолишади. Биз дю Геникни Герандда учратганмиз, граф де Фонтон эса «Шуанлар» романида Катта Жак деган ном остида қатнашган. Эр-хотин Рагонлар эса «Террор вақтидаги воқеа» асарида муайян роль ўйнаганлар. Цезарь, Биротонинг ўзи эса Бонапартга қарши курашаётиб Вандемьерда авлиё Роха черковининг зиналарида енгил ярадор бўлган эди. Унча катта бўлмаган бу воқеа унинг кейинги ҳаётини тўла белгилаб беради. Бу воқеа Реставрация йилларида унга омад келтиради, унинг шаҳар маҳкама-сида мансаб эгаси бўлишига, Фахрий Легион ордени олишига ёрдам беради. Бу орден олдинга қаҳрамонимизнинг улуғворлигини ифодаловчи рамз бўлиб қолади, кейин эса унинг емирилишининг илк сабабчиси бўлади. Кўпинча одамнинг сиёсий мавқеи биринчи қараганда унинг эътиқодию сифинадиган қоидалари билан белгиланадигандай бўлиб кўринади, аслида эса бирон-бир учрашувга ёхуд ҳовлиқиб қилинган ҳаракатга боғлиқ бўлади. Агар Бальзакнинг йўлида де Берни хоним рўпара келмаганида у монархист бўлмаган бўлиши мумкин эди, Вандемьердаги ҳодиса рўй бермаганида Цезарь Бирото бутун умри давомида оддийгина аттор бўлиб қолаверар эди, унинг шуҳратгалаб интилишлари

баққоллик доирасидан чиқмаган бўлур эди. Дунё ана шунақа қурилган.

3

Бальзак «Цезарь Бирото» устида ишлашга киришганда уни роман сюжетида ажратиб олиб бўлмайдиган бир хатар кутиб турарди: санъаткор одам ҳамиша майда баққолга нафрат билан қараган – Бальзак ана шу нафратини ошкора қилиб қўйиши мумкин эди. Унда савдо буржуазиясининг ҳаётини кўрсатувчи ҳаққоний манзара эмас, балки уларни мазах этган саҳифаларгина ёзилиши мумкин эди. Анри Монье изидан бориш иштиёқи жуда кучли эди. Бальзакнинг ўзи буни жуда яхши англади. У яқин дўстларидан бирига батамом ошкоралик билан шундай ёзган эди: «Олти йил мобайнида мен «Цезарь Бирото»нинг қоралама нусхасини сақлаб келдим. Бу асар билан вақти-соати келиб бирон кимсани қизиқтиришим мумкинлигидан умидимни узиб ҳам қўйгандим. Ахир бу одам бўш-баёв, ақлли қосиргина, чекланган бир баққол бўлса, унинг бошига тушадиган кулфатлари ҳам ўртамиёна, ҳамма доимо унинг устидан мазах қилиб кулиб юрса, ким ҳам бунақа одамга қизиқиб қарар эди? Лекин мен гўзал кунлардан бирида ўзимга ўзим дедим: «Бу образни қайта идрок этмоқ керак, уни ҳалоллик тимсоли сифатида тасвирлаш лозим».

Доҳиёна фикр! Романнинг бош персонажи одат бўйича алланечук ўртамиёна бир нар-

са бўлиши керак эмас. Буни эсдан чиқариш ҳозирги даврдаги кўпгина романнависларни муваффақиятсизликка олиб келади. Тўғри, Флобер ўзининг «Бувар ва Пекюше» деган китобини аччиқ ва жирканч бир карикатурага айлантириб қўйди, бироқ бу асарнинг қаҳрамонлари жуда шайдойи ва пок виждонли одамлар, худди шу фазилатлар уларга ҳаётини изланишларида раҳнамолик қилади ва уларни асраб қолади. Бовари хонимни ўртамиёна аёл деб атаб бўлмайди. Кекса Гранде ҳам худди Горио ота каби ўзига хос тарзда улуғвор. Цезарь Бирото ўзининг савиясига ва теварак-атрофидагиларга кўра ўртачароқ одам, аммо ҳалоллиги туфайли юксак инсон даражасига кўтарилади. Қарз берганлар қарзини қистаб келганида у бор-йўқ нарсасининг ҳаммасини уларга беради, ҳатто Попино совға қилган «Геро ва Леандр» гравюрасигача ва ўзининг кундалик қимматбаҳо тақинчоқларигача, галстукка қадайдиган тўғнағичу тилла тасмалари ёхуд чўнтак соатларигача, ҳолбуки, ҳар қандай ҳалол одам ҳам ҳалоллигига путур етишидан қўрқмай, уларни олиб кетаверса бўлар эди. Шу дақиқаларда унда алланечук улуғворлик пайдо бўлади. Бирото бизга шуниси билан ҳам маъқул бўладикки, авваллари кўксини ифтихор туйғулари билан тўлдирган Фахрий легион орденини то тўла оқангунига қадар тақиб юришдан бош тортади. Ишбилармон одамнинг номуслилиги солдатнинг номуслилигидан заррача кам эмас. Биротонинг ўлими фидойи инсоннинг ўлимидир.

Асарнинг марказий фигураси унинг характери ва оҳангини белгилаб беради. Бирото образини қайта идрок этар экан, Бальзак романдаги майда буржуаларни ҳам хайрихоҳлик билан истарасини иссиқ қилиб тасвирламоғи керак эди. Улар «Якшанба кунлари дала ҳовлиларига боришади, аслзодаларнинг нозиктаъб қилиқларига тақлид қилишга интилишади. Маҳкамаларнинг эҳтиромини қозониш пайдан бўладилар, улар ҳаммага ҳасад қиладилар, шу билан бирга улар кўнгилчан, хизматга тайёр, ҳисчан, дардкаш, бошқаларга дарҳол ёрдам қўлини чўзувчи одамлар... Улар ўзларининг кўнгилчанликларидан доим бошлари ташвишда юради, зодагонлар жамияти гарчи уларнинг тирноғига арзимаса-да, уларнинг нуқсонлари устидан масхаралаб кулиб юради... Улар қизларини соддадил, меҳнаткаш қилиб вояга етказадилар, лекин улар олий табақалар билан мулоқотга киришишлари ҳамона бу фазилатлардан асар ҳам қолмайди. Бу соддадил қизлар ичидан юмшоқ табиатли Кризаль бажону дил ўзига турмуш ўртоғи танлаши мумкин...» Бальзак томонидан тасвирланган зодагонлар орасида Констанс, Бирото, Ансельма, Попино ва Пильеро амаки каби улуғ сифатлари камдан-кам учрайди.

Бу одамларнинг ҳаммаси олижаноб характерларга эга, уларни пачоқ одамлар деб айтиб бўлмайди, чунки теран инсонийлик уларга бетакрор жозиба бахш этиб туради. Пильеро – оқил ва мулоҳазакор одам. У ўзи-

нинг соддалиги билан бизни мафтун этади. У ҳатто ўзининг энг юксак ишларини амалга оширганда ҳам бу соддалигини йўқотмайди. «Амаки! – дея хитоб қилади шўрлик Цезарь. – Энг олижаноб ишлар тўғрисида ҳам жуда оддий қилиб гапирасиз-а! Сиз мени тўлқинлантириб юбордингиз!» Бироқ Пилъеро асло пардозланган авлиё эмас. Ҳордиққа чиққан бу тадбиркор ишларнинг паст-баландини яхши биладиган, турли хил қаллобликлару судхўрлар билан яхши таниш, нозик одам. У бунинг зарур эканига ишонч ҳосил қилганида сира иккиланмасдан Цезарга ўзини синган деб эълон қилишни маслаҳат беради. Зарур бўлганида у серзарда ҳам бўла олади, қатъият ҳам кўрсатади. Худди шунга ўхшаш Констанс Бирото ҳам намунали рафиқа. Соғлом ақл унга бўлғувси ҳалокатни олдиндан кўришга ёрдам беради, аммо табиий мушфиқлиги бу аёлга бахтсизлик устидан ғалаба қозонишга ҳалақит беради. Шунга қарамай, унинг ҳам ўзига яраша юрак сирлари бор. Ўз вақтида дю Тийе унинг кетидан шилқимлик қилиб юрган, Констанс бу тўғрида эрига ҳеч нарса деб айтмаган, ҳатто Цезарни бир нарсани баҳона қилиб бу хира гумаштани қувиб юборишга мажбур қилган, лекин шунга қарамай, дю Тийенинг мактубларини асраб қўйган. Уларда шундай сўзлар учрар эдики, бунақа сўзларни Цезар хотинига ҳеч қачон гапирган эмас эди: «Мен сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Сиз буни биласиз, ҳаётимнинг қувончи...» Констанс – пасткаш

хушторларни ёмон кўрадиган бетавфиқ аёл ва айна чоғда у дилбаргина бир аёл – ўзининг таъсир қувватини ҳис этиш унга лаззат бағишлайди. Айна ана шу инсоний мураккабликлари оқибатида Бальзак персонажлари учта меъёрга эга ва у яратган дунё реал воқелик дунёсини эслатиб туради.

Бальзак ўзи яратган характерларни синчиклаб ўрганеди, лекин ўз асарларида иштирок этувчилар устидан ҳукм чиқармайди. Бальзак биладикки, агар Роген сурункали тумов бўлмаганида ва димоғидан бадбўй ҳид келиб турмаганида, виждонсиз нотариус бўлмаган бўларди. Бу хасталик Роген хонимда эрига нисбатан енгиб бўлмайдиган жирканиш туйғусини уйғотади. Шунда хотинининг нафратига учраган ва унинг хиёнатини кўрган нотариус таскин топмоқ ниятида ва яна ўзига ишонч туйғусини қайтармоқ учун бузуқ хотинлардан ўйнаш тутади. Бунинг оқибатида у доимий равишда пулга муҳтожлик ҳис қила бошлайди, қаллоблик йўлига қадам қўяди ва охир-оқибатда қочиб кетади. Кишини жиркантирувчи хасталик Рогеннинг тақдирини ҳал қилади. Бунақа одамнинг юзтубан қулашдан халос бўлиши амри маҳол эди. Ален Бальзакнинг персонажлари ҳеч қачон ўзларини гуноҳкор деб ҳис этмасликларини кўрсатади. Уларнинг ҳар қайсилари ўзларининг ҳақликларига комил ишонч билан ўз нуқтаи назарларини баён қилишади. Гобсек судхўрлиги учун заррача ҳам виждон азобидан қийналмайди. Бу персонажларнинг

муштарак касали шундаки, «улар ҳақиқат ҳақидаги ўз тасаввурларини айна ҳақиқат деб ўйлайдилар. Улар соддадил ва маҳдуддирлар, шунинг учун ҳам беқарор ва ишониб бўлмайдиган одамлар. Бироқ Бальзак уларни шундай жойлаштирадики, улар ўртасида шундай мустаҳкам алоқалар ўрнатадики, натижада улар метиндай мустаҳкам бўлиб қолишади, негаки ҳеч қандай шароитда бирлари иккинчиларига айланмайдилар...»

Диккенсдан фарқ қилароқ, Бальзак фазилатни тақдирлаб, гуноҳни жазолашга интилмади. У Биротога гўзал ўлимни раво кўради, бироқ Гобсекнинг ўлими ҳам ўзига хос улуғворликдан холи эмас. Дю Тийснинг ҳаёти бошдан-оёқ ғолибона юришдан иборат. Саховатли Пальеро темир иродага эга, бироқ у Цезарь Бирото сингандан сўнг асраб қолиш мумкин бўлган нарсани баландпарвоз нутқлар ирод қилиб эмас, балки донолик ва муғамбирлик ёрдамида асраб қолади. Олижаноблик туфайли Ансельманинг ҳалок бўлишига сал қолади, унинг бахтига Ансельманинг манфаатларини Пальеро ва судья Попинога ўхшаб тажрибали одамлар ҳимоя қилишар экан. «Цезарь Бирото» романи китобхонга яшашни ўргатишдан кўра кўпроқ уни ишларни қандай олиб бориш билан таништиради. Абжирлик билан ўз мақсадларига эришиш йўлларини биладиган андишасиз корчалонлар учун фақат битта жазо бор – бу теварак-атрофдагиларнинг нафратидир. Манфаатдан кўра эзгуликни афзал кўради-

ган яхши одамлар учун ҳам фақат битта мукофот бор – бу теварак-атрофдагиларнинг эҳтиромидир. Кимда-ким, масалан, Ансельм Попинога ўхшаб («Жиян Понс»дагидек) ишчанликни маънавий принциплар билан қўшишнинг уддасидан чиқса, у граф бўлади, Франциянинг пэри бўлади, давлат котиби бўлади, бироқ шуниси ҳам борки, «қирол-фуқаро» Луи Филипп саройидаги ҳавойи муҳит бунақа одамнинг маънавий сифатларига шикаст етказа олмайди. Биротодан фарқ қилароқ, Ансельм Попино шон-шуҳрат чўққисига кўтарилганда ҳам камтар, камсуқум инсон бўлиб қолаверади ва шунинг учун бекаму кўст бахтни тотиб кўришга мурассар бўлади.

Гап шундаки, Бальзакнинг нуқтаи назарига кўра бу дунё долғали океанга ўхшаш бир нарса эканини, унда қудратли оқимлар тинимсиз тўқнашиб туришини, гўёки минг-минглаб тўлқинлар бир-бирига қарши қурашувчи манфаатлар ва шуҳратталаб интилишлар каби ҳар лаҳза, ҳар сонияда бир-бирининг устига ёпирилиб туришини, бундай шароитда ўз фаровонлиги қобиғига ўралиб олиб, табиатнинг шиддатли ҳамласига дош бериб бўлмаслигини, бунақа одам ҳалокатга маҳкум эканини тушунмаган инсон жуда катта хато қилган бўлади. Бошқа одамларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олмоқ керак, фақат шу йўл билангина биз уларга таъсир кўрсата оламиз. Соддадил Бирото Келлер ёки Нусинген раҳмдилликлари

туфайли қарз беришади деб ўйлайди. Бироқ кўпни кўрган Пильеро яхши билади: кимдан қарз сўрасанг, у одам ўзининг кучли эканини ҳис қилади ва бу унинг юмшоққўнгил, раҳмдил бўлишига йўл қўймайди ва, аксинча, қарз бериб бўлган одамнинг заиф жойи кўриниб қолади ва шу сабабдан у ялтоқлик йўлига ўтади. Худди шу сабабдан ношуд корчалон учун ўзини синган деб эълон қилиш зарурати пайдо бўлади. Шу дақиқадан бошлаб ҳемири йўқ қарздор қарз бергандан устун кела бошлайди. «Қарздор қай бир маънода қарз бергандан кучлироқ». Бу гал Ален Бальзак асарларини ҳамма савдо-сотик ўқув юртларида диққат билан ўқитиш керак деган эди. Унинг гапи тўғри. Бальзак асарларидан кредит, савдо-сотик, реклама қонунлари тўғрисида жуда кўп фойдали маълумот олиш мумкин. Ишларни қандай олиб бориш кераклиги ҳақида ҳикоя қилувчи романлар ичида «Цезарь Бирото» энг ажойибдир, у Бальзак замонасида мавжуд бўлган аҳволни акс эттирибгина қўя қолмайди, балки ҳозир содир бўлаётган воқеаларни ҳам олдиндан айтиб беради.

Бальзакнинг эҳтироссиз кузатувчи тарзида тутган мавқеи шунга олиб келдики, ёзувчига замондош мунаққидлардан баъзи бирлари уни виждонсизликда айблай бошлади. Бу Бальзакни қаттиқ ғазаблантирди. Бунда у ҳақ эди, албатта. Сирасини айтганда у реал воқелик юксак маънавиятга эга эмас, деб ҳисобларди. Инсонлар жамияти минглаб таби-

ий иплар билан мустақкам боғланган. Булар оилавий муносабатлар, турли синфлар ўртасидаги, хўжайин билан хизматкор ўртасидаги, савдогар билан харидор, қарз берувчи билан қарздор ўртасидаги муносабатлардир. Бу табиий алоқалар қонунлардан юқори туради. Деҳқон табиатига кўра савдолашмаса бўлмайди. Худди шунга ўхшаш банкир ҳам табиатига кўра турли-туман чайқовчиликлар йўлига кирмаса бўлмайди. Дунёда ҳукмронлик қилувчи қонунларни ҳисобга олмасанг, яшаб бўлмайди. Ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашмайдиган одам ҳалокатга юз тутди. Аммо маънавият қонунлари ҳам ўз навбатида «табиий алоқалар» сирасига киради. «Цезарь Бирото» дан чиқадиган сабоқ – шу. Бу романда тўғридан-тўғри бевосита ифодаланган эмас. Бальзак жуда катта санъаткор бўлган эди ва у яланғоч тасвирларни хуш кўрмасди.

АНДРЕ МОРУА ҲИКМАТЛАРИ

Телефонда бирон нарсани сўраш ёки рад жавобини айтиш анчагина осон. Агар суҳбатдошингнинг юзини кўрмасанг, тасаввур ўз таянчини йўқотади.

* * *

Телефондаги суҳбат ҳаёт ва санъат йўлининг ярмида жойлашган. Бу суҳбат одам билан эмас, балки сен уни эшитганингда кўзинг олдида гавдаланадиган қиёфа билан суҳбатлашишдир.

* * *

Кичкина иш қилинг, бироқ уни мукамал даражада эгалланг ва унга буюк иш қилгандай муносабатда бўлинг.

* * *

Аввалги дўстингдек бераҳм душманнинг ўзи йўқ.

* * *

Одамларни бир-бирига рашк боғлагандай бошқа ҳеч наrsa боғлолмайди.

* * *

Баҳс-мунозарада энг қийини ўзингни нуқтаи назарингни ҳимоя қила олиш эмас, балки у тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишдир.

* * *

Жасорат тугаган куни қарилик бошланади.

* * *

Бизнинг истак-хоҳишларимизга тўғри келадиган нарсалар гўёки тўғридай, хоҳиши-

мизга зид келадиганлари эса бизнинг газа-
бимизни келтиради.

* * *

Тушунарсиз бўлишдан қўрқма.

* * *

Муҳаббат – улуф ҳислар билан бошланиб,
майда-чуйда машмашалар билан тугайди.

* * *

Яқиндагина тушлик қилган дўстингиз уйи-
нинг юз метр радиусида ифлос гапларни га-
пирмаган маъқул.

* * *

Севгисиз никоҳ – бу қонуний фоҳишалиқдир.

* * *

Кексалик санъати ёшларга тўғаноқ эмас –
суянчиқ, рақиб эмас – муаллим, бифарқ эмас
– ҳамдард бўлиш демақдир.

* * *

Ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги
муносабат ҳам севишганлар ўртасидаги му-
носабат сингари машаққатли ва шу қадар
ҳаяжонлидир.

* * *

Омадли никоҳ ҳар куни таъмир этиб тури-
лиши керак бўлган бинодир.

* * *

Бирон-бир нарса биз учун қандайдир қий-
матга эга бўлгунча, уни неча пул туриши ба-
рибир.

* * *

Қўполлик – аҳмоқларнинг заковати.

* * *

Ўлим ҳаётимизни тақдирга айлантиради.

* * *

Оқ рангда жуда кўп нозикликлар бор.

* * *

Бахт баҳор фасли каби ўз қиёфасини ҳар гал ўзгартиради.

* * *

Ёлгон муғамбирликдан эмас, балки лоқайдликдан, эътиборсизликдан келиб чиқади.

* * *

Муҳаббат ҳиссининг юқорилиги бўш вақт талаб этади.

* * *

Жамоатчилик фикрига қараб йўналишни олмаслик керак. Бу маёқ эмас, балки адаштирадиган шуъладир.

* * *

Умр қисқа, майли бу тушунарли, лекин нима билан таққослаганда.

* * *

Таннозлик ва табиийликнинг қоришмаси дилраболикдир.

* * *

Санъаткор ёлгончи, бироқ санъат ҳақиқий.

* * *

Тадбиркорлик – уруш ва спортнинг бирикмасидир.

* * *

Бахтли никоҳ – қисқа суҳбат сингари узоқ давом этадиган суҳбат.

* * *

Аёл билан ўтказилган вақтни йўқотилган деб ҳисоблаб бўлмайди.

* * *

Сиз тўғрингизда бошқалар хато фикр-лашса, улар адашаётганига аминсиз. Лекин ўзингиз бошқалар тўғрисида гапирганда, хато гапирмайсиз.

* * *

Ресторанда ўтирган жуфтликни кузата туриб, уларнинг суҳбатидаги тўхтам (пауза) узунлигидан уларнинг қанчадан бери бирга яшаётганлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин.

* * *

Таъзиянома – бу энг қисқа ва хизматга оид яхши тавсияномадир.

* * *

Сукут сақлаган ҳолда кечириш керак, йўқса бу қандай кечиришдир.

* * *

Агар бизга омад келса, бирданига бизнинг дўстларимизга айланадиган одамларни кўришдан ҳайратланиш қолади.

* * *

Биз ўзимиз севадиган инсонлар билангина табиий бўла оламиз.

* * *

Аёл тажовузкорлиги эркакларнинг қонини қайнатмайди.

* * *

Ўзингизни ёмон баҳоламанг, сизга ишонишлари мумкин.

* * *

Инсон ҳамма нарсадан чарчайди, ҳаттоки севгидан ҳам.

* * *

Севгининг бошланишида севишганлар келажак тўғрисида, охирида эса ўтмиш ҳақида суҳбатлашадилар.

* * *

Ўзингиз томонидан қилинган ишлар ўзингизга қайтади.

* * *

Энг адолатли танқидчи бу вақтдир.

* * *

Қандай севишинг, қачон севишинг барибир эмасми?

* * *

Қаерда муваффақият бўлса, ўша ерда душман ҳам пайдо бўлади.

* * *

Одамлар ўзлари чекаётган азоб-уқубатларга чек қўйишни исташмайди.

* * *

Ёши ўтинқираб қолган хонимлар, одатда, очиқ-кўнгил бўлишади. Ва кўпинча фаройиб воқеаларни гапириб беришади.

* * *

Бирорта одам хонавайрон бўлиб, уйи ким-ошдида сотилган тақдирдагина архивлар ёруғ дунёга чиқади.

* * *

Кўп оилалар ҳамма нарса аён кўриниб турган бўлса-да, ота-боболарининг номус-орини ўттизинчи бўғингача ҳимоя қилишади.

* * *

Байрон нафақат улуг шоир эди, балки фариштанинг қиёфасига ва иблиснинг ақлига эга бўлган эркак ҳам эди.

* * *

Репетиция – энг яхши мактаб.

* * *

Бизнинг энг ардоқли орзуларимиз фақат тушдагина шунақа тўқислик билан рўёбга чиқади-ки!

* * *

Ўз-ўзини ўлдириш санъатдир. Бу ишда нодонлик ҳам, олифтагарчилик ҳам кетмайди. Шу билан бирга, ўзининг табиатига кўра инсон бу ишда керакли тажриба ҳам тўплай олмайди.

* * *

Ўз-ўзини ўлдириш иштиёқи ҳамиша банкдаги жорий ҳисобга тесқари мутаносибдир.

* * *

Бошқаларнинг бахтсизлигини кўтармоқ учун биз ҳаммамиз ҳам етарли матонатга эгамиз.

* * *

Драматург учун театр саҳнаси – нотик одам учун унинг овози ёзилган тасмадай гап. У тасмани эшитиб ўтириб, ўз нуқсонларини аниқлайди ва уларни тузатади.

* * *

Ҳалоллик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

* * *

Наҳотки камсуқумлик, барқарорлик ва олижаноблик ҳар қандай жасоратдан яхши бўлмаса?

* * *

Романтика инсон билан ҳамиша ёнма-ён яшайди. Бироқ уни ҳамма ҳам топавермайди.

* * *

Дунёда ҳеч нарса кор қилмайдиган биттаю битта нарса бор – олтин...

* * *

Истеъдод қаримайди.

* * *

Молиявий қийинчиликлар ҳеч қачон фожиона бўлмайди.

* * *

Бюджетнинг қанақа бўлиши молиявий масала эмас, сиёсий масала.

* * *

Баъзан ўтсиз ҳам тутун бўлиши мумкин...

* * *

Бальзак XIX асрнинг энг яхши романнависларидан биригина эмас, у бугун ҳам романнавислар ичида энг улуғидир.

* * *

Бўҳрон бўҳронлигини қилади-да...

* * *

Бальзак эса бугун бир олам яратди ва бу олам бир вақтнинг ўзида ҳам унинг даврига, ҳам бошқа ҳамма даврларга тааллуқлидир.

* * *

Шошилиш яхшиликка олиб келмайди.

* * *

Шунчаки инсон бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, тизим бўлмоқ керак.

* * *

Француз жамиятининг ўзи муаррих бўлмоғи керак эди, менга эса фақат унинг котиби бўлмоқ қолган эди, холос.

* * *

Романтик кўтаринкилик кўпинча ёшларнинг орзу-умидлари билан шафқатсиз дунё ўртасидаги конфликт ёрдамида вужудга келади.

* * *

Ҳар қандай роман реал дунё билан мустақкам ришталар орқали боғланган бўлмоғи керак.

* * *

Ҳеч ким ҳеч нарсани қораламайди. Дунё қандай бўлса, шундай.

* * *

Жамият шаклини ўзгартиринг – лекин бундан инсонларнинг турлари ҳеч қанча ўзгариб қолмайди.

* * *

Болаларнинг нима эканини фақат ўлаётганингиздагина биласиз.

* * *

Ота, албатта, бадавлат бўлмоғи керак, у фарзандларининг жиловидан қаттиқ ушлаб турмоғи керак – чарс отларни ушлашгандек... Дунё ана шунақа ёмон қурилган.

* * *

Ижодкорнинг даҳолиги унинг фарзандига ўтган эмас.

* * *

Ҳа, ҳа, худо бор. У бизнинг дунёмизни яхшироқ қилади. Акс ҳолда биз яшайдиган замин бемаъни бир нарса бўлиб қолаверади.

* * *

Дунёнинг бемаъни қурилгани ҳақидаги фикр янги фикр эмас.

* * *

Бальзак дунёни яхши кўради, ундаги бор нарсаларнинг ҳаммасини, ҳаттоки даҳшатли махлуқларгача яхши кўради.

* * *

Тез-тез санъатдаги дурдона асарнинг табиати ҳақида баҳслар бўлиб туради.

* * *

Нозик дидли китобхон бошқа навдаги китоблардан ҳам лаззатланиши мумкин.

* * *

Инсон комилликдан узоқ.

* * *

Агар сиз мени унутиб юборсангиз, менинг исмим жамики шону шавкати билан сизга таънаю дашном каби етиб боришини истаيمان.

* * *

Бальзакнинг ўзи хатти-ҳаракатларини аниқ-равшан тушуниш қобилиятига эга эди ва у ўзи тўғрисида гўё бир четдан туриб мулоҳаза юрита оларди.

* * *

Катта ёзувчи қалбнинг ҳамма ҳолатларини тасвирлай олади.

* * *

XIX аср француз романининг хатоларидан бири шунда эдики, муаллифлар кўтаринкиликни фақат муҳаббат тасвирларидан излар эдилар.

* * *

Муҳаббат мавзуининг ҳамма нарсадан устун келиб ҳукмронлик қилиши ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ келмаслигини Бальзак кўра олди.

* * *

Мутлақ эзгулик деган нарса йўқ, фақат шароит бор.

* * *

Муҳаббат билан бир қаторда такаббурлик, шуҳратпарастлик, хасислик, очкўзлик каби ҳирслар романнинг асоси бўла олади.

* * *

Ҳаёт шундай бир ускунадирки, уни пул ҳаракатга келтиради.

* * *

Романтик кўтаринкилик қаҳрамон ўзи учун яратган аъмол билан кундалик ҳаётнинг шафқатсиз воқелиги ўртасидаги конфликтдир.

* * *

Инсон тақдиридаги кўтарилишлар ва ҳалокатлар ҳаминша Бальзакнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган.

* * *

Санъаткор одам ҳамиша майда баққолга нафрат билан қараган.

* * *

Ишбилармон одамнинг номуслилиги солдатнинг номуслигидан заррача кам эмас.

* * *

Диккенсдан фарқ қилароқ, Бальзак фазилатни тақдирлаб, гуноҳни жазолашга интилмайди.

* * *

Манфаатдан кўра эзгуликни афзал кўрадиган яхши одамлар учун ҳам фақат битта мукофот бор – бу теварак-атрофдагиларнинг эҳтиромидир.

* * *

Қарздор қай бир маънода қарз бергандан кучлироқ.

* * *

Бальзак асарларини ҳамма савдо-сотиқ ўқув юртларида диққат билан ўқитиш керак.

* * *

Бальзак асарларидан кредит, савдо-сотиқ, реклама қонунлари тўғрисида жуда кўп фойдали маълумот олиш мумкин.

* * *

Деҳқон табиатига кўра савдолашмаса бўлмайди.

* * *

Банкир ҳам табиатига кўра турли-туман чайқовчиликлар йўлига кирмаса бўлмайди.

* * *

Дунёда ҳукмронлик қилувчи қонунларни
ҳисобга олмасанг, яшаб бўлмайди.

* * *

Ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашмайдиган
одам ҳалокатга юз тутади.

* * *

Маънавият қонунлари ҳам ўз навбатида
«табиий алоқалар» сирасига киради.

* * *

Тадқиқотчининг танқидий туйғуси бор.

* * *

Кўзингни юмсангу уйқуга кетсанг, бошқа
ҳеч қачон уйғонмасанг, ҳеч қанақа сўроқлар-
ни эшитмасанг, ҳеч қанақа таъна-дашном-
лар юрагингни ўртамаса!

* * *

Бальзак ижодининг энг муҳим хусусияти
шундаки, у бизга шунчаки жуда кўп роман
қолдириб кетгани йўқ, балки унинг романла-
ри бутун бир жамият тарихидан иборат.

* * *

Стендаль асарларининг услуби зўрроқ ва
уларда ярқироқ нафосат кўп, бироқ Стен-
даль ўз персонажлари ёрдамида фақат ўзи-
нинггина ички дунёсини очиб беради.

* * *

Романнинг бош персонажи одат бўйича ал-
ланечук ўртамиёна бир нарса бўлиши керак
эмас. Буни эсдан чиқариш ҳозирги даврда-
ги кўпгина романнависларни муваффақият-
сизликка олиб келади.

* * *

Ҳар қандай машина каби пул ишлаб чиқадиган ускуна ҳам жонсиз, ҳар нарсага бефарқдир. Фақат кимнингдир пишибетилган нафрати уни бирор кимсага қарши йўналтирса, у инсон душманга айланади.

* * *

Кўпинча одамнинг сиёсий мавқеи биринчи қараганда унинг эътиқодию сиғинадиган қоидалари билан белгиланадигандай бўлиб кўринади, аслида эса бирон-бир учрашувга ёхуд ҳовлиқиб қилинган ҳаракатга боғлиқ бўлади.

* * *

Ҳатто энг омадли одамнинг ҳаёти ҳам бирдан чаппага кетиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга қарши курашиб бўлмайди. Шунда ўлим ҳақидаги фикр одам учун нажот йўлини кўрсатувчи бўлиб туюлади.

* * *

Одамларни икки иштиёқ, икки нафс бошқаради – булар олтинга муҳаббат ва лаззат иштиёқи. Шуниси ҳам борки, буларнинг биринчиси иккинчисининг оқибати ўлароқ пайдо бўлади, қолган туйғуларнинг ҳаммаси риекорликдан бошқа нарса эмас.

* * *

Чинакам дурдона асар жуда пухта қурилган бўлади, унда ҳаракат тўхтовсиз ривожланиб туради, унинг ҳамма нарсаси, ҳатто зиддиятлари ҳам лол қолдирадиган бир яхлитлик билан суғорилган бўлади, унда ип

ташлаган жойлар йўқ, бўштоб ўринлар бўлмайди, у мукамал шаклга эга бўлади.

* * *

Табиатшунос олим турли-туман биологик турлар ўртасидаги ўзаро алоқани тадқиқ қилар экан, мана шундай иқлим шароитида ҳайвонлар дунёси билан ўсимликлар дунёси ўртасида муайян мувозанат майдонга келади, деб таъкидлайди ва бу мувозанатни ўз-ўзича яхши деб ҳам, ёмон деб ҳам ҳисоблаш мумкин эмас, унинг тўғрисида фақат у мавжуддир дейиш мумкин холос, дея хулоса чиқаради.

* * *

Одамлар жамиятини ўрганувчи ёзувчи ҳам бу жамият ўз таркибида муайян миқдорда олий табақа вакиллари, амалдорлар, врачлар, деҳқонлар, текинхўрлар, олифталар, судхўрлар, бадарға қилинганлар, қозилар, зодагон аёллар, меҳмонхона бекалари ва оқсочлар мавжуд бўлгани туфайлигина яшайди ҳамда амал қилади, деб қайд қилади.

* * *

Бальзакнинг нуқтаи назарига кўра бу дунё долғали океанга ўхшаш бир нарса эканини, унда қудратли оқимлар тинимсиз тўқнашиб туришини, гўёки минг-минглаб тўлқинлар бир-бирига қарши курашувчи манфаатлар ва шуҳратталаб интилишлар каби ҳар лаҳза, ҳар сонияда бир-бирининг устига ёпирилиб туришини, бундай шароитда ўзининг фаровонлиги қобиғига ўралиб олиб, табиатнинг

шиддатли ҳамласига дош бериб бўлмаслигини, бунақа одам ҳалокатга маҳкум эканини тушунмаган инсон жуда катта хато қилган бўлади. Бошқа одамларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олмоқ керак, фақат шу йўл билангина биз уларга таъсир кўрсата оламиз.

АНДРЕ МОРУА ҲАЁТИ ВА ИЖОДИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР

- **1885 йил 26 июль** – Андре Моруа Руандан унча узоқ бўлмаган Эльфебеда дунёга келган.

- **1897 йил** – Моруа Руан лицейида ўқий бошлаган.

- **1914–1918** йиллардаги Биринчи жаҳон урушида Моруа алоқа офицери ва Британия экспедиция корпусида ҳарбий таржимон бўлиб қатнашган.

- **1903–1908 йиллар** – Моруа отасининг мовут фабрикасида ишлаган.

- **1918 йил** – Моруанинг ижодидаги биринчи асар – «Камсухан полковник Брамбл» номли романи дунё юзини кўрган.

- **1938 йил 23 июнь** – Моруа Француз академияси аъзолигига қабул қилинган.

- **1939 йил** – 54 ёшли Моруа ўз ихтиёри билан армияга кетган.

- **1939 йил** – Моруа АҚШга кетган.

- **1945 йил** – Иккинчи жаҳон уруши таъом бўлганидан сўнг Моруа Парижга қайтган.

- **1949 йил** – Моруа «Марсель Пруст изидан» номли китобини нашр қилган.

- **1967 йил 9 октябрь** – Андре Моруа Париж яқинидаги Нёйи-сюр-Сен шаҳарчасидаги ўз уйида оламдан ўтган.

АНДРЕ МОРУАНИНГ АСОСИЙ АСАРЛАРИ

Бадий проза ёхуд бадий жанрдаги асарлар

- 1918 йил – «**Камсухан полковник Брамбл**» («Les Silences du colonel Bramble») романи;
- 1921 йил – «**Доктор О’Грэдининг нутқи**» («Discours du docteur O’Grady»);
- 1926 йил – «**Бернар Кенэ**» («Bernard Quesnay») автобиографик роман;
- 1928 йил – «**Севгининг бевафолиги**» («Climats») романи;
- 1932 йил – «**Оилавий давра**» («Le Cercle de Famille») романи;
- 1934 йил – «**Ҳис туйғу ва урф-одат**» («Sentiments et coutumes»);
- 1956 йил – «**Нотанишга мактуб**» («Lettres à l’inconnue»).

Биографик асарлари

- 1924 йил – «**Ариэль ёки Шелли ҳаёти**» («Ariel ou la Vie de Shelley»);
- 1927 йил – «**Дизраэлининг ҳаёти**» («La Vie de Disraeli»);
- 1930 йил – «**Байрон**» («Byron»);
- 1931 йил – «**Тургенев**» («Tourgueniev»);
- 1935 йил – «**Вольтер**» («Voltaire»);
- 1938 йил – «**Рене ёки Шатобриан ҳаёти**» («René ou la Vie de Châteaubriand biographie et étude littéraire»);
- 1942 йил – «**Фредерик Шопен**» («Frédéric Chopin»);

- 1945 йил – «**Генерал Эйзенхауэр**» («Le général Eisenhower»);
- 1945 йил – «**Франклин**» («Franklin»);
- 1946 йил – «**Вашингтон**» («Washington»);
- 1952 йил – «**Лелия ёки Жорж Санд ҳаёти**» («Lelia ou la Vie de George Sand»);
- 1955 йил – «**Олимпιο ёки Виктор Гюгонинг ҳаёти**» («Olimpio ou la Vie de Victor Hugo»);
- 1957 йил – «**Уч Дюма**» («Les trios Dumas»);
- 1959 йил – «**Александр Флемингнинг ҳаёти**» («La vie de sir Alexander Fleming»);
- 1961 йил – «**Адрианне ёхуд Лафайет хонимнинг ҳаёти**» («Adrienne ou la Vie de Mme de La Fayette»);
- 1965 йил – «**Прометей ёки Бальзакнинг ҳаёти**» («Promethee ou la Vie de Balzac»);
- 1970 йил – «**Ёдномалар**» («Memoires»).

Адабий танқидчилик асарлари

- 1950 йил – «**Марсель Пруст изидан**» (A la recherche de Marcel Proust) романи.

Тарихий асарлари

- 1937 йил – «**Англия тарихи**» («Histoire d'Angleterre»);
- 1943 йил – «**АҚШ тарихи**» («Histoire des États-Unis»);
- 1947 йил – «**Франция тарихи**» («Histoire de la France»);
- 1962 йил – Луи Арагон билан ҳаммуаллифликда «**АҚШ ва СССРнинг параллел тарихи**» («Histoire des États-Unis et de l'URSS»).

МУНДАРИЖА

А.Саидов. Андре Моруа – ҳаёт муаллими... 3

ҲИКОЯЛАР

• <i>Таржимаи ҳол</i>	17
• «Танатос» меҳмонхонаси.....	46
• <i>Миррина</i>	72
• <i>Чоршанба учун бинафшалар</i>	89
• <i>Олтин ёмбининг қарғиши</i>	109
• <i>Хайрли кеч, жонгинам</i>	125
• <i>Қайтиш</i>	144
• <i>Ибодатхона</i>	153
Оноре де Бальзак	156
• <i>Горио ота</i>	156
• <i>Цезарь Бирото</i>	177
Андре Моруа ҳикматлари	195
Андре Моруа ҳаёти ва ижодидаги муҳим саналар	210
Андре Моруанинг асосий асарлари	211

Адабий-бадиий нашр

АНДРЕ МОРУА

ЧОРШАНБА УЧУН БИНАФШАЛАР

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусаҳҳиҳ
Феруза ШОСАИДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2015 йил 6 апрелда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ^{1\32}.

Босма тобоғи 6,75. Шартли босма тобоғи 11,34.

Гарнитура «Bookman Cug+Uzb». Офсет қоғози.

Адади 5000 (1-завад 2000) нусха. Буюртма № 86.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди

ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278–36–89;

Маркетинг бўлими – 128–78–43. факс – 273–00–14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қуйидаги янги китобларни нашр этди:

ЙОХАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

«Фауст»

84x108 1/32, 536 бет, қаттиқ муқова

Буюк немис шоирининг бу йирик асари жаҳон адабиётининг дурдоналаридан саналади. Унда икки мангу қарама-қарши куч: яхшилик ва ёвузлик, иқдор ва инкор курашади. Фауст – ҳаёт ошиғи, тараққиёт жангчиси, адолат жарчиси. Мефистофель – ҳаёт ёви, тараққиёт душмани, адолат кушандаси. Асардаги мураккаб воқеалар силсиласи шу икки қаҳрамон хатти-ҳаракатлари орқали ривожланиб боради.

ИВАН ТУРГЕНЕВ

«Оталар ва болалар»

84x108 1/32, 320 бет, қаттиқ муқова

Машҳур рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг ўз даврида катта шухрат қозонган ушбу “Оталар ва болалар” романи рус адабиётшунослигида ёзувчи ижодининг чўққиси сифатида талқин этилади. Адиб бош қаҳрамон Базаров образида ҳурфикрилилик ва янгилик сари интилиш каби фазилатларни мужассамлантирган. Асардаги воқеалар ўша даврда чирий бошлаган жамиятни шунчаки ислоҳ этиш эмас, балки пойдевори ни тағ-туғи билан йўқ қилиб, янгисини барпо этиш кераклигини кўрсатиб беради. Тургенев Базаровдаги нигилизмни (барча нарсаларни инкор қилиш) тасвирлаш орқали рус ёшларига хос салбий жиҳатларни ҳам намоён этган. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга ўргатувчи ушбу асар мутолааси китобхонга завқ бағишлайди, деган умиддамиз.

АЛЬБЕР КАМЮ

«Бегона»

84x108 1/32 , 476 бет, қаттиқ муқова

Альбер Камю – XX аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, адабиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби, моҳир адиб, драматург, файласуф. «Тубанлашув», «Вабо», «Сифиз ҳақида асотир», «Калигула», «Асотир ва қиёфа», «Исёнкор одам», «Бегона» каби асарлар муаллифи.

А.Камю ўз асарларида Иккинчи жаҳон уруши даҳшати оқибатида пайдо бўлган инсоний тақдирнинг абсурд ҳиссиётлари ҳақида ёзади.

Альбер Камюнинг «Вабо» ва «Бегона» асарлари Аҳмад Аъзам томонидан моҳирона таржима қилинган. «Ҳикматлар», «Ён дафтарчалар» асарлари эса И.Бек томонидан ўзбек тилига ўтирилган.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ИЛЬЯ ИЛЬФ, ЕВГЕНИЙ ПЕТРОВ

«Ўн икки стул»

84x108 1/32, 456 бет, қаттиқ муқова

«Ўн икки стул» – ушбу асар 1927–1928 йилларда яратилган бўлиб, ўткир юмористик романлар қаторида эътироф этилади. Асар ҳаётда содир бўлган воқеликларга асосланган. Роман қаҳрамонлари Остап Бендер ҳамда Ипполит Матвеевич Петухова хоним бойликларини излаб топиш мақсадида биргаликда саёҳатга отланадилар ва жуда кўп саргузаштларни бошдан кечирадилар. Улар маҳоратли уста Гамбс томонидан яратилган ажойиб санъат намуналари бўлмиш ўн икки стул жамланмасини бирма-бир қўлга киритишга интиладилар. Бу икки ҳамтовоқ ўз мақсадига эришиш учун энг қабих жиноятларни амалга оширишдан тоймайди.

Ўқувчи ушбу асар орқали жиноят жазосиз қолмаслиги ва бировнинг мулкига кўз олайтириш қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини фаҳмайдди.